

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ  
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ

Муаллифлар:

Чичерина Я.Е., Исаева Д.И., Бондарева Е.В.

ЭРТА ТАШХИС  
ВА ИЛК АРАЛАШУВ:

*Мутахассислар ва ота-оналар  
учун қўлланма*

Ташкент 2010

“Эрта ташхис ва илк аралашув” – мутахассислар учун кўлланма/ Муаллифлар: Чичерина Я.Е., Исаева Д.И., Бондарева Е.В. – Тошкент; РБИММ, 2009. – 86 б.

Тақризчилар: Сафаев Н.С. – психология фанлари доктори,  
Фазилов Ж.К. – педагогика фанлари номзоди

Ушбу кўлланма боланинг ривожланишини тавсифлаб бериб мазкур мураккаб жараённинг барча томонларини қамраб олади. Болани парваришловчи катталар, боланинг ҳар бир ривожланиши босқичида бола учун қандай имкониятлар очилиши тўғрисида тўлик маълумот олишлари мумкин. Мазкур кўлланмада келтирилган ривожланиш тўғрисидаги маълумотлар алоҳида эҳтиёжга эга боланинг яхши ривожланишига яхши кўрувчи оиласвий мухит, таълим, парвариш ва эътиборнинг аҳамиятини тушунишга катта ёрдам беради. Болани ташхислаш бўйича барча мавжуд услубларни кўллаган ҳолда, мутахассислар ва ота-оналар боланинг ривожланиши бўйича унинг янада яхшироқ ривожланиши учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳамда аввалги ривожланиш босқичларида илк кийинчиликларни енгиш тўғрисида бошланғич фойдали маълумотларни олишлари мумкин.

Кўлланма болалар билан ишловчи барча мутахассислар (медиклар, педагоглар, тарбиячилар, психологлар, логопедлар, ижтимоий ишчилар), шунингдек, болани парваришловчи ота-оналар ва барча катталарга мўлжалланган.

*Услубий кўлланма Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази илмий-услубий Кенгашининг 2009 йил 30 ноябрдаги б-сонли қарори билан нашр этишга тавсия қилинган.*

---

## **Миннатдорчилик**

Ушбу кўлланма Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг “Барча болалар учун имкониятлар: ногиронлиги бўлган болаларнинг яхшироқ интеграцияшуви” дастури доирасида 2008-2009 йй. давомида ишлаб чиқилган.

Муаллифлар қўлланмани яратишида ёрдам кўрсатганларни учун Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) нинг раҳбарияти ва ходимларига, консультантлар – эрготерапевт Макото КОНО ва Кумико ТАНАКА (“Тошкент шахридаги алоҳида эҳтиёжли одамларнинг ижтимоий реабилитацияси”, ЛСА), ижтимоий иш бўйича ҳамкасабалар Людмила КИМ, Аделя ШУБИНА, Наталья ПЛОТНИКОВА, Гульфия КАЛИМУЛЛИНА ва Марина ТЕПЕРИНАларга ўз ташаккурини изхор қиласди.

Шунингдек, биз ушбу қўлланманинг яратилишида кўмаклашган РБИММ Ота-оналар клубининг фаол иштирокчилари, болалар ва уларнинг ота-оналарига ҳам чукур миннатдорчилигимизни билдирамиз. Сизларга фаоллик, оптимизм ва ривожланишга бўлган интилишингиз учун, бизни илҳомлантирганингиз ҳамда муайян йўналишлар берганлигиниз учун ҳам раҳмат деймиз.

## Мундарижа

<b>1-боб. Боланинг ривожланиши .....</b>	<b>7</b>
1.1. Бола ривожланиши деганда биз нимани тушунамиз (ривожланишнинг асосий мухити, тушунчаси). Ногиронлиги бўлган боланинг эхтиёжлари. ....	7
1.2. Бола ривожланиши учун меҳр-мухаббатнинг аҳамияти. ....	17
1.3. Бола ривожланишининг босқичлари.....	25
1.3.1.Интеллектуал ривожланиши босқичлари .....	25
1.3.2. Ривожланишининг сенситив муддатлари .....	29
<b>2-боб. Боланинг аниқ эхтиёжларини қай тарзда аниқлаш ва унинг ривожланиши ҳамда таҳсил олиши бўйича вазифалар қўйиш .....</b>	<b>33</b>
2.1. Эрта ташхис қўйиш мақсади, вазифалари ва тамойиллари .....	33
2.2. Боланинг психоижтимоий ривожланиши картаси ва ундан фойдаланишга йўрикнома .....	35
2.3. 3-6 ёшли боланинг психоижтимоий ривожланишига ташхис қўйиш методикаси.....	45
2.4. Боланинг илк ёшида қандай бузилишларни аниқлаш мумкин? ..	52
<b>3-боб. Мутахассислар ва ота-оналар ногиронлиги бўлган боланинг ривожланиши ҳақида нималарни билишлари керак .....</b>	<b>56</b>
3.1. Ногиронлиги бўлган бола ривожланишининг асосий тамойиллари .....	56
3.2. Алоҳида эхтиёжи бўлган бола ҳаётининг биринчи йилида ривожланиши.....	60
3.3. Алоҳида эхтиёжи бўлган бола ҳаётининг иккинчи-учинчи йилида ривожланиши .....	71
3.4. Алоҳида эхтиёжи бўлган бола ҳаётининг тўртинчи-олтинчи йилида ривожланиши .....	80
Глоссарий.....	88

## **КИРИШ**

### **Эрта аралашув нима дегани?**

Илк аралашув дастурлари (early intervention programs) биринчи бор АҚШ ва Шарқий Европа давлатларида ишлаб чиқилган. Уларнинг максади – бола ривожланишидаги нуқсонларни иложи борича қай тарзда эртарок ва бундай болалар, уларнинг оиласларига қандай ёрдам кўрсатишни аниклашдан иборат. Биз буни қанчалик эрта кила олсак, катта муваффакиятга эришсак, фарзандимиз шунчалик яхши ривожланади.

Кичик болаларнинг ота-оналарини гўдакларининг соғлиги доимо хавотирга солади ва улар ёрдам учун болалар шифокорига мурожаат қиласидилар. Шифокор ташхис қўйиш ва турли-туман касалликларни даволаш билан шуғулланади.

Бирок боланинг муваффакиятли ривожланиши учун нафакат унинг жисмоний саломатлиги ҳақида, балки бола ҳаётининг дастлабки куниданок мулоқотга муҳтож бўлиши, унинг учун ўйнаш ва атрофдаги оламни фаол тадқиқ этиш, ўқиш ҳамда ўз қобилиятини ривожлантириш мухим эканини унутмаслик лозим. Қачонки ногиронлиги бўлган бола ҳақида сўз очилганда, биз кўпинча унинг эҳтиёжлари бошқа болаларнига қараганда оддийрок деб ўйлаймиз. Бу билан биз унинг ривожланиши учун имкониятни чеклаймиз. Айнан шунинг учун Илк аралашув дастурининг мутахассислари ота-оналар билан ишлашга катта эътибор ажратадилар. Уларнинг бола ривожланиши жараёнига фаол киришиши профессионаллар иштироқи каби ўта аҳамиятли хисобланади<sup>1</sup>.

Ушбу кўлланмада биз бола ривожланишининг барча томонларини қамраб олишга ва катталарга гўдак учун ҳар бир ёш босқичида қандай имкониятлар очилиши ҳақидаги бирмунча тўлиқ ахборотни тақдим этишга ҳаракат килдик. Ривожланиш ҳақида тақдим этилган ахборот ногиронлиги бўлган болани севгувчи оиласвий мухит, таълим, унинг кўнгилдагидек ривожланиши учун парвариш ва ғамхўрлик қилишнинг ролини яхширок

<sup>1</sup> <http://nashideti.narod.ru>

---

тушуниш имконини беради. Бола парваришини амалга оширувчи катталар болани тадқик қилишнинг мумкин бўлган усулларидан фойдаланиб, унинг ривожланиши қандай кечиши ва ҳолатидаги хавотирли дастлабки белгиларни қандай пайқаш мумкинлиги тўғрисидаги бошланғич фойдали ахборотни оладилар.

Кўлланма болалар билан ишловчи барча мутахассислар (тиббиёт ходимлари, педагоглар, тарбиячилар, психологлар, логопедлар, ижтимоий ходимлар), шунингдек, ота-оналар, бола ҳақида қайгураётган катталар учун мўлжалланган.

## 1 боб. БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

### 1.1. Бола ривожланиши деганда биз нимани тушунамиз

Бизнинг давлатда болаларнинг асосий ҳуқуқлари Ўзбекистонда 1992 йилнинг декабрида ратификация қилинган Халқаро хужжат “Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенция” ва Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган. Унда айтилишича, ҳар бир боланинг ижтимоий келиб чикиши, миллати, жинси, ёши, саломатлик хусусиятидан қатъи назар ўсиш ва ривожланишга дахлиз ҳуқуки бор.

*БМТ нинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси. БМТнинг  
Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрида қабул қилинган.  
Ўзбекистонда 1992 йили ратификация қилинган.*

**5-модда.** Ота-оналар ва оиласининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини бола ривожланишининг тўғри йўналишини таъминлашнинг анча кент тушунчасида ҳурмат қилиши керак.

**6-модда.** Ҳар бир боланинг яшаши ҳамда ривожланишини таъминлашга мажбур.

*Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрида қабул қилинган. Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрида маъқулланган.*

**8-модда.** Боланинг ҳаётга ҳукуқини кафолатлаш Ҳаётга бўлган ҳукуқ ҳар бир боланинг дахл килиб бўлмайдиган ҳукукидир. Боланинг ҳаётига қасд қилиш оғир жиноят хисобланади.

Давлат соғлом бола тузилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

**Бола ривожланиши** ўзида узлуксиз жараённи акс эттиради, на-тижада бола ўсади, ўқийди, янги тажрибани эгаллайди, фаолиятнинг янги турларини ўзлаштиради. Бу мустакиллик ва ўз қобилияларини энг юкори даражада намоён этишга эришиш йўлидир.

Бу йўлда боланинг асосий ёрдамчиси катталар хисобланади!

**Алоҳида функциялар ривожланишининг қандай содир бўлаётганини, хақиқатан ҳам мураккаб комплексга бирлашганини текшириш учун уларни шартли равишда қуидагича бўламиз:**

**жисмоний ривожланиш** – организмнинг ўсиши ва ривожланиши, тана, харакат оғирлигининг ўзгариши;

**хиссий ривожланиш** – туйғу ва муҳаббатнинг ривожланиши, темперамент характерли чизикларининг намоён бўлиши, стрессга реакция килишнинг хусусиятлари ва ўз шахсий туйғулари ҳамда ҳолатини назорат қилиш имконияти;

**когнитив ривожланиш** – ташвишланиш, тушуниш, ўрганиш, эслаб колиш, ўйлаш қобилияларининг ривожланиши<sup>2</sup>;

**нутқнинг ривожланиши** – тил (сўз орқали мулокот), ёрдамчи нуткий воситалар (дактил нутқ, имо-ишоралар нутки, пиктоGRAMМАДАН фойдаланиладиган нутқ) ёрдамида амалга ошириладиган мулокот шаклининг ривожланиши;

**ижтимоий ривожланиш** – атрофдаги одамлар билан мулокот, атрофдагилар ва жамият томонидан қабул килиниш ҳамда маъқулланиш, муйян гурурхга мансублик, ижтимоий ролларни ўзлаштириш, эркинлик ва мустакиллик (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, мулокот килиш малакалари ва ҳ.к.) ни таъминловчи ҳаётий малакаларнинг ривожланишига бўлган эҳтиёжининг ривожланиши<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> А. Бакк, К.Грюневальд. Забота и уход. Книга о людях с задержкой умственного развития. С-Петербург, 2001г. С.55.

<sup>3</sup> Параметры развития ребенка. //Материалы курса «Практика социальной работы с детьми и семьями». /Проект «Развитие программы переподготовки по социальной работе и продвижение профессии «Социальная работа» в Узбекистане»/. РЦСАД, ТГИК, МВС-СО, ЮНИСЕФ., Ташкент, 2007 – 2008гг.

---

*Болалар билан ишлашда шуни ёдда тутши мухимки,  
ҳар бир болада доимо сакланадиган ривожланиши қобилияти бор!*

Ўсиш ва ривожланиш жараёнида барча бу соҳалар бир бири билан зич ўзаро боғланган: жисмоний ривожланиш ва ҳаракатланиш ақлий ривожланиш учун яхши шароитни таъминлайди; севгувчи ва қабул килувчи мухит болада хавфсизлик, шахсий аҳамиятлилиги туйғусини шакллантиради ва янада юкори мустақиллик ҳамда ўзига ишончни намойиш қилишга имкон беради; нутқнинг ривожланиши ақлий ривожланишга янги туртки беради. Энди биз қандай ёш даврлари боланинг жисмоний, ақлий, хиссий, нуткий ва ижтимоий ривожланиши учун, айниқса, мухим ҳисобланишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч нимада эканини аниклаш зарур. Айнан шунинг учун биз бу масалани ўрганишни “Эҳтиёж” каби тушунчага таъриф беришдан бошлаймиз.

### **Боланинг эҳтиёжлари**

Эҳтиёж – бу талабнинг ички ҳолати, инсон ҳаётини фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ниманингдир етишмаслиги. Эҳтиёж инсонни ҳаракатга ундаиди ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Қачонки одамнинг анча оддий эҳтиёжлари, масалан, овқат, сув, ҳаво, ҳимояга бўлган эҳтиёж қондирилганда ҳийла мураккаб тартибдаги эҳтиёжлар – атрофдагилар томонидан қабул қилиниш ва ҳурматлаш, ўз-ўзини ҳурмат қилиши, муҳаббат ва ўзининг ижодий имкониятларини намойиш қилишга бўлган эҳтиёжлар ривожланишини бошлайди<sup>4</sup>.

Бола ривожланиши учун энг юкори даражадаги ёқимли шароитни яратиш учун унинг қуидаги эҳтиёжлари қондирилиши зарур.

---

<sup>4</sup> <http://www.glossary.ru>

## СОҒЛИК

Бола унинг соғлиги тўғрисидаги яхши парвариш ва ғамхўрликка муҳтож.

Болага васийликни амалга оширувчи ота-оналар ёки катталар куйидагиларни киритган холда тўғри жисмоний ва аклий ривожланиши таъминлашлари лозим:  
**ОВҚАТЛАНТИРИШ** – боланинг озуқаси мувоза-натлаштирилган бўлмоғи даркор ва унинг ўсиши хамда ривожланиши учун зарурий элементлар – витаминалар, минераллар, оксиллар ва ҳ.к. ни ўз таркибига олиши зарур.

**ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ** – бола эмлашларни ўз вактида олиши, айниқса, агар у касал бўлса ёки ўзини ёмон ҳис килишидан нолиса тиббий текширувдан ўтиши керак.

*Хурматли катталар,  
агар болани ҳеч нима  
безовта қылмаса, у оғриқ  
ёки тоби йўқлигидан  
нолимаслигини ёдда  
тутинг!*




**ЖИСМОНИЙ БОРЛИК** – жисмоний борликни шундай ташкил этиш керакки, бола тўсиқларсиз харакатлансин, худудни ўзлаштиrsин, ҳеч нима

---

унинг ҳаракатини чекламаслиги ва унинг ривожланишини мураккаблаштирмаслиги керак!

**ЮКЛАМАЛАР** – катталар боланинг жисмоний ва аклий юкламалари ни тартибга солишлари керак, чунки улар боланинг ёшига мувофиқ бўлиши зарур.

*Болани уйдаги оғир ишларни бажаришга (оғир предметларни кўтариши, дим чангли бинода туришга, ортиқча совиб кетишга ва ҳ.к.) ёки телевизион кўрсатувлар ва компьютер ўйинларини кўриши учун узоқ вақт ўтиришга имкон берши мумкин эмас, чунки бу унинг ривожланишига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин!*



**ИРСИЙ ОМИЛЛАР** – болани парвариш қилишни амалга ошириша ундаги турли касалликларга ирсий мойилликни инобатга олиш ва уларнинг намоён бўлишининг олдини олиш учун болага “соғлом” мухигти яратишга интилиш (масалан, болани овқатлантиришда агар оила аъзоларидан кимдир аллергия билан азобланса, аллергик реакцияни чақириши мумкин бўлган маҳсулотлардан қочишга ҳаракат қилиш) зарур.

**ЖИНСИЙ ШАКЛЛАНИШ** – катта ёшдаги болаларга уларнинг жинсий ривожланишига тааллукли масалалар бўйича мувофиқ ахборотни тақдим этиш лозим.

*Хурматли катталар, буни юмишоқ, бола учун мумкин бўлган шаклда, айловчи ёки қўрқитувчи аниқ ифодалардан қочганча қилиши керак!*

Турли-туман моддаларни суиистеъмол қилиш – хийла катта ёшдаги болани турли моддалар, яъни тамаки, спиртли ичимлик, гиёхванд моддалар ва х.к. нинг заарли таъсири тўғрисида хабардор қилиш даркор.

## ИЛМ ОЛИШ

- Катталар бола дунёга келган заҳотиёқ ақлий ривожланиши учун ёқимли мухитни таъминлашлари зарур.

Болада ўйин ва бошқа болалар билан мулоқот учун имконият, китоблардан фойдаланиш имкони, бир қанча малака ва қизиқишларни эгаллашлари учун имконият бўлиши керак, шунингдек, бола учун муваффакият ва ютуқ туйғусини хис қилиш имконияти жуда муҳим. Бола қуидаги фаолият турларини ўзлаштирганча ривожланаётганини унутмаслик лозим:



- ЎЙИН

- ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ



---

- МАКТАБДАН ТАШКАРИ  
ҚҰШИМЧА ТАЪЛИМ

*Хурматли катталар, Сиз  
фарзандингизнинг таҳсил олиши  
ва ютуққа эришиши жараёнига  
қизиқишни намойиш этишингиз  
хамда таълимдада унинг ҳар  
қандай әхтиёжини қондиришига  
уринишингиз зарур!*



## ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА АХЛОҚ РИВОЖЛАНИШИ

**МЕХР-МУҲАББАТ** – ота-оналар болага бошқа одамларга ишонишни ўргатишилари, ўзини хавфсиз хис қилиши ва уйғунлашган тарзда ривожланишига имкон берувчи турғун мөхр-муҳаббат түйғусининг шаклланишига кўмаклашишлари керак;

**ТҮЙҒУЛАРНИ НА-  
МОЙИШ ҚИЛИШ** – ота-оналар болага түйғуларини намойиш қилишда, агар ҳатто улар салбий (аччиқланиш, ғазаб, қайғу, алам ва х.к.) бўлсада, самимий ва очик бўлишга имкон беришлари даркор, шунингдек, болага ҳиссий кўмак бера олишлари ҳамда салбий кечинмаларни қандай уddyалашни ўргатишилари лозим;



*Хурматли ота-оналар, бола ҳам катта одамлар каби стрессларни бошидан кечириши ва ҳаётнинг ўзгаришиларига мослашишини ёдда тутинг. Сиз унинг туйгуларига эътиборли бўлмогингиз ва керакли ёрдамни вақтида кўрсата билишингиз зарур.*

## ТЕНГЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Боладаги шахсий индивидуаллик, бетакрорлик, қадриятлар туйғусини қўллаб-кувватлаш зарур. Тенглик инсоннинг ўз ирки, миллати, диний мансублиги, ёши, жинси, оиласа тааллуклилиги, унинг оила, тенгдошли-ри гурухи ва умуман олганда жамият томонидан қабул қилиниши туйғуси ҳакидаги тасаввурларидан ҳосил бўлади.

Якуний хисобда тенглик боланинг ўзи ва кобилиятлари, ўзининг образи ва ўз-ўзини баҳолашига бўлган муносабатидан, ўзига бўлган ижобий муносабатнинг мавжудлигидан иборат.

*Хурматли ота-оналар, боланинг ўз-ўзига бўлган ижобий муносабатини қўллаб-кувватланг, унинг қобилиятларини рагбатлантиринг ва бошқалардан ажралиб турувчи хислатини қадрланг!*



Мен ўқувчиман



Мен кимман?



Мен оиласминг бир қисмиман



Мен ва менинг дўстларим



Мен туғилган жой

---

## ОИЛА ВА АТРОФДАГИЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ

Оила ва оилавий мухит – боланинг ривожланиши учун энг яхши жой.

- Фақат оилавий мухитдагина бола бошқа одамни росмана севиш ва тушунишга, унга ҳамдард бўлишга, ўзини бошқа одам ўрнига кўйиб кўришга, бошқа одамлар билан узоқ муддатли мустаҳкам ўзаро муносабатларни ўрнатишга ўрганиши мумкин.



*Бунда бола ота-онаси билан тургун яхши ўзаро  
муносабати ва уни севишлари, уни қандай бўлса шундай  
қабул қилишларини тушуниши жуда муҳим.*

## БОШҚАЛАР БИЗНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бу боланинг у атрофдагиларда қандай таассурот уйғотиши, қандай ташки кўриниш, ахлоқ ва қайсиdir хусусиятлар ташки оламда қандай қабул қилинишини тушунишидир.

Бола одамлар орасида ўзини қулай ҳис қилиши учун унинг кийимлари ёшига, жинсига, маданияти, динига мос тушиши лозим, шунингдек, шах-

сий гигиена қоидаларига амал қилиниши керак. Болани турлича вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигига ўргатиш керак.

### ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЛАКАСИ


Боланинг мустақил ва эркин бўлишида ёрдамлашиш учун уни фойдалали амалий малакага ўргатиш даркор. Бундай малакалар қаторида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Овқатланиш малакаси;
- Кийиниш малакаси;
- Ўзини парвариш қилиш малакаси (ювениш, ҳожатга бориш);



- Хизмат биносидан фойдаланиш малакаси;
- Ўз хонасига қараш малакаси;
- Мулокот қилиш малакаси;
- Катта ёшдаги болалар учун – мустақил яшаш, кўчада ҳаракатланиш, овқат тайёрлаш, бошланғич касбий малакалар ва х.к.

*Яхши ота-она бўлишга ҳеч қаерда ўқитмайдилар, шунинг учун “яхши ота-она бўлиб тугилмайдилар, унга*



айланадилар" деган фикр аввалгидек долзарбилигича қолмоқда.

Хар қандай катта одам боланинг қай тарзда соглом ўсиши ва баҳтили бўлишида ёрдамлашишга ўрганиши мумкин.

Асосийси, шуни унутмаслик керакки, катталар боланинг ривожланиши учун яхши шароитни таъминлаш мақсадида юқорида санаб ўтилган барча эҳтиёжларини қондиришилари зарур.

## 1.2. Бола ривожланиши учун меҳр-муҳаббатнинг аҳамияти

1936 йили инглиз психологи Джон Боулби болалар уйларида тарбияланувчи болалардаги бузилишлар билан кизиқди. У болалар уйлари ва етимхоналарда ўсаётган болалар кўпинча атрофдагилар билан яқин ва узок муддатли муносабат кура олмасликни киритган холда турли ҳиссий бузилишлардан азобланадилар, деб таъкидлайди. Дж.Боулбига бундай болалар ҳаётларининг ilk босқичларида оналари сиймосига қаттиқ боғланиб қолиш имкониятини қўлдан бой берганликлари учун ҳам севишга қодир эмасдек, туюлди. Шунга ўхашаш симптомлар бир қанча муддат меърий оиласда ўсган, кейин узок муддатга ота-онасидан ажратилган болаларда ҳам кузатилган. Кўринадики, бу болалар шунчалик ларзага тушганларки, қалин инсоний алоқалардан бутунлай воз кечганлар. Бундай кузатувлар Дж.Боулбини шунга



ишонтиридики, боланинг ривожланишини “она – бола” алоқаларига жиддий эътибор ажратмай туриб тушуниш мумкин эмас. Бу алоқа қандай шаклланади? Нима сабабдан унинг бузилиши бола ривожланиши учун жиддий оқибатларга олиб келади?

Ривожланиш учун энг муҳим шартлардан бири – бу уни севувчи яқинлари мухитидир. Қачонки биз атрофимиздаги яқин одамларимиз исталган дақикада бизни қўллаб-куватлашга, ёрдам кўрсатишга тайёр экан-ликлари ва бизни қандай бўлсак шундайлигимизча қабул қилишларини билсак ўзимизни хавфсиз хис қиласиз, факат шундай шароитда биз тева-рак-атрофни билишга ва ўз қобилиятимизни ривожлантиришга диккатни жамлаймиз. Агар инсон ўзини севишлирага ишонч ҳосил қилмас экан, ўзининг бор вактини ўзи ва бошқаларга севишлирага муносиб эканини исботлаш учун сарфлайди. Бу вазиятда катъий ахлоқ, ижод ва ўз-ўзини рӯёбга чиқариш, шубҳасиз, уйғуллашган ривожланиш учун вакт оз қолади.

Яқин одамлар ўртасидаги муносабатлар асосида ётадиган меҳр-муҳаббат туйғуси бола ҳаётининг дастлабки дақиқаларидан бошлаб шаклланади. Меҳр-муҳаббатнинг илқ кўринишлари бола нимагадир мухтоҗлик сезганида онанинг дахлдорлиги ҳисобланади. Ота-она бола эҳтиёжларини қондирганча унга гўдакка ёрдам зарур бўлганида у бу ёрдамни яқин одамларидан олиши мумкинлигини тушунишга кўмаклашади.

Қачонки бола ота-она-нинг қўлида турганида уни овқатлантириш улар ўртасидаги мулоқотнинг муҳим акти ҳисобланади. Бу болага шунчаки озукага бўлган эҳтиёжини қондиришни эмас, балки унинг ривожланишида асос бўлувчи қатор ижобий туйғулар мажмумини олиш имконини беради.

Джон Боулби меҳр-муҳаббат туйғуси инсониятнинг бошланғич давридан бош-



---

лаб кичик болаларга яшаш ва хавфсизликни таъминлади, деб хисоблайди. Йиртқич ҳайвонларга ем бўлмаслик ва ота-онасидан ортда қолмаслик учун болалар катталар якинида бўлишлари зарур бўлган. Ҳар сафар гўдакка нимадир хавф солганда у бу ҳақда ота-онасига хабар берган. Шундай қилиб, одамлар ахлоқида дастлабки “боғловчи” ҳаракатлар мустаҳкамланган: гўдакнинг йигиси, жилмайиши, гу-гулаши, эмиши, осилиши (кўйилган предмет ёки қўлга қўл бармоқлари билан рефлексли чирмашиши), катталар ортидан эргашиш<sup>5</sup>.

Айнан шунинг учун бола ривожланиши соҳасидаги замонавий мутахассислар боланинг йигисини эътиборсиз қолдирмасликни ва бола ҳамда катталарнинг ўзаро ҳаракатидаги барча шаклларни ривожлантиришини фаол қўллаб-куватлашни қатъий тавсия этадилар, чунки улар якинлик туйғусининг ривожланиши учун асос бўлади. Агар бола унинг чакириғига кимдир жавоб қилишига “ишонмаса”, у шунчаки катталардан ёрдам кутишни тўхтатади. Унинг ривожланишидаги шу босқичнинг ўзидаёқ жиддий зарар этиши мумкин.

Якинлик туйғусининг ривожланишини Дж.Боулби фикрига кўра бир неча даврга ажратиш мумкин:

- **1-давр (туғилган лаҳзасидан бошлаб З ойликкача).** Бу босқич яхши-ёмоннинг фарқига бормайдиган якинлик туйғуси билан характерланади. Ушбу босқичда гўдак факат ўзининг нигоҳи тушган предметларни фарқлашга ўрганади. Барча объектлар ичидаги гўдак учун энг жозибалиси агар ҳатто у шунчаки қоғоз варагида тасвирланган бўлса, инсон овозининг товуши бўлса ҳам инсон чехраси хисобланади.

Гўдак тахминан уч ҳафталигидаёқ одамлар овозининг товушига жилмайиши бошлайди. Замонавий тадқиқотларнинг кўрсатишича, гўдаклар туғилган заҳотиёқ онасининг овозини таниб оладилар.

Гўдак тушида жилмайиши мумкин, бироқ бу жилмайиши “ижтимоий” жилмайиши деб хисобланмайди, чунки у инсонга йўналтирилмаган бўлади.

---

<sup>5</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.70.

‘5-6 ҳафталик гўдак ҳар бир инсон чехрасига жилмайиб қарай бошлайди. Тахминан шу ёшида унда бошка меҳр кўядиган харакат – гу-гулаш ривожланади.

Гўдакда тугилган лаҳзданоқ иккита муҳим туғма рефлекс ёки “тутиб турувчи реакциялар” намоён бўлади – ушлаб олиш рефлекси (агар боланинг кафти қандайдир предметга тегиб кетса, у рефлексив тарзда шу предметни сикиб олади) ва Моро рефлекси (тўсатдан юз берадиган товуш ёки харакатда, қачонки гўдак таянчни йўқотиб кўйса, аввал қўлларини чўзди, кейин эса уларни кўксига чалиштиради, гўёки ўз кўкрагини кучоклагандек). Дж.Боулби узок ўтмишда бу рефлекслар болага уни ўзида кўтариб юрган ота-онасига ёпишиб туришига ёрдамлашган, деб хисоблайди. Катталарнинг тез одимлаши ёки юрганида бола йиқилиб тушмаслик учун унга кучлироқ ёпишиб олади.

Бундан ташқари, гўдакларда сўриш ва излаш рефлекси мавжуд. Агар унинг ёноғи қандайдир предмет билан тегинса, дархол бошини ўша томонга буради. Предметни сийпаб кўргач, гўдак уни сўра бошлайди. Бу харакатлар ҳам Дж.Боулби фикрича, гўдак ва она ўртасидаги яқинлик туйғусининг шаклланишига кўмаклашади<sup>6</sup>.



## 2-давр ( 3 ойликдан 6 ойликкача).

Бу даврда гўдак диккатини яқин одамларига жамлашни бошлайди, бальзи рефлекслар эса йўқолади: Моро рефлекси, ёпишиб олиш ва излаш рефлекси. Бола энди атрофдаги одамлардан кўпинча у билан вактини ўтказадиган ва парваришлайдиган икки-учтасини ажратади. Шу одам (ёки

<sup>6</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.74

---

бир неча яқин одамлар) нинг пайдо бўлишига у жилмайиш билан реакция килади. Нотаниш одам пайдо бўлганида эса гўдак уни дикқат билан кўздан кечира бошлайди.

Бу даврда гўдаклар, айникса, яқин одамларни кўришлари билан фаол гу-гулайдилар ва бижирлай бошлайдилар. Одатда, бунда исталган объект уларнинг оналари бўлади. Бироқ Дж.Боулби таъкидлаганидек, истиснолар ҳам бўлиб туради. Гўдаклар ўз атрофларидағи “уларнинг чакиравига катта тайёргарлик билан жавоб қиласидиган” одамларга фаол реакция қиласидилар<sup>7</sup>.

### 3-давр ( 6-ойликдан 3 ёшгача)

Бу давр Дж.Боулби хисоблаганидек, яқинлик туйғусининг шаклланиши учун энг аҳамиятли хисобланади. У “жадал меҳр-муҳаббат ва яқинликни фаол излаш<sup>8</sup>” билан характерланади.

Тахминан 6 ойлигидан бошлаб гўдакнинг муайян одамга яқинлик туйғуси ҳйла жадал ва истисновий бўлади. Бирмунча диккатга сазовори шуки, гўдаклар онаси хонани тарқ этаётганида айрилик хавотирини намойиш қиласидаги қаттиқ йиғлайдилар. Аввал улар ўзларига қараган ҳар қандай одамнинг кетишига қарши эътиroz билдирган бўлсалар, эндиликда эса асосий тарзда бу ягона инсоннинг йўклиги уларни ранжитади. Кузатувчилар гўдакнинг онасини бирмунча вақтдан кейин қайтишини олқишлишидаги жадалликни ҳам таъкидлайдилар. Қачонки онаси қайтганида гўдак, одатдагидек, онаси қўлига олиши учун унга талпинади, она уни қўлига олганида гўдак уни кучоклади ва қувончли товушлар чиқаради. Она ҳам бирлашувдан ўзининг лаззатланаётганини намойиш қиласиди.

Онасининг ёнида бўлиш истаги турлича намоён бўлиши мумкин. Бола улғая борган сари, ундаги яқинлик туйғуси яхшиrok шакллана борган сари унинг ахлоқида атроф оламни тадқиқ этишга интилиш шунча кўпроқ юзага чиқади. Бироқ агар у чарчаса ёки касал бўлса, онаси билан қолиш эҳтиёжи тадқиқ этиш эҳтиёжидан устунлик қиласиди. Мана нима учун биз ногиронлиги бўлган бола ҳакида гапирганимизда яқинлик туйғусининг тушунчалик алоҳида аҳамият касб этади. Шахсий аҳамиятлилик ва севувчи доира томо-

---

<sup>7</sup> Там же. - С. 76

<sup>8</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.74

нидан қабул қилиниш туйғуси боланинг кўнгилдагидек ривожланиши учун мухим асос хисобланади.

Бола миясининг ривожланишини кўп сонли тадқик этиш шундан далолат берадики, стресс таъсири остида асаб тизимида мияхужайраларини ўлдирувчи кимёвий моддалар пайдо бўлади. Бола учун бундай стресслар сира-сига шафқатсиз муносабат ва зўравонлик, яқин одамлари томонидан унга нисбатан бефарқлик, ота-онасидан узоқ вақт айрилиқда бўлиш, айникса, агар бунинг натижасида бола болалар уйига жойлаштирилиши кириши мумкин<sup>9</sup>.



#### **4-давр 4 (З ёшдан болаликнинг охиригача): шерикчилик ахлоки.**

2-3 ёшгача болаларни уларнинг васийга муайян яқинликда бўлишдек шахсий эҳтиёжларигина ташвишга солади, улар ҳали васийнинг режалари ва мақсадларини инобатга олмайдилар. 2 ёшли гўдак отаси ёки онасининг “кўшниникига сут сўраш учун бир дакиқага чикишлари” хеч нимани англатмайди, бола шунчаки улар билан бирга боришни истайди. Уч ёшли бола бунга ўхшашиб режалар ҳакида баъзи тушунчага эга ва ота-онаси йўқлигида уларнинг ахлокини хаёлан тасаввур қилиши мумкин. Тегишли равища бола ота-онасининг кетишига бажонидил имкон беради. Бола муносабатларда кўпроқ шерик сифатида харакат қила бошлайди.

Дж.Боулби яқинликнинг тўртинчи даври ҳакида кўп нарса маълум эмаслигини ва яқинлик туйғуси ҳакида колган ҳаёти давомида камрок фикр

<sup>9</sup> Св. Довбня, Т. Мороз. В поисках решения. Материалы к фильмам «Дорога домой» и «Джон». С-Петербург, Институт раннего вмешательства., 2007 г. - С.15.



билдирганини тан олади. Шу билан бирга, у айнан шу давр жуда мухим рол ййнашини англайди. Ўсмирлар ота-оналаринингустунлигидан кутуладилар, бироқ уларда ота-она ўрнини босувчи шахсларга меҳр-мухаббат шаклланади; катталар ўзларини мустакил деб хисоблайдилар, аммо инкиroz вактида

севганлари билан яқинликни излайдилар; кекса одамлар эса анча ёшрок авлодга янада кўпроқ боғлиқ эканларини намоён қиласидилар. Бир сўз билан айтганда, “ёлғизлик кўркуви – инсон ҳаётидаги энг кучли кўркувлардан бири. Биз бундай кўркувни ахмоқона, невротик ёки гўр деб хисоблашимиз мумкин, бироқ унинг ортида жиддий биологик сабаблар туради. Инсониятнинг бутун тарихи давомида одамлар ўз яқинлари ёрдамида инкирозларга бирмунча самараали дош бериш ва хатарга карши туришнинг уддасидан чиқдилар. Шундай қилиб, зич алоқада бўлиш эҳтиёжи бизнинг табиатимизга жойланган (Bowlby, 1973, p. 84, 143, 165)”<sup>10</sup>.

### **Болалар уйида бўлишнинг бола ривожланишига таъсири**

Болани боалар муассасаси – ихтисослаштирилган интернат, болалар уйлари ёки шунчаки узок муддатга даволаниши учун шифохонага ёткизиш – боланинг ривожланишида жиддий акс этади. Интернат муассасалари бола ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши ҳакидаги кўплаб тадқикотлар исбот қиласиди, агар бола уни табиий севувчилар мухитидан ажратилса, бу

<sup>10</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.80

унинг ривожланишида жиддий ортда қолишга олиб келади. Болалар якин одамлари билан муносабат ўрнатиш имкониятидан маҳрумлар, уларнинг атрофидаги муҳит тарбиячиларнинг тез-тез алмашинуви сабабли турғун эмасdir, болаларнинг мулокот ва эътиборга бўлган эхтиёжи тўлиқ даражада кондирилмайди. Буларнинг барчасини натижасида болада атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга қизикиш сўнади. Бола у билан кимдир ҳақиқатан қизикишига “ишониш”ни тўхтатади, у катталардан кўмак излашни ва атроф оламни ўрганишга қизикишни намоён қилишни бас қилади.

Болалар уйи шароитидаги хаёт ҳиссий бузилишлардан ташқари нутк ривожланишининг секинлашишига олиб келади, чунки болада катталар билан доимий ўзаро ҳаракат ва мулокот малакасини ривожлантириш имконияти йўқ. Парвариш ва эътиборнинг етишмаслигидан кўпгина болаларнинг бўйи ва оғирлиги етарлича ўスマйди.

Ногиронлиги бўлган болага нисбатан уни интернат муассасага жойлашдай чора янада жиддий бузилишларга сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда боланинг ҳолати индивидуал ёндошувни, барвақт аралашув ва маҳсус уюштирилган ижтимоий реабилитация жараёнини талаб қилади. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи катталар бу жараёнда мутахассисларнинг асосий ёрдамчилари бўладилар. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола нафакат муҳаббат ва кўмакдан, балки унинг ташхиси билан боғлиқ барча қийинчиликларни кисқа муддатда енгиш имкониятидан хам маҳрум бўлади.



## 1.3. Бола ривожланишининг босқичлари

### 1.3.1. Интеллектуал ривожланиш босқичи

Илгари таъкидланганидек, ривожланишнинг барча соҳалари ўзаро зич алоқада. Агар бола ёқимли шароитда, севгувчи мухитда ўсаётган ва катталар томонидан етарлича эътиборга сазовор бўлса ҳамда унинг барча эҳтиёжлари қондирилса, турли ёш босқичларида тафаккурга оид жараёнларнинг баъзи бир қонуниятини ажратиш мумкин.

Машхур француз психологи Ж.Пиаженинг тадқиқотлари нафакат интеллект ривожланиши босқичларини ажрагиши ва батафсил ёритиш, балки бу жараён хусусиятларини характерлаш имконини берди. Ривожланишда асосийси боланинг атрофдаги мухит билан фаол ўзаро ҳаракати ҳисобланади. Боланинг ахлоқни қандайдир шаклини бир марта ўзлаштириб олиши шу захотиёқ энди унинг ўзи шунга ўхшаш бошқа вазиятларда ғайрат кўрсатадиган муайян ҳаракат схемасига айланиши учун етарлидир.

Демак, масалан, агар боланинг ёногига илк бор озука солинган шиша ёки кўқрак олиб борилса, кейинги сафар у ҳатттоки ҳеч нарса бунга ундамаса ҳам сўрувчи ҳаракатни амалга оширади. Шундай қилиб, ахлоқ схемаси хосил килиниши биланоқ болада шу захоти ундан фойдаланиш эҳтиёжи туғилади<sup>11</sup>.

Бундан ташқари,  
битта ҳаракатнинг кўп  
маротаба такрорланиши  
бола ахлоқини ҳийла мур-  
ракаб ва уюшқоқ қилиб  
кўяди.

Пиаже фикрига кўра,  
интеллект ривожлани-  
шининг тўртта даврини  
ажратиш мумкин.

**1-давр** – туғилга-  
нидан бошлаб 2 ёшгача  
бўлган давр бўлиб, сен-



<sup>11</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.154


сомотор интеллектнинг ривожланиши билан характерланади. Бу даврда жисмоний ҳаракатлар – сўриш, ушлаб олиш, мушт тушириш, предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш, бармоқларини оғзига олиб боришни такомиллаштириш содир бўлади.

Бу давр давомида гўдакнинг реакциялари янада такомиллашади, уйғунлашади ва изчил ҳаракатларнинг яхлит занжирiga жамланади. Масалан, бола қўлини юзига олиб бориш, бармоқларини томоша қилишни ўрганади.

Бу даврда бола ўзининг ҳаракатлари атрофдаги борликни қай тарзда ўзгартиришини кузата бошлайди. Масалан, каравотни оёғи билан тепиш шақилдокни ҳаракатга келтиради. Кейин бола ахлоқи мураккаблашади ва у мақсадга эришиш йўлидаги енгил тўсикларни бартараф этишга (масалан, катталарнинг қўли орқали ўйинчоққа тортилишга) уринади. Шундай қилиб, шу босқичнинг ўзидаёқ муайян натижага эришишга дастлабки уринишлар ва ўзининг предметлар билан ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келишини кузатганча эксперимент қилишга интилиш пайдо бўлади.

Интеллект ривожланишининг шу босқичидаёқ болада ўйинга бўлган муҳим қобилияят шаклланади. 1-даврнинг охирида объектлар, вақт, борлик ва сабабиятнинг доимийлиги тушунчаси шаклланади. Масалан, бола агар ўйинчоқ чойшабнинг остига яширилган бўлса, ўзи уни кўрмаслиги мумкинлиги, бироқ бу ўйинчоқ мавжуд эмаслигини билдиримаслигини тушуна бошлайди.

**2- ва 3-даврлар – 2 ёшдан 7 ёшгача давом этадиган ва аниқ операцийалар (7 ёшдан 11 ёшгача) ривожланишининг босқичи, яъни операционал тафаккургача бўлган ривожланиш босқичи.** Бу даврларнинг асосий ютуғи



бала образлар ва рамзлардан фойдаланишни ўрганади. Масалан, бала ўйинда рамзий предметлардан фойдаланади, тасаввурда реал ҳаётдаги вазиятларни тақдим этади (сюжетли-ролли ўйинлар).

Бу даврларда нутқ фаол ри-вожланишни бошлайди. Аввал бала предметларнинг алоҳида хусусиятларини идрок қиласди, бироқ хали предмет ва кўринишларнинг алоҳида синфларини жамлашга кийналади. Демак, масалан, онаси ҳеч кимники эмас, фақат уни-ки бўлиши керак. Тафаккурнинг дастлабки мантикий тизимлари шаклланади, аммо улар боланинг бевосита кузатиши ва нимададир иштирок этишига асосланган. Пиаже фикрига кўра, мантикий та-факкурнинг ўзи иккинчи босқичда бала учун мушкул бўлиб колади.

Бундан ташқари, айнан шу босқич илк илмий мулоҳазаларнинг шаклланиши билан характерланади. Ақл билан содир этилган харакатлар бевосита кузатиладиган кўринишлар ва объектлар билан харакатланишга ҳам таянади. Предметларни баҳолашда бала предметнинг факат битта хислатини эътиборга олиши мумкин.

Бу босқичда мулоқотнинг мухим тавсифномаларидан бири боланинг диалогни қўллаб-қувватлай олмаслигидир. Унинг нутқи ўз ўзига каратилган. Гўё бала ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, овоз чиқариб фикрлаётгандек, бироқ сухбатдошига мурожаат килмаётгандек тасаввур ҳосил бўлади. Айнан шунинг учун бундай нутқ эгоцентризм деб номланади. Болалар бирга ўйнашлари мумкин, бироқ бир бирлари билан ўзаро ҳаракатда бўлмайдилар. Пиаже хисоблайдики, болалар эгоцентризмни қачонки катталар билан мулоқотда бўлишдан кўра ўзаро мулоқот килганларида енгадилар. Л.С.Выготскийнинг кейинги тадқиқотлари эгоцентрик нуткнинг асосий мазмуни нимадан иборатлигини тушунтириб берди. Овоз чиқариб фикрланча бала бу имкониятдан ўз фаолиятини режалаштириш ва бошқариш учун фойдаланади.



Даврнинг охирига келиб боланинг аниқ операциялари предметнинг икки хислатини инобатга олишга ўргатади, унинг бошқа болалар билан мулокоти эса ўз нуктаи назарини сухбатдошининг нуктаи назари билан таққослаш ва тингловчи эҳтиёжини хисобга олиш малакасини намоён килади. Бу эгоцентрик нутқдан ижтимоий ўзаро ҳаракат ва илмий фикрлашга ўтишнинг асоси бўлади<sup>12</sup>.

**4-давр – 11 ёшида ривожланишни бошлаган ва бутун хаёти давомида сакланадиган расмий операциялар боскичи.** Бу даврда тафаккур мантикий бўлади, таянчсиз бевосита кузатиш ёки қилиш мумкин бўлганларни образли шаклда буткул амалга ошириш мумкин. Бу мияда мураккаб вазифаларни ечиш малакасида намоён бўлади, бола ҳеч қачон кузатиши мумкин бўлмаган нарсаларни тасаввур қилиши, сонлар билан нозик ҳаракатларни амалга ошириши, образларни ўзгартириши мумкин.

Пиаже ўсмир ёшида тафаккурда реалиқдан бирмунча йироқ ғоя, масалан, дунёни кайта қуриш ғояси кўринишидаги эгоцентризм намоён бўлиши мумкин, деб хисоблайди. Тафаккурнинг бу хусусиятлари улғайиш даврида бартараф этилади.

Тафаккур ва нутқ ривожланиши ўзаро зич боғлиқдир. Бошқа бир буюк психолог Л.С.Выготскийнинг тадқикотлари илк болалиқдаги ташқи мулоҳазалар ва таянчсиз ташқи объектда амалга ошириладиган фикрлашга оид операциялар ички планга қандай ўтишини тушунтириш имконини берди. Бу жараён тафаккурнинг асосий тамойили хисобланади, у интернализация деб аталади. Масалан, кичкина бола онасига юқори токчадаги ўйинчогини олишда ёрдамлашишини сўрайди. Қачонки бу ҳаракат содир этилса, болада бу масалани қандай уddeлаш мумкинлиги ҳақидаги тафаккурга оид модел шаклланади. Кейинги сафар у катталардан ёрдам сўрамай, ўйинчокни ўзи мустақил стул қўйиб токчага узатилганча ўйинчокни олишга уриниши мумкин. Шундай қилиб, ташқи ҳаракат ишчи планга ўтади. Шу билан бирга, тафаккурга оид бу жараённинг мазмуни бола ўз ривожланиш жараёнида ўзлаштирадиган нуткий модел ва тушунчаларни таъминлайди.

Бундан ташкари, нутқ ирода кучи ва ўз ахлоқини бошқариш қобилияти каби сифатларнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлик. Аввало, илк бо-

<sup>12</sup> Уильям Крэйн. Теории развития: Секреты формирования личности. - С.173

лалика биз катталарнинг илтимослари ёки йўл-йўрикларини бажарамиз. Кейин улар интернализациянинг ўша тамойилига мувофиқ ички планга ўтадилар ва бизнинг ахлоқимизни ичдан бошқаришни бошлайдилар. Мана болага катталар томонидан у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутиш зарурлигини ўргатиш жараёнида саводли бошқарув нима учун шунчалик мухим. Нутқ ҳам бундай ривожланиш асосини ташкил этади.

### 1.3.2. Ривожланишнинг сенситив даврлари

Бола ривожланишининг босқичларини кўриб чиқиб, “ривожланишнинг сенситив даври” дек мухим тушунчага ҳам тўхталиб ўтиш даркор. Бу психикамизнинг идрок килиш ва таҳсил олишга бўлган юқори таъсирчанлик давридир. Сенситив даврни нуткнинг бирмунча тезрок ривожланиши, қўлларни, юриш, тартибни идрок килиш ва х.к. ни ўзлаштириш босқичларига ажратиш мумкин.

Дастлаб бу тушунчани педагогик амалиётга Монтессори киритган. У айнан шу юқори таъсирчанлик даврида бола у ёки бу кўникмани кучи борича такомиллаштиради, деб хисоблади. Ва “агар болага табиатнинг ўзи режалаштирган айни вактида хоҳлаган нарсаси билан шуғулланишига имкон берилмаса, муайян кўникмаларни эгаллашга бўлган қобилият йўқолади, бу эса бола ривожланиши давомида салбий акс этади» (Montessori, 1936b, p.50)<sup>13</sup>.

Болада предметлар, борлиқнинг муайян хислатларини юқори идрок қилиш кузатиладиган ва муайян малакалар ишлаб чиқиладиган бир неча даврларни ажратиш мумкин.

Тугилганидан бошлаб З ёшгача – бу, умуман олганда, боланинг тартибга қўтаринки интилиши билан характерланувчи давридир. Бу ёшда атрофдаги оламни билиш ҳар бир предметнинг борлиқда қандай ўрин эгаллашини тушуниш билан боғлиқ.



<sup>13</sup> У. Крэйн. Теории развития. Секреты формирования личности. М., 2002.. - С.98.

Ташки томондан бу шундай кўринади, бола ҳар бир буюм ўз ўрнида бўлиши, предметлар борликда аниқ ўрнига эга бўлишига уринади. Болаларни улар учун одатий шароитда ниманингdir ўзгариши кучли ранжитади.

1 ёшдан 2 ёшгача бўлган бола предмет ва ходисаларда кичкина қисмларни илғашни бошлайди. Агар олдинлари унинг диккатини йирик обьектлар тортган бўлса, энди у тасвиринг иккинчи даражали майда қисмларига разм солишга интилади. Бу ёшнинг бола тафаккури сифатли янги даражага ўтганига гувохлик берувчи муҳим ютуғидир.

18 ойликдан 3 ёшгача бўлган бола ривожланишида энг муҳим ютуқ қўлларни ўзлаштириш ҳисобланади. Айнан шу даврда бола предметлар билан ўзаро харакатга киришади, уларни сийпаб кўради, тегади, бир жойдан олиб бошка жойга қўяди. Қўлларнинг харакатланиши бунда янада аникрок, ишончлироқ ва маҳоратлироқ бўлиб боради. Қўлларнинг нозик харакати ривожланади, таъсирчанлик ошади, демак, миянинг фаол ривожланиши содир бўлади.

Бола ривожланиши учун юриш малакасини эгаллаш улкан аҳамият касб этади (1 ёшдан 2 ёшгача). Унда керакли йўналишда эркин ва мустақил харакатланиш имконияти пайдо бўлади. Бола жараённинг ўзидан илҳомланганча юриш кўникмасини чарчамай машқ қилади. Монтессори таъкидлаганидек, агар катталарда юриш муайян мақсадга эга бўлса, яъни биз борликнинг аниқ нуктасига харакат қилсак, бола факат юриш учунгина юради.

Туғилганидан 3 ёшгача бўлган даврда бола ривожланишида яна битта ўта муҳим ҳодиса – унинг гапиришга ўрганишидир. Бу товушларни ўзлаштиришдан бошланади. Бола, айникса, инсон товушларига уларни барча товушлар қаторидан ажратганча кучли реакция қилади. Кейин интонация ва инсоний



---

нүтққа тақлид имконияти намоён бўлади. Кейинроқ шу асосда мураккаб нуткий моделларни фаол ўзлаштириш беради. 2,5 ёшдан 3 ёшгача “бала товушлар, сўз ва грамматик конструкцияларни идрок қилишга ич-ичидан тайёр бўлади”<sup>14</sup>.

Монтессоринингтаъкидлашича, нутқи ўзлаштиришнинг бирбоскичидан бошқасига ўтиши сакраб ўтиш тарзида рўй беради. Баъзида нуткнинг ривожланиши қандайдир босқичда тормозланганга ўхшаш тасаввур пайдо бўлади. Бироқ бу факат сўз бойлиги пассив йигилган давр хисобланиб, кейинроқ нуткий ривожланишнинг ўзига хос “порглаш”ига олиб келади.

Монтессори таъкидлаганидек, шуни унутмаслик лозимки, “тилга бундай ноодатий таъсиричанлик болада ҳётининг дастлабки уч йилида сакланиб колади ва кейин қайтмайдиган бўлиб кетади”<sup>15</sup>.

Бола олдинги босқичларни муваффакиятли ўтаган шароитда нуткни эгаллашга юқори таъсиричанлик даври 6 ёшгача сакланади. Бу босқичда нуткий модел ва тил грамматикасини анча онгли ўзлаштириш содир бўлади. 5 ёки 6 ёшга келиб бола нуткий малакаларни муваффакиятли эгаллайди.

Бу бобнинг хуносасида ривожланишнинг юқорида келтирилган барча конуниятларини бола тафаккур ва нутк ривожланишининг қайси босқичида эканлигини билиш, болага у ёки бу малакани муваффакиятли эгаллашга ёрдамлашиш мақсадида таълим жараёнини қандай тўғри уюштиришини аниқлай олиш учун зарурлигини таъкидлашни истардик. Барча балалар ўз ривожланишида аста-секинлик билан оддий кўникмалардан мураккабига ўтганча битта босқични ўтайдилар. Бироқ ҳар бир болада бу кўникмаларни эгаллашнинг ўз вакти бўлиши мумкинлигини унутмаслик даркор.



---

<sup>14</sup> У. Крэйн. Теории развития. Секреты формирования личности. М., 2002.. - С..101

<sup>15</sup> Там же. - С..100

Ривожланиш ва таълим жараёнини уюштиришда юқори таъсирчанлик даври (сенситив давр) га ориентир олиш ва гўдакни иложи борича сизга имкони бўлган барча воситалар билан ривожлантиришни бошлаш зарур. Бунинг учун болангиз тўғри ривожланаётганини ва унинг мутахассислар ҳамда ривожланишнинг маҳсус дастури томонидан қатъий эътибор талаб қилинадиган ривожланиш доирасини барвакт аниклаш керак.

Энди биз киска вакт ичидаги бола ривожланишини қандай ташхислаш мумкинлиги ва унинг ривожланиш ҳамда таълимга эҳтиёжини қай тарзда аниклаш ҳакидаги сұхбатимизни давом эттирамиз.

---

## **2-боб. Боланинг муайян эҳтиёжларини қандай аниқлаш ва унинг ривожланиши ҳамда таълим олиши бўйича вазифаларни қай тарзда қўйиш керак.**

Болани тўғри ўстириш учун унинг эҳтиёжларини аниқлаш зарур. Масалан, агар бола тенгдошларидан ҳаракатланиш доирасида ортда колмаса ҳам, унинг нутқ тизимида муаммолари бор бўлса, биз бутун эътиборни худди шу нарсага қаратишимиз, зўр беришимиз керак бўлади.

### **Нима учун болани иложи борича аввалроқ қўрикдан ўтказиш зарур?**

- Бола туғилишидан то уч ёшигача унинг психикаси анча эгилувчан, таъсирларни сезувчан ва ўрнини тўлдириш кобилиятига эга бўлади.
- Психик ва мотор функцияларининг бирламчи бузилишини барвакт корекциялаш ривожланишидаги иккиласи оғишишларнинг профилактикаси бўлиб хизмат қилади.
- Шундай қилиб, биз болалар ногиронлиги ривожланиши мумкинлигини огоҳлантирамиз.
- Боланинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш унинг ривожланишини оптималлаштиради.
- Болани умумий таълимга жалб этиш учун шароитлар яратилади.
- Биз ота-оналарнинг боладан воз кечишилари ва уни ёпик муассасаларга топшириб юборишлирининг олдини олиш учун боланинг оиласига ёрдам кўрсатишимиз мумкин.

### **Нимадан бошлаш керак?**

- Кўрикни ўтказишдан аввал боланинг соғлиғи нисбатан яхшилиги, қорни тўклиғи ва ўйкуси келмаётганлигига ишонч хосил қилинг.
- Кўрик ўтказиладиган вазият бола ўзи кўниккан шароитда бўлиши ёки ҳеч бўлмаганда қўрқув ва ишончсизликни сезмаслиги мақсадга мувофиқдир.
  - Диагностикани олиб бораётган мутахассис бола билан яхши ҳиссий алоқа ўрнатиши жуда мухим. Бунинг учун кўрикни ўтказиш процедурасига ўйин шаклини бериш, болани диагностик мақсадларда фойдаланиладиган предметлар билан кизиктириш мумкин.

- Яхиси, болани мутахассис кўрсатмасини олган онаси кўрикдан ўтказгани маъкул.

Уч ёшгача бўлган боланинг ўсиши қанчалик бешикаст эканлигини аниқлаш учун Боланинг психоижтимоий ривожланиши харитасидан фойдаланилади. РБИММ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган усулиёт бола ҳаётининг турли босқичларидаги ахлок кўринишлари тавсифини ифодалайди.

Бола эгаллаган ҳар бир янги хулқ унинг ривожланишида юксалиш даражаси сифатида кўриб чиқилади. Соғлом бола хулқининг репертуари ёши катта бўлиши билан кенгаяди, хулқининг турли шаклларини эгаллаш тартиби эса анча мустахкам бўлади. Сўровноманинг юкори сифати шу билан белгиланадики, унинг бандлари бола хулқининг кузатилишини енгил тавсифлайди, эҳтимолга якин жавоблар эса “ҳа” ва “йўқ” қа олиб келинади. Ота-оналарнинг афзалликлари шундан иборатки, улар болани ҳар турли вазиятларда доимо кузатадилар, мутахассис эса қиска вакт ичиди, кўпинча ўрганилмаган шароитда баҳолаши керак ва б. Бундан ташқари, жавоблар жараёнида саволноманинг бандлари асосида она ўз боласини яхшироқ билиб олади, унинг бола ривожланиши ҳакидаги саволларга кизиқишилари кучаяди.

### **Бу усулиёт қандай яратилган ва унга қанчалик ишониш мумкин?**

Хозирги пайтда хорижий ва россиялик муаллифларнинг бола ривожланиши даражасини баҳолашга имкон берадиган кўплаб усулиётлари мавжуд. Бирок бизнинг шароитда уларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Бу, албатта, “бизнинг” болалар ривожланишида орқада колаётганликлари билан боғлиқ эмас. Бу шунинг учун содир бўляяптики, турли миллатлар маданияти таъсиридан озод бўлган ахлоқнинг ҳамма учун умумий, универсал шаклларини белгилаш ўта мураккаб. Боланинг психоижтимоий ривожланиши харитаси муаллифлари халкаро тажрибани умумлаштириб саволнома учун факат бола хулқининг бизнинг шароитда “ишлайдиган” шаклларини танлаб олдилар. Бу ҳомиладорлик даври табиий, мўътадил ўтган, болани кўкрак сути билан овқатлантираётган, ўрга даражадаги даромадли оиласаларда ўсаётган 2 мингдан зиёд соғлом болани кўрикдан ўтказилганидан кейин бажарилди. Харитага ўзига хос бундай болаларнинг аксарият хусусиятлари киритилган.

---

Бола ўсаяпти ва унинг имкониятлари ҳам кенгаяяпти. Албатта, болалар бир- бирларига ўхшамайдилар, лекин муайян ёшдаги кўпчилик болалар уддасидан чиқадиган баъзи фаолият турлари мавжуд. Худди шу фаолият турлари Боланинг психоижтимоий ривожланиши харитасига киритилган. Уларнинг сони ёши катталashiши билан ўзгаради – энг кичик болалар учун бешдан, 19-24 ойлик болалар учун ўн биргача; уларнинг мазмуни ҳам ўзгаради – аввал бу оддий (харакатли ва хиссий) реакциялар, кейин эса боланинг мураккаб харакатлари, унинг бир жойдан бошка жойга кўчиши, нутқ хусусиятлари янада кўпроқ оғирликка эга бўлади.

Хаританинг алоҳида бандлари асосида боланинг психоижтимоий ривожланиши даражасининг умумий кўрсаткичи, яъни унинг қўпчилик тенгдошларида кўринадиган бирор нарсани эплай олиши даражаси аникланади. Бу кўрсаткич нутқий, мотор (харакатли) ва боланинг ижтимоий ривожланиши параметрларини ўз ичига олади.

### **Харита билан қандай ишлаш керак?**

Харита ўзида муайян ёшдаги болага хос бўлган ахлоқ шаклларининг рўйхатини акс эттиради. Улардан баъзиларини топиш қийинчилик тугдирмайди (масалан, табассум). Баъзи тушунтиришлар зарур бўлган ҳолларда улар Харитадан кейинги “Тушунтириш” бўлимида келтирилган. Керакли изоҳни сатрнинг охирида ракам бўйича топиш мумкин.

### **Боланинг психоижтимоий ривожланиши харитаси**

#### **I - 2 ойлик**

- Объектни нигоҳи билан қайд қиласи ва унинг жойини ўзгартиришини кузатади (1) – 3<sup>8</sup>-бетдаги “Қараш ва кузатишни қайд қилишни тадқиқ этиш” номли 1-тушунтиришга қаранг.
- Товушга кулоқ солади (2)
- Моро рефлексини намойиш этади (3)
- Кулади
- Унга қаратилган катталарнинг нутқига жавобан алоҳида товушлар чикаради

### **3 - 4 ойлик**

- Ўйинчоқ кўриш майдонига тушганида кўлларини қимирлатади
- Кўлларини оғзига олиб боради
- Унга каратилган катталарнинг нутқига жавобан алоҳида товушлар чиқаради
- Гувурлаш, гу-гулаш товушларини чиқаради (4)
- У билан сўзлашаётганида гувраниш товушларини чиқаради (4)
- Кўриниб турган нарсага интилади, уни ушлаб олади ва оғзига солишга харакат қилади
- Товуш манбасини тўхатиб қолади (2)

### **5 - 6 ойлик**

- Нарсани икки кўллаб олади
- Гувурлаш товушларини намоён қилади (4)
- Қаттиқ қулади

### **7 - 9 ойлик**

- Фаол гувурлаш товушларини чиқаради (4)
- Катталарнинг оҳанги, тембри, пантомимикасини тушунади (5)
- Имо-ишора билан узатиладиган кўрсатмаларни тушунади (6)
- Яшириб қўйилган нарсаларни кидиради (7)
- Нарсаларни манипуляция қилади (8)
- Катталар билан ўйнайди (ку-ку, ладушки)

### **10 - 12 ойлик**

- Нарсаларни манипуляция қилади (8)
- Ҳаракатларни кўрсатмаса ҳам кўрсатмаларни тушунади (қўғирчокни ётқиз, е, ол, еч, бер, овқатлантир ва б.) (6)
- Пиёладан мустакил чой ичади
- Нарсалар билан фаол маҳсус манипуляцияларни амалга оширади (8)
- Катталар билан ўйнайди (коптокни думалатади, машинани юргизади)
- Сохта сўзлар талафғуз қилади (4)
- Ҳайвонларнинг овозларига тақлид қилади (10)

---

### **13 - 15 ойлик**

- Ҳаракатларни кўрсатмаса ҳам кўрсатмаларни тушунади (қўғирчоқни ётқиз, е, ол, еч, бер, овқатлантир ва б.) (6)
- Майда нарсаларни бирон-бир идишга тахтайди. (9)
- Тувакка ўтиришини сўрайди
- Қошиқ билан мустакил овқатланади
- Кийимларини қисман ечишини эплайди
- Атрофидаги нарсалар, ҳайвонлар, транспортнинг номини тушунади (10)
- 10 - 15 сўзни фаол ишлатади
- Ҳайвонларнинг овозларига тақлид қиласди (10)

### **16 - 18 месяцев**

- 2 - 3 стаканчани тахтайди (11)
- Пирамида ўлчамини ҳисобга олмасдан тахтайди (12)
- 2 та кубикдан иборат минорани тахтайди (13)
- Сеген доскасини (2 та иловали) йиғади (14)
- Ўз танасининг 1 - 4 қисмини кўрсатади (15)
- 2 сўздан иборат жумлаларни талаффуз қиласди (“чой бер”)

### **19 - 24 ойлик**

- Қисман кийинади
- Мустакил овқатланади
- Пирамидани ўлчамини ҳисобга олмасдан тахтайди (12)
- 2-3 стаканчани тахтайди (11)
- 2 та матрёшкани тахтайди (16)
- Жуфт суратларни йиғади - 2 жуфт (намуна бўйича) (17)
- Ўз танасининг 3 қисмини кўрсатади (15)
- Сеген доскасини (3 та иловали ) йиғади (14)
- “Ичидা”, “устида” кўмакчисини тушунади (18)
- Гаплар тузиб гапиради
- Нутқида 3 бўғиндан иборат сўзлар ишлатади

### **25 - 30 ойлик**

- Пирамидани ўлчамини хисобга олиб тахлайди
- 3 та матрешкани тахлайди
- Сеген доскасини (4 та иловали) йигади
- Жуфт суратларни йигади – 2 жуфт
- Лексикага оид мавзуларда отларни гурухлайди (хайвонлар, транспорт) (19)
- Отларнинг бирлик ва кўплигини тушунади
- “Кўпроқ – камрок” равишларини тушунади
- 3 бўғиндан иборат сўзларни талаффуз қилади, гаплар тузиб гапиради

### **31 - 36 ойлик**

- 4 та стаканчани тахлайди
- 4 та матрёшкани тахлайди
- Сеген доскасини (6 та иловали) йигади
- 2 – 3 ранг номларини билади (қизил, оқ, кора) (20)
- Жуфт суратларни йигади – 4 жуфт
- 3 қисмдан иборат қиркма суратларни йигади (21)
- “орқасида”, “олдида”, “ўтиб” кўмакчиларини тушунади (18)
- Ундошларни бир бирига тўғри келтириб, сўзлар, мураккаб гапларни талаффуз қилади

## **Тушунтириш**

### **1. Қарашиб ва қузатишни қайд қилишни тадқиқ этиш**

Тадқиқотчи боланинг олдига 30 см оралиқда ёрқин предметни жойлашириади, кейин эса уни чапга-ўнгга, тепага-пастга қилиб жойини ўзгартиради. Бунда боланинг қараши предметнинг орқасидан кўчиши керак.

### **2. Товушга таъсирланиш, товуш тарқалишини тўхтатиб қолишни тадқиқ этиш**

Тадқиқотчи баланд, якқол товушни акс эттиради (қарсак чалиш, шакилдокнинг товуши). 1-2 ойлик бола қотиб қолади ва эшитади. 3-4 ойлик бола эса товуш келаётган тарафга бошини ўгиради.

---

### **3. Моро рефлекси**

Бу рефлексни бола ётган жой асосини кимирлатиш (болани ўрайдиган столга қўл билан уриш) ҳамда чалқанча ётган янги туғилган чақалоқни даст кўтариб олиш билан уйғотиш мумкин. Қўлларини ҳар томонга ташлаши, муштини қисиб олиши жавоб реакцияси ҳисобланади (1-фаза); бир неча дақиқалардан кейин қўллари дастлабки ҳолатга қайтади (2-фаза). Бу рефлекс доимий ва одатда янги туғилган соғлом болаларда, шу жумладан, чала туғилган болаларда ҳам яхши уйғотилади, баъзида эса (факат 1-фаза) тўла бўлмаслиги мумкин ёки бутунлай бўлмайди. Моро рефлекси меъёрда 3-4 ойгача сақланади.

### **4. Гу-гулаш, гувраниш ва сохта сўзлар**

Гу-гулаш – бола нуткининг энг Илк шакли. Гу-гулаш – бу алоҳида товушлар ва уларнинг бирикмаларини талаффуз килиш (гу, ке, хе, па, ба). Кейинги боскичда бола товуш бирикмаларини қайтаришни бошлайди (ба-ба-ба). Энди бу сохта сўзлар. Сохта сўзларнинг товуш бирикмалари қайд қилинган қандайдир маъно билан боғланган эмас, бу моҳиятан боланинг “вокал машклари” ҳисобланади. Алоҳида товушларнинг бирикмаларига қандайдир предмет ёки ҳаракатни белгилаш боғланса, биз сохта сўзларга эга бўламиз. Масалан, “ся” бўғини “киса”, “мушукча” сўзларини билдириши мумкин. Сохта сўзларнинг ҳакиқий сўзлардан фарқи уларни факат болага яқин одамгина тушунади, уларнинг товуш таркиби фойдаланилайдиган ҳакиқий сўз шаклларидан анча узок бўлиши мумкин.

### **5. Катталар нуткини тушуниш**

Бола катталар нуткининг турли оҳангларини тушунаётганига ишонч хосил килиш учун тадқиқотчи унинг онасидан болага аввал норози бўлиб, кейин эса майин юз ифодаси билан мувофиқ равишда овоз оҳангини ўзгартириб мурожаат килишини сўрайди. Бунда тадқиқотчи бундай вазиятларда бола қандай таъсирланишини кузатади. Агар боланинг мимикаси ва хулки унга қаратилган сўзларни айнан ифодаласа (агар онаси норози бўлса, у хафа бўлади ёки қўркади ҳамда онаси уни эркаласа, у кулади), бола катталарни тушуниши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

## 6. Кўрсатма бўйича ҳаракатлар

Тадқиқотчи турли шаклдаги предмет (куб, шар) ларни териб чикади, шарчани тарновчага думалатади ва боладан яна битта шарчани топиб, уни думалатишини сўрайди. Сўнгра кубчани олади, уни тикка қилиб қўяди ва боладан яна кубчаларни топиб уйча ясашни сўрайди. 1,3 ёшдан 1,6 ёшгacha бўлган бола предмет шаклларини намуна бўйича, 1,6 ёшдан 1,9 ёшгacha бўлган бола эса сўз орқали танлаб олади. Икки ва ундан катта ёшдаги бола предметлар номини мустақил айтади.

Бола кўрсатмани қанчалик тушунаётганини ўрганиш учун кийим-боши билан кўғирчоқдан, ошхона идишлари тўпламидан фойдаланиш мумкин. Катталар болага оддий вазифаларни беради (масалан, кўтиричокка қалпок кийдиришни) ва уларни қанчалик тўғри бажараётганига қараб туради. Биринчи боскичда катталар айнан нима қилиш кераклигини кўрсатма орқали намойиш қилиб кузатиб туради. Кейинроқ эса бола намойиш килмасдан факат сўз шаклида берилган кўрсатмани идрок қилиши керак бўлади.

## 7. Предметларнинг йўқолиб қолишига нисбатан боланинг реакцияларини тадқиқ этиш

1. Тадқиқотчи болани қизиқтираётган ўйинчоқларни ҳаракатни давом эттирганча, кенглиги 10-13 сантиметр бўлган экран ортига секин-аста жойлаштиради. Тўрт ойликдан ошган бола предмет ҳаракати траекториясини кузатиб боради.
2. Тадқиқотчи болада ўйинчоққа қизикиш уйғотади ва боланинг кўз олдида, унинг ёнида ўйинчоқни мато билан ёпади. Етти ойликдан ўтган бола предметни кидиради ва унинг устидан матони тортиб олади.
3. Агар бола катта киши ўз чўнтағига қизик нарсаларни соганини кўрган бўлса, уларни чиқариб олади.

## 8. Предметларни манипуляция қилиш

Бола 10 ойликкача қўлига ўйинчоқни олади, пайпаслайди, уни ўрганиди, мантиқий кетма-кетликка риоя қилмасдан битта предмет билан бир канча ўйин ҳаракатларини амалга оширади. У катта киши кўтариб олсин, дея ўйинчоқни полга ташлаши мумкин.

---

10 ойликдан ошган бола ўрганилган ўйин ҳаракатларини (машинани ғилдиратади, қўғирчоқни овқатлантиради) амалга оширади, алоҳида маишӣ предметларидан белгиланган мақсадда (тароқ, рўмол, сочиқ, кошиқ) фойдаланади.

### **9. Предметларни жойлаштириш**


Бу хулқ шаклини ўргатиш учун ўйинчоқ чеълакча ва майдага ўйинчоқлар тўпламидан фойдаланиш мумкин. Катта киши боладан чеълакчага шиқилдоқ, балиқча, ўрдакча ва бошқаларни солишини сўрайдилар. Бир предметни бошқаларининг устига жойлаштириш – боланинг қўрсатмасиз, мустақил ўйнаётганида бажарувчи яхши кўрган машғулотларидан бири.

### **10. Предметлар номини тушуниш**

Бола предметлар номини қанчалик тушунишини аниқлаш учун исталган ўйинчоқлар тўпламидан фойдаланиш мумкин, масалан, уй хайвонлари тўплами. Катта киши боладан: “Менга тойчоқни бер!” ёки “Менга қўзичоқни кўрсат!”, деб сўрайди. Агар бола бу ҳаракатларни тўғри бажараётган бўлса, демак у хайвонларнинг номини билади. Худди шу тўпламдан болага хайвонларнинг овозига таклид килишини ўргатиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.


### **11. Стаканчаларни жойлаштириш**

Болага ўлчами хар хил иккита бир-бирига солина-диган стаканчада кичикроғини олади ва уларни кайта йигиб беришни сўрайди. Машғулот учта стаканчада билан ҳам худди шундай тартибда ўтказилади.



## 12. Пирамидача

12 ойликкача бўлган болалар учун уч халқадан иборат пирамидача тавсия қилинади. 2,5 ёшгача бўлган болалар пирамидачининг ўлчамини хисобга олмасдан жойлаштиришлари мумкин, уларнинг ёпиқ қалпокчага халқачани кийдиришга харакат қилишлари айнан бир хил бўлмайди. Болаларнинг пирамидани тақлид қилиш ва намуна бўйича йиғиш имкониятлари ўрганилмоқда.




## 13. Кубчалар

Болага тақлид қилиш ёки намуна бўйича учта кубикдан қурилиш ясаш ёхуд учта таёқчадан фигура ясаш тақлиф қилинади.

## 14. Сеген доскалари

Тадқиқотчи болага 4 та илова жойланган доскани кўрсатади, сўнгра эса уларни столга тўқади, аралаштиради ва уларни жойига солиб қўйишни сўрайди. Уч ёшгача куч ишлатиш усулларидан фойдаланишга рухсат этилади. Вазифани бажаришни таҳлил қилишда боланинг яхши ўрганганилиги ҳақида гувоҳлик берувчи одатдагидан юкорирок тартибдаги харакатга ўтишни хисобга олиш муҳим.



## **15. Ўз танаси қолипида ориентир олиш**

Катта киши танасининг турли қисмлари номини айтади ва боладан уларни кўрсатишини сўрайди. Бир ярим ёшли бола, одатда, танасининг бир кисмини, 1 ёшу 9 ойлик бола – тананинг 3 кисмини, икки ёшида – 5 кисмини кўрсата олади.



## **16. Матрёшкалар**

Катта киши болага матрёшкани кўрсатади, унинг олдидаги қисмларга ажратади ва катта матрёшканинг ичидан кичигини олади. Сўнгра у: “Энди кичик матрёшкани каттасининг ичига яширамиз!”, дейди. Вазифани бажаришда бола матрёшкаларнинг юкори ва пастки кисмлари накшларини бир бирига тўғри келтира оладими, у аниқ бир мақсад билан ёки намуна ва хатолари орқали ҳаракат киладими – шулар белгиланади.



## **17. Жуфт суратлар**

Боланинг олдига ҳар қандай предметлар, мевалар, ҳайвонлар тасвириланган бир нечта карточкалар териб қўйилади. Тадқиқотчи болага сурат кўрсатади ва тасвириланган предметнинг номини айтмасдан худди шунака суратни беришини сўрайди. Бунда бола керакли суратни дарров топдими, шу белгиланади.



### 18. “Ичидা”, “устида”, “олдида”, “ўтиб” кўмакчиларини тушуниш

Бола кўмакчиларнинг аҳамиятини тушунишини билиш учун коғоз кути ва бир нечта кичикроқ предметлардан фойдаланиш мумкин. Болага “Кубчани кутининг устига қўй” ёки “Энди кубчани кутининг ичига сол” каби турли кўрсатмаларни бериб, биз кўмакчиларни белгилайдиган сўзлар унга қанчалик тушунарли эканлигини кўришимиз мумкин.

### 19. Предметларни лексик тамойил бўйича гурухлаш

Бизга икки хил ўйинчоклар, масалан, ҳайвон ва машиналар тўплами керак бўлади. Катта киши боладан: “Бу ўйинчокларни икки тўдага ажрат. Биттасида нималар бўлади, бошкасидачи?”, деб сўрайди. Боланинг тўғри ҳаракат ва жавоблари унда умумлаштириш қобилияти борлигини билдиради.





### 20. Рангларни билиш

1. Ўзаро боғланиш. Тадқиқотчи боланинг олдига турли рангдаги предметларни тахлаб қўяди ва ҳар бирининг жуфтини танлашни сўрайди. 1,9 ёшдан 2 ёшгacha бўлган болага 3 хил ранг (кизил, кўк, сариқ), 2 ёш ва ундан катталарига 4 та ранг таклиф килинади.

2. Сўз бўйича танлаш. 2 ёшдан 2,6 ёшгacha бўлган болага танлаш учун иккита предмет таклиф килинади, 2,9 ёшли бола 2 та рангни, 3 ёшли бола – 4 та рангни айтади.

### 21. Кирқма суратлар

Вазифа моделлаштириш имкониятини, кисмлар, яхлитлик ва уларнинг фазода жойлашиши, шунингдек, тасаввурни ўзаро таққослашни тадқиқ килади. Вазифа шундан иборат: “Шу кисмларни жойлаштири, кара, қандай сурат пайдо бўлади”. Икки кисмдан иборат кирқма суратлар-



---

ни жойлаштириш болаларга икки ёшдан берилади. Асосан болалар намуна ва хатолар йўли билан, баъзида эса кўриш орқали ўзаро боғланишда харакат қиласидилар.

Уч ёшга тўлган бола учун биз таърифлаган усулиётларнинг баъзиларидан фойдаланиш мумкин, бирок бола бу вазифаларни бошқача бажариши керак.

### **3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун диагностик вазифалар ва уларни ўтказиш усулиёти**

**1. Пирамидача 5 ёшгача бўлган болаларга таклиф қилинади.** Биз юкорида айтганимиздек, 2,5 ёшгача бўлган болалар таёқчага халқаларни исталган тартибда ўтказиши мумкин, лекин 3,5 ёшдан ўтган болалар эса пирамидачанинг ўлчамини хисобга олиб йигадилар, мўлжаллаб олишга йўл қўйилади. Тўрт ёшдан ошган болалар кўриш орқали ўзаро боғланиш ёрдамида харакат қиласидилар.

**2. Сеген доскаси.** Вазифа кўриш-макон ориентировкаси ҳамда амалий-кўргазмали даражада таккослаш имкониятини тадқиқ этади. Тадқиқотчи болага иловалари жойлаштирилган доскани кўрсатади, кейин эса уларни столга тўқади, арапаштиради ва уларни жойига солиб қўйишни сўрайди. Уч ёшгача куч ишлатиш усуllibаридан фойдаланишга рухсат этилади, бирок уч ёшу олти ойликдан мақсадга қаратилган усуllibар айнан хисобланади; тўрт ёшдан ошган болалар ўлчаб кўришга ўтадилар, беш ёшдан кейин эса кўриш орқали ўзаро боғланиш ёрдамида харакат қиласидилар.

**3. Қирқма суратларни тахлаш.** Уч қисмдан иборат суратларни тахлаш болаларга уч ёшдан таклиф қилинади, намуна ёрдамида бажариш адекват хисобланади, бетартиб харакатлар – йўқ. Вазифа тўрт ёшдан ошган болалар билан кўриш орқали ўзаро боғланиш ёрдамида бажарилади. Кўриш орқали ўзаро боғланиш ёрдамида уч қисмдан иборат суратларни тахлашни уддасидан чиқадиган беш ёшдан ўтган болаларга беш қисмдан иборат суратларни тахлаш берилади. Синаб кўришга йўл қўйилади.

**4. Пъерон-Рузер методикаси.** Бу вазифа ёрдамида амалий-кўргазмали фикрлашнинг ривожланиш даражаси, оддий малакани шакллантириш сифати ва тезлиги, ҳаракатнинг янги усулларини згаллаш ҳамда эркин дикқат-эътибор ва майда моторика ривожланишининг турғунлиги ва ҳажми ҳакида фикр юритиш мумкин. Вазифанинг тавсифи: Тадқикотчи боланинг олдига тоза, стандарт бланка қўяди ва бошланғич бўш шаклларни тўлдириб, дейди: “Бу квадратга нукта қўяман, учбурчакка бундай (вертикал) чизикча, доирага хеч нарса чизмайман, тўртбурчакка эса бундай (горизонтал) чизикча чизаман. Энди сенга кўрсатганимдек давом эттири”. Қачонки бола намунага таянмасдан ишлашни бошлаган вакти, вазифани бажариш вакти (хаммаси бўлиб 3 дақиқа ажратилади) аникланади. Методика беш ёшдан катта болаларга таклиф килинади. Олти ёшли бола меъёрда уч дақиқада 50 тадан 80 тагача шаклни тўлдиришга улгуради ва биринчи тўлдирилган сатрдан кейин намунага қарамай қўяди.

**5. Новербал таснифлаш.** Вазифа болада мантикий фикрлашнинг ривожланиш даражасини кўрсатишга, унинг муҳим ёки иккинчи даражали белгиларини ажратиб олишга, умумий хulosага келишига имкон беради. Бу фикрлаш операциялари нутқий фикрлаш механизмининг ишлашида аҳамиятли ҳисобланади.

Текширувчи столга, масалан, ликопча тасвиirlанган суратни қўяди. Бирмунча масофада биринчи суратга параллел равиша копток тасвиirlанган суратни қўяди, бунда иккала суратнинг тагида яна вертикал каторни давом эттириш мумкин бўлиши керак. Шундан кейин чашка тасвиirlанган сурат олинади ва уни қайси суратнинг тагига қўйиш кераклиги сўралади. Сўнгра катта одамнинг ўзи ликопча тасвиirlанган суратнинг тагига қўяди. Қўғирчок тасвиirlанган сурат ҳам худди шундай қўйилади. Шундан кейин болага идиш-товоқ ёки ўйинчоқлар тасвиirlанган суратлар болага биттадан берилади ва уларни керакли каторга қўйиш сўралади. Агар бола суратни нотўғри қўйса, тадқикотчи бунинг хатолигини айтади ва суратни керакли жойга қўяди. Идиш-товоқ ёки ўйинчоқлар тасвиirlанган суратлар кетма-кет берилмайди, бола тақдим этиш тартибини мўлжаллаб олмаслиги учун хар бир катордан 2–3 та сурат, ундан кейин яна биттадан сурат ва бошқалар

---

берилади. Вазифа беш ёшдан ошган болаларга таклиф қилинади. Болалар 3-4 та тузатишлардан кейин муҳим белгиларни кўрсатадилар ва улар асосида умумий хуносага келишлари айнан бир хил бажариш хисобланади. Олти ёшдан ошган меъёрда ривожланаётган болалар 2-3 та тақдимотдан кейин умумий хуносага келиш тамоилини ажратадилар.

**6. Вокеаларнинг кетма-кетлиги.** Вазифанинг мақсади воеаларнинг алоқасини тушуниш қобилиятини аниклаш ва муайян бир фикрга келишни қуриш, воеаларнинг ижтимоий контекстини ва кетма-кетлигини мантиқий тушуниш, алоҳида эпизодлар бўйича воеаларнинг қандайдир яхлит образини тузиш хисобланади. Вазифа: “Суратларда кичик ҳикоя тасвирланган. Ҳаммаси кайси суратдан бошланганини, қандай давом этганини ва нима билан тамом бўлганини кўриб чиқиш керак. Суратларни тартиб билан жойлаштириш”. Сўнгра текширувчи ўзи бир сериядаги суратлардан фойдаланиб вазифанинг бажарилишини намойиш қиласди. Методика беш ёшдан катта болаларга таклиф қилинади. Серия 4 – 5 суратдан иборат. Суратларда тасвирланган воеалар болага яхши таниш бўлиши муҳим. Бола вазифани бажариб бўлганидан кейин, унга суратларда қандай воеа тасвирланганини ҳикоя қилиб беришни таклиф қилиш мумкин. Баъзиде суратлар нотўғри жойлаштирилган бўлса ҳам ўзича мантиқий боғланган ҳикоя бўлиши мумкин. Вазифанинг бажарилишига ўртача 6–7 дақиқа кетади.

Таъкидлаш лозимки, нутқида бирламчи кечикмаган психик ривожланишининг оғир бузилишлари бор болалар кўрсатилган вазифаларни (воеаларнинг кетма-кетлиги хусусиятларида) меъёрда ривожланаётган тенгдошларига караганда бирмунча ёмонроқ бажарадилар. Бу, авваламбор, нутқ бошқариш функцияларининг заифлашуви ва оғзаки белгилашларсиз кўриш образлари миқдоридаги муҳим операция қийинчиликлари билан боғлиқ. Шунга қарамасдан, кўпроқ вақт сарфлаб ва қайта-қайта тақрорлаб, улар вазифанинг удасидан чиқадилар. Бу вазифаларни бажаришнинг яхшигина даражаси интеллектуал кечикишнинг йўқлигини ва нутқий ривожланишининг муваффақияти учун зарур базанинг сакланганлигини кўрсатади.

**7. Шаклни чиз.** Методика оператив кўриш хотирасининг бевосита ривожланиши даражасини баҳолаш ҳамда ёдда сақлаш жараёнининг динамик хусусиятлари учун мўлжалланган.

Методикада болага карточкаларни бир неча марта икки сониядан намойиш этиш билан карточкада тасвиirlанган шаклни чизиш таклиф қилинади. Бу методика учун қалам, 10x15 ли тоза қоғоз вараги, шакл тасвиirlанган карточка, секундомер керак бўлади. Катта киши болага: “Ҳозир сенга кисқа вактга шакл чизилган карточкани кўрсатаман. Сен уни ёдингда сақлаб чизишга ҳаракат қилишинг керак. Агар дарров ёдингда колмаса, хафа бўлма, яна бир марта кўрсатаман ва шу шаклни эслаб қолиб чизмагунингча кўрсатавераман. Ҳозир карточкани кўрсатишимида “Дикқат!” сўзи билан огохлантираман. Шундан кейин мен карточкани олиб қўяман, сурат чизишни бошлишинг мумкин”. Бола карточкани ҳар сафар кўрганида янги қоғоз варагига чизади. Тўғри чизилган суратда куйидагиларга риоя қилинган бўлиши керак:

1. шаклнинг тахминий ўлчамлари
2. шаклнинг қиялиги
3. чизиклар ва уларнинг кесишиш сони.

Бола хотирасининг бевосита ривожланиш даражаси 2 сонияга тенглашадиган ёдда сақлаб қолишга сарфланган вакт асосида аникланади. Х кўрсатишлар сони. Агар ёдда сақлаб қолишга 10 сония ва ундан кам талаб қилинган бўлса, юкори даражада сифатида аникланади, агар 11 дан 30 сониягача бўлса – ўрта, 32 сония ва ундан юкори бўлса – паст хисобланади.

Ёдлашнинг динамиклиги ёдда сақлаб қолиш жараёни таҳлили асосида аникланади: агар қайта кўрсатишдан кейинингисигача суратнинг сифати яхшиланса, ёдда сақлаб қолиш жараёни етарлича динамик хисобланади. Агар биринчи кўрсатишдан иккинчи кўрсатишгача натижалар гоҳ аввалги даражада қолса, гоҳо эса яхшиланса, яъни тебраниб турса, жараён ўртacha динамик сифатида тавсифланади. Агар такрорлашдан такрорлашгача натижалар бир яхшиланиб, бир ёмонлашиб борса, бу ёдлаш жараёнининг нодинамиклигини билдиради.

---

**8. Рақамларни ёдда саклаш.** Бу методика боланинг киска муддатли эшитиш хотираси ҳажмини аниқлаш учун мўлжалланган. Бола қуйидаги мазмундаги йўлланмани олади: “Ҳозир мен сенга рақамларни айтаман, сен эса мен тугатишм билан орқамдан дарров тақрорла”.

Сўнгра эксперимент ўтказаётган шахс болага юқоридан пастга кетма-кет рақамлар қаторини 1 сония вақт оралиғи билан ўқиб беради. Бола ҳар бир қаторни эшитиб бўлганидан кейин уни эксперимент ўтказувчининг орқасидан тақрорлаши керак. Бу бола хатоларга йўл қўймагунича давом этади. Агар хатога йўл қўйилса, унда эксперимент олиб борувчи хатога қўл қўйилган худди шундай рақамлар сонидан иборат ўнг томондаги қўшни қатордаги рақамларни тақрорлайди ва боладан қайтаришини сўрайди. Агар бола янгишса, шу заҳоти аввалги қаторнинг узунлиги белгиланади ва эксперимент ўтказувчи бола хотирасида қоладиган тескари тартибда ўтиши мумкин бўлган рақамлар қаторини қайтаришга ўтади. Натижада биринчи ва иккинчи серияларда тўғри акс эттирилган қатордаги максимал рақамлар сони йиғиндинсизнинг ярмига teng бўлган боланинг киска муддатли хотираси ҳажми аниқланади.

*Биринчи сериянинг рақамлари:*

9	3
2 4	7 9
3 8 6	1 5 4
1 5 8 5	6 8 5 2
4 6 2 3 9	3 5 9 6 1
4 8 9 1 7 3	7 9 6 4 8 3
5 1 7 4 2 3 8	9 8 5 2 1 6 3
1 4 2 5 9 7 6 3	4 2 7 0 1 8 9 5

*Иккинчи сериянинг рақамлари:*

3	6
2 5	8 3
4 1 7	1 5 2
9 2 6 5	4 9 3 7
4 1 3 7 2	2 8 5 9 1
1 6 5 2 9 8	3 1 7 6 9 2
8 5 9 2 3 4 6	1 7 9 5 8 4 6
4 9 1 6 3 2 5 8	4 5 7 1 9 2 8 3

*Натижаларнинг баҳоси:*

110 балл – бола ўртача 10 та рақамни тўғри тақрорлай олди.

8-9 балл – бола ўртача 7-8 та рақамни аниқ тақрорлай олди.

6-7 балл – бола ўртача 5-6 та рақамни хатосиз тақрорлай олди.

4-5 балл – бола ўртача 4 та рақамни тақрорлай олди.

2-3 балл – бола ўртача 3 ра рақамни тақорлай олди.

0-1 балл – бола ўртача 0 дан 2 гача рақамни тақорлай олди.

Олинган натижалар асосида қиска муддатли хотиранинг даражаси хакида кўйидаги хulosалар келиб чиқади:

10 балл – жуда юкори;

8-9 балл – юкори;


4-7 балл – ўрта;

2-3 балл – паст;

0-1 балл – жуда паст

**9. Почта қутиси.** Болага 6 та ҳажми каттароқ, асоси юкорига қараган каттиқ картон варақа ва пластмасса қути таклиф килинади. Тадкиқотчи шакллардан бирини олиб, уни қутига ташлайди ва синалаётганга ишора билан ишни давом эттиришни таклиф килади. 2 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болаларга таклиф килинади. 3,5 ёшгacha эса куч усулларидан, 5 ёшгacha эса мўлжаллаб олиш, сўнгра кўришнинг ўзаро боғланишидан фойдаланиш адекват хисобланади.

**10. Кайфиятни топчи.** Бу вазифа болалар гурухида ўтказилади ва ҳар бир бола бошқа кишининг ҳиссий ҳолатини канчалик тушунишга кодир эканлигини аниқлаш имконини беради. Болалар доира бўлиб ўтирадилар. Катта киши иштирокчиларга у ёки бу ҳиссий ҳолат кўрсатилган суратлар таркатади. Сўнгра болалар навбат билан қандайдир ҳолатни тасвирлаб берадилар, бошқалар эса уни топишга ҳаракат қиладилар. Ундан кейин болалардан бундай кайфият қачон бўлади, деб сўраш мумкин.



---

**11. Вазиятни ютқазиш.** Болада ижтимоий малакалар, мuloқот жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари қанчалик ривожланганлигини аниклаш учун унга турли вазиятлар кўринишидаги воқеалар таклиф қилиниши мумкин. Бу ҳакиқатан ҳаётдан олинган вазиятлар, масалан, ўйин пайтида пайдо бўлган низо ёки катта киши тарафидан таклиф қилинган вазиятлар бўлиши мумкин, улар ҳам ҳакиқатга яқинроқ бўлиши керак, масалан: “Сен дўстинг билан уришиб қолдинг, энди эса яратишб олмоқчисан”; “Сен мактабгача таълим муассасасига апельсин олиб келдинг, дўстингнинг эса мазали ҳеч нарсаси йўқ”; “Сен болалар байрамига келдинг, бу ерда ҳеч кимни танимайсан. Болалар билан таниш”; “Иккита бир-бирига нотаниш бола ховлига сайд қилиш учун чиқдилар, у ерда улардан бошқа ҳеч ким йўқ”; “Иккита бир-бирига нотаниш бола арғимчоқ олдида учрашиб қолдилар, иккалови ҳам арғимчоқ учгиси келяпти”; “Бола ховлида сайд қилаётганида бошқа нотаниш боланинг қаттиқ йиғлаётганини кўриб қолди” ва б.

Болага “Мен ва бошкалар” мавзусида дўсти, онаси, отаси, бувиси, бобоси ва б. ҳакида хикоя килиб бериш таклиф килинади. Бола ўз фикрини айта олиши, бошқа одамнинг ижобий хислатларини таъкидлаши мухим. Шунингдек, кейингиларига алоҳида эътибор қаратиб, салбий ва ижобий сифатларини ажратиб, ўзи ҳакида ҳам хикоя килиб беришни сўраш мумкин.

Боланинг ўзини ўзи тасвирлаб берадиган вазиятни ҳам таклиф қилиш мумкин. Вазиятлар ўта турли-туман бўлиши мумкин: бола ҳаётидан олинган ҳакиқий вазиятларни олиш мумкин, баъзида шериги билан ролларни алмаштириш ва “унинг ўрнида бўлиб қолиш”, ким билан мuloқот килган бўлса, унинг ўрнида бўлиш фойдали. Масалан: “Дўстинг сен ўзинг яхши кўрган ўйинчоғингни ўйнаш учун сўради, лекин синдириб берди”; “Сен мусобакаларда катнашдинг ва биринчи ўринни эгалладинг, дўстинг эса деярли охирги бўлди. У жуда хафа бўлди. Унга таскин бер”; “Ойинг учта апельсин олиб келди: сенга ва укангга (синглингга). Бу апельсинларни кандай бўлишасан? Нега бундай?”.

**12. Нима янграйапти, топ.** Бизга дўмбира, болғача, кўнғироқча, парда керак бўлади. Катта киши болага ўйинчоқ дўмбира, болғача, кўнғироқчани кўрсатади ва уларнинг номларини айтиб, тақрорлашини сўрайди. Кичкинтой предметлар номини эсида саклаб олганидан кейин катта киши улар

қандай янграётганини эшитиб кўришни таклиф килади: дўмбирани чалади, кўнғирокчаларни жаранглатади, столга болғача билан уриб кўради; яна бир марта ўйинчоклар номини айтади. Сўнгра у пардани тутади ва кўрсатилган предметлар товушларини акс эттиради. “Нима янграётпти?”, деб у боладан сўрайди. У жавоб беради ва катта киши яна кўнғирокчани чалади, болғача билан уради ва б. Бунда у бола янграётган предметни таниб олишини, унинг номини аниқ талаффуз қилишини кузатади.

**13. Ажойиб қопча.** Бу методика учун қопча ва ҳайвонларнинг болаларини тасвирлайдиган майда ўйинчоклардан фойдаланилади: ўрдакча, ғозча, жўжа, йўлбарсча, филча, курбакача, мушукча ва б. Юкорида санаб ўтилган ўйинчоклар копчага жойлаштирилади. Катта киши кўлидаги қопчаси билан боланинг ёнига келади ва қопчада жуда кўп кизиқарли ўйинчоклар борлигини айтади, унинг ичидан биттасини олиб кўрсатишини ва унинг номини баланд овозда айтишини таклиф килади. Бола қопчадан олган ўйинчокнинг номини тўғри айтгани ўрганилади. Агар бола жавоб беришга кийналса, катталар унга айтиб берадилар.

Методика сўзлардаги маълум товушларни тўғри талаффуз қилишини аниклайди ҳамда болани шу товушлар билан сўзларни аниқ, тоза айтишга ўргатади.

### **Илк ёшдаги болада қандай бузилишлар кўриниши мумкин**

Бола канчалик муваффакиятли ривожланаётганини аниклашдан ташкари унинг ривожланишда орқада қолиш сабаби (ёки сабаблари) ни топиш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бу сабаблар ҳар доим ҳам болани поликлиникада мунтазам кўрикдан ўтказиш вақтида дарров кўринмайди. Бундай пайтларда уни яқиндан кузатаётган боланинг онаси ёки бошқа киши дикқат-эътиборларини бу бузилишларнинг белгиларига каратишлиари керак. Биз қуйида бола ривожланишида мумкин бўлган баъзи муаммоларни ва муаммоларнинг мавжудлигини тахмин қилишга имкон берувчи унинг кузатилаётган хулки хусусиятларини кўриб чиқамиз.

### **Бош миянинг Илк органик шикастланиши**

**1-ойнинг охирги**   Она уни кўкрагига кўйганида ёки бағрига босганида бақиришни тўхтатмайди. Бошини ҳатто бир лаҳза ҳам вертикал холатда ушлаб туролмайди.

---

**2-ойнинг охри** Онаси гаплаша бошлаганида унга қарамайди. Бoshини юзадан 5 см га кўтариб ҳам, тутиб ҳам туролмайди.

**3-ойнинг охри** Катта киши у билан гаплашаётганида кулади ёки унга караб кулмайди. Қорнида ётганида бошини 1 дақиқа мобайннида ушлаб туролмайди. Вертикал ҳолатда турганида бошини ярим дақиқа ҳам ушлаб туролмайди.

**5-ойнинг охри** У билан ўйнаётганларида хурсанд бўлмайди. Қорнида ётганида билакларига таяниб, танасини бир оз кўтара олмайди. Чалқанча ётган ҳолатида кўтарганларида боши орқасига оғиб кетади. Уни кўлтиғидан вертикал ҳолатда тутиб турса ҳам оёгининг учига таяниб туришга харакат қилмайди.

**6-ойнинг охри** У билан гаплашишга уринганларида йиғидан тўхтамайди. Катта кишининг мимикаси ҳамда товуш оҳангидага ҳайриҳоҳлик ва норозиликни фарқлай олмайди. Қорни билан ётганида чалқанчасига мустақил айлана олмайди. Бошини қатъиятсиз, айникса, чалқанча ётган ҳолатида қўлларидан ушлаб бир оз кўтариб қўйган пайтда ушлайди.

**7-ойнинг охри** Катта кишининг қўлга олишини харҳаша қилмайди (қўлларини чўзмайди). Қорни билан ётган ҳолатда қўлинини ўйинчоққа чўзиб етказа олмайди. Уни қўлтиғидан вертикал ҳолатда тутиб турганда раксга тушгандек харакат қилмайди.

**8-ойнинг охри** Онаси ва яқин кишиисига нисбатан меҳр намоён қилмайди (ўзини уларнинг бағрига, юзига босмайди) Қўлларидан ушлаб турганда ўтиришга харакат қилмайди.

**9-ойнинг охри** Якинлари ва бегона кишиларни фарқлай олмайди. Бегона кишилардан чўчимайди ва уялмайди. Ундан ўйинчогини олиб кўйганда хафа бўлмайди. Ўз ўқи атрофида айлана олмайди ва олдинга эмаклай олмайди. Ўтирган ҳолатда мувозанатни ёмон ушлайди ва ўз ўқи атрофида айлана олмайди.

**10-ойнинг охри** Атрофдагиларнинг кулгисини келтирадиган харакатларни такрорлай олмайди ва таклид қила олмайди.

**11-ойнинг охри** Чой ичаётганида пиёлани ушлай олмайди, қотган нонни мустақил ея олмайди. Тўрт оёқлаб эмаклай олмайди, оёқларини олдинга чўзиб ўтира олмайди. Тирговичга таяниб ҳам харакатлана олмайди.

**12-ойнинг охри** Қошиқ билан мустақил овқатлана олмайди. Ойнада

ўз аксини кўриб афтини бужмайтиrmайди. Ўзи мустакил бир неча қадам ташламайди.

**15-ойнинг охри**   Онаси билан копток ўйнамайди. Стаканни мустакил ушлай олмайди ва ундан сув ича олмайди. 10 сония ичида мустакил туролмайди. 20 қадамни эркин ташлай олмайди.

**20-ойнинг охри**   Ўйинчоклар билан ўйнамайди (кўғирчок, пирамида билан). Шапка, пайпок, оёқ кийимини мустакил кия олмайди. Маишӣ предметлар билан катта кишининг ҳаракатига таклид қилмайди. Бўшашиб югуради.

**Агар кичкинтойда ҳаракатланишининг ривожланишида муаммолар бўлса:**

- унда паст ёки юкори мускуллар тонуси бўлади;
- бошини ушлай олмайди, ағдарила олмайди, ўтира олмайди, тура олмайди ва юра олмайди;
- “кўз – кўл – оғиз” нинг ўзаро бир-бирига мувофиқлиги ривожланмаган бўлади;
- предметларни қўлида ушлай олмайди;
- қўлларининг ҳаракати келишилмаган бўлади.

**Кичкинтойингиз яхши эшитадими, қандай билиш мумкин?**

- Кичкинтой бир ойлик бўлган вактидаёқ, агар сиз унинг устида шиқилдоқни шақиллатсангиз у кулок солади ва бошини товуш келаётган манба тарафга қаратиши мумкин.
  - эшик қарсилаб ёпилса, чўчиб кетади. Агар у қарсак чалинганида умуман таъсиrlанмаса, бу ташвишланиш учун биринчи сигнал бўлиб хизмат килиши мумкин.
  - 0 дан 3 ойликкача кичкинтой муайян товушларни чиқаришни – гугулашни бошлайди, лекин яхши эшитгани учун 6 ойликкача буни унчалик қилмайди, унинг бу даврдаги вокализи ўз-ўзидан юзага келадиган ҳаракатерга эга бўлади.
  - 6 ойликдан 9 ойликкача у ўз овозини фарқлашни бошлайди. Агар у ёмон эшитса, унинг гугулаши шу боскичда тўхтайди.
  - 9–12 ойликка етганида жуфт бўгинларни (баба, она, гага) талаффуз киладими?

- 
- Қошиқни ликопчага уришни яхши күрадими?
  - У муайян сўзларни тушунадими?
  - Унга “йўк” деганингиз таъсир қиласдими? (12 ойлик).
  - Сиз у билан биргаликда китобни вараклаб, нимани кўрсангиз ўшани номини айтиб берганингизда, унинг номини талаффуз қилаётган лабларингиз ҳаракатини кўрмасдан сизга керакли предметни кўрсатишга кобилияти етадими, текшириб кўринг?

Эшитишнинг пасайиши ҳар қандай пайтда содир бўлиши ва сезилмасдан ўтиши мумкин. Бунга, масалан, боланинг бир неча марта оғир отит касаллиги билан оғригани сабаб бўлиши мумкин.

### **Сизнинг кичкинтоингиз яхши кўра оладими, буни қандай аниклаш мумкин?**

• Бола ҳаётининг биринчи кунлари, хафтаси ва хатто ойларида кўришасаб аппарати дифференциясининг етишмаслиги сабабли кўриш ўткирлиги жуда паст бўлишини назарда тутиш зарур. Улар аста-секин ривожланади ва ўртacha 5 ёшга етганида ўзининг мумкин бўлган энг юкори даражасига эришади.

- Масалан, 1 хафталик боланинг кўриш ўткирлиги 0,002–0,02 га, 1 ойда – 0,008–0,03 га, 6 ойликда – 0,1–0,3 га, 3 ёшда – 0,6–0,9 га, 5 ёшда – 0,8–1,0 га тенг бўлади.

- Янги туғилган болаларда кўришни идрок этишнинг ривожланиши кутиши таъсирларида намоён бўлади.

- Бола икки хафталигига бирор нарсага нигоҳини кисқа вақтга жалб килиш пайдо бўлади.

- Икки ойликда кўз ҳаракатлари ўзаро мувофиқлашади ва кичкинтоининг эътиборини ўзига тортган бирон-бир предметга нигоҳини қаратиб ушлаб туради, у онасидан жуда таъсирланишни, айниқса, ўйинчоклар ёркин бўлса ўйинчокларга интилишни бошлайди, ёруғлик келаётган манба тарафга бошини ўгиради.

Агар, сиз юкорида санаб ўтилган боланинг ривожланишидаги бузилишлар белгиларини сезиб қолсангиз, гумонларингизни тарқатиб юборадиган ёки болага муносиб ёрдам воситаларини танлаб олишга ёрдам берадиган мутахассислар (офтальмолог, отоларинголог, невропатолог) га мурожаат килишингиз керак.

---

## **3-боб. Мутахассислар ва ота-оналар ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланиши ҳақида нималарни билишлари зарур.**

### **3.1. Ногиронлиги бўлган бола ривожланишининг асосий тамойиллари**

Оилада фарзанд туғилиши кутилмоқда. У онаси ёки отасига ўхшаш бўладими? Балки у бувисига ўхшар? Одатда, ота-она ўз фарзандининг келажагини ҳомила вактидаёқ режалаштирадилар. Бола кайси мактабгача таълим муассасасига, мактабга боришини, катта бўлганда ким бўлишини тасаввур киладилар.

Мутахассислар онага боланинг ногиронлиги ҳақидаги маълумотни етказганларида, бу режаларга нима бўлади? Кўпчилик тадкиқотчилар онага боланинг ташхиси ҳақида маълумот етказган вактдаги ташвишли ҳолатини рамзий маънода йўкотиши кечинмалари билан таккослайдилар. Ота-она кутган фарзанд туғилмади. Унинг ўрнига бошқа фарзанд туғилди. Ота-онани биринчи ларзага солган ҳолат бир мунча оркага чекингач, бола келгусида қандай яшаши керак, деган савол туғилади. Болага нима керак? Келгусида бола ўз оиласини қуриши учун уни жамиятнинг мустакил, тўлик ва тенг хуқуқли аъзоси сифатида вояга етказиш мумкинми? Бу болани қандай қилиб вояга етказиш мумкин?

Ота-она ва мутахассислар куйидаги қоидаларни билишлари зарурдир.

**1. Ногиронлиги бўлган бола бошқа болалар каби бир хил эҳтиёжларга эга.** Бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларни “алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган бола” деб аташ тўғри хисобланади. Қанчалик ғалати бўлиб туюлмасин унда “алоҳида эҳтиёжлар” йўқ. Шунчаки у мухаббат, хавфсизликка, жисмоний эҳтиёжларининг кондирилишига, янги таассуротлар ва уни ўраб турган атроф-мухитни билишга эҳтиёж сезади. У бошқалар билан



мулокот қилиши, ўйин ўйнаши ва ўқиши керак. Яъни бошқа болаларга керак бўлган ҳамма нарса унга ҳам керак.

Ушбу эхтиёжларни кондирувчи воситалар, ҳақикатан ҳам алоҳида бўлиши мумкин. Масалан, ҳаракатида бузилишга эга бўлган болага ҳаракат қилиши ва атроф-мухитни ўрганиши учун маҳсус мослашуви ёки яқинларининг ёрдами керак бўлиши мумкин. Атроф-мухитни билиш учун фақат восита керак, холос. Нутққа эга бўлмаган бола қайси йўл билан мулокот қилиши муҳим эмас – имо-ишоралар, маҳсус суратлар – энг асосийи унинг мулокотга бўлган эхтиёжи қондирилиши лозим.

**2. Ногиронликка эга бўлган бола ҳам бошқа болалар ўтиши керак бўлган ривожланиш босқичидан ўтади.** Юқоридаги бўлимларда кўрсатилган сенситив давр ногиронлиги бўлган болаларда ҳам ўтади. Агарда сенситив даврни бола ривожланишидаги у ёки функцияга яхши ва кулагаш яратувчи босқич сифатида ўтказиб юборилса, келгусида уларни ривожлантириш янада мураккаб, баъзида бутунлай имкониятсиз бўлиши мумкин.

Масалан, болаларда нутқ ривожланишининг сенситив даври З ёшгача ўтади. Эшитиш қобилияти ва нутқка эга бўлмаган бола ота-онаси нима қилиши керак? Имо-ишоралар тили – эшитиш қобилиятига эга бўлмаган кишилар учун тўлиқ тил ҳисобланади. Имо-ишоралар тилини эгаллаган бола ўз ривожланишида эшитиш қобилиятига эга бўлган бола каби нутқ ривожланиш босқичидан ўтади (ярим ёшида сўзларни “ясади”, бир ёшида сўз – имо-ишораларни, бир ярим ёшида тўлиқ гаплар тузади ва «луғат бойлиги» яратилади).

Шундай қилиб, ота-она бола билан имо-ишоралар тилида муомила қилиш жараёнида, бир томондан боланинг мулокотга бўлган эхтиёжини қондирса, бошқа томондан эса сенситив даврда бола нутқининг самарали ривожланишини таъминлайдилар.



Сенситив даврга эътибор бермаслик, ушбу даврда нафақат ривожланишнинг у ёки бу томонларини фаол ривожланиш имкониятини бой бериш, балки қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

**3. Яхши ва қулай шароитнинг йўқлиги, сенситив даврга эътибор бермаслик туфайли болада иккиламчи бузилиш юзага келади.** Иккиламчи бузилиш бу – боланинг бирламчи ташхиси билан бевосита боғлик бўлмасдан, тўғри шароит яратиш билан бу холатдан холи бўлиш мумкин. Мисол келтирамиз. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эшитиш қобилиятига эга бўлмаган бола худди ўзи каби эшитиш қобилиятига эга бўлмаган ота-она оиласида вояга етаётган бўлишига қарамай, психик ривожланиш даражасига қўра ўз тенгдошларидан қолишимайди. Айни пайтда эса деярли барча эшитиш қобилиятига эга бўлмаган болалар эшитишида нуксони йўқ ота-она оиласида яшаб, иккиламчи бузилиш сифатида психик ривожланишдан ортда коладилар. Нима учун? Чунки биринчи вазиятда нуткнинг ривожланиши учун сенситив давр бой берилмаган бўлиб, бола атроф-мухитни билиш ва мулоқот учун керак бўлган восита – нуткни эгаллаган. Унинг тенгдоши эса эшитиш имкониятига эга бўлган ота-она оиласида яшаса-да, бу имкониятга эга бўлолмади ва ривожланиши учун тавсиф этилган болага нисбатан нотенг шароитда колди.

Нима учун кўриш қобилиятида жиддий бузилишга эга бўлган бола харакат ривожланишидан орқада қолади. Бу холат боланинг кўриш имконияти чекланганлиги туфайли эмас, балки ҳаракат қилиши учун қулай шароит яратилмаганлиги учун юз берди. Демак, ривожланишида бузилишга эга бўлган болаларни бошқа болалар ўрганиши керак бўлган ҳамма нарсага ўргатиш лозим.

Акний ривожланишдан орқада қолган болалар билан нима қилиш мумкин? Ҳакиқатан хам, бу болалар секин ривожланадилар, лекин улар кечи-киб бўлсада, оддий болалар ўтадиган босқичдан ўтадилар.

**4. Бола фақат ўз тенгдошлари каби, уларнинг олдида турган вазиятларни ҳал этиши ва қийинчиликларни енгигб ўтибгина муваффақиятли ривожланади.** Психологияда “бевосита ривожлантириш доираси” тушунчасини киритган рус олимси Л.С.Выготский “ rivожлантириш таълимни эмас, балки таълим ривожлантиришни етаклайди”, – деб таъкидлайди. Бевосита ривожлантириш доираси нимани англатади?

---

Агарда бола билан ўзи яхши бажара оладиган фаолият ва ўйин орқали машғулот олиб борилса, бола кийинчиликларни енгиб ўтиш имкониятидан маҳрум бўлади, демак ривожланишида ҳам орқада колиш юзага келади.

Бошка томондан эса, вазифа бола бажариши учун ўта кийин ёки бажариб бўлмас даражада бўлса, болада кийинчиликларни енгиб ўтиш истаги умуман йўқолади, ўз-ўзини баҳолаш куи даражага тушади ҳамда ўз-ўзига бўлган ишонч йўқолади. Маълумки, штангани жойидан силжит масдан туриб, мушакларни чиникириш мумкин эмас, худди шундай вазият болада турли кўникумаларни шакллантириш масаласига ҳам тегишлидир.

Кўпчилик ота-оналар ўз кичкинтойларига нисбатан ўта ғамхўрлик кўрсатишга мойиллар. Одатда, улар болага мустакил кийинишига, овқатланишига, чўмилишига имконият бермайдилар, чунки улар ногиронликка эга бўлган бола доимо бошқаларнинг ёрдамига мухтож деб ўйлайдилар ва бу билан ўzlари боланинг ривожланишини чеклаб қўядилар! Нуткида ва интеллектида бузилишга эга бўлган баъзи болаларда нуткни эгаллаш мотиви йўқ, чунки она бола хоҳишини дархол унинг “кўзларидан” ўқиб олади ва тезда бу хоҳишини бажаришга харакат киласи. Албатта, ногиронликка эга бўлган болалар хар кандай фарзанд каби катталарнинг ёрдами ва кўллаб-куватлашига эхтиёж сезади.

Бевосита ривожлантириш доираси – бу фаолиятни бола мустакил амалга ошира олмайди, лекин катталарнинг ёрдами билан бу доирага кириш имкониятига эга. Бола билан машғулотни шундай ташкил этиш керак-ки, ҳозиргача ота-онаси билан биргаликда бажарадиган харакатларни аста-секинлик билан ўзи мустакил бажаришни бошласин. Ногиронлиги бўлган боланинг ilk ривожланиш даврида нима рўй беради, турли ёш даврларида кандай муаммоларга дуч келади?



### 3.2. Алоҳида эҳтиёжи бўлган бола ҳаётининг биринчи йилида ривожланиши

Сизга таниш бўлган З-ойлик бола ҳаётини эслаб кўринг. Катталар улар билан қандай мулокотда бўладилар, болага нисбатан мунособатда ўзларини қандай тутадилар. Албатта, “эркалаш”, ўпичлар ва умуман завқланишлар: “Асалим, шириним, бурунчалари худди онасиники, кулоқчалари худи отасиники!”. Олимларнинг фикрича бола билан мулокот қилиш вақтидаги “baby-talk” – “бола тилида гаплашиш” бутун дунё бўйича бир хил тавсифга эга бўлиб, бу унли товушларнинг чўзилиши (нутк мусиқий тонда), мимикаларнинг ортиши ва бошқа қатор ижобий ҳолатларнинг намоён бўлишидир. Натижада бола ўзини оламнинг марказида тургандек, дунёдаги энг яхши бола, деб хис этади. Ўсиш жараёнида, жавоб тариқасида баҳтга тўла жилмайиш тақдим этади, қўлчалари ва оёқчаларини фаол ҳаракатлантиради ва ҳатто қаҳ-қаҳ отиб кулади. Бу жуда мухимдир, чунки бола ҳаётининг биринчи йилида энг асосийси ўз-ўзига ва атроф мухитга нисбатан мухаббат уйғотишидир.

Ташки кўринишида бузилишга эга бўлган бола нима билан тўқнашади? Одатда, бу кўз ёши қувонч ва завқланишининг йўклиги, баъзида эса болани умуман қабул қиласлик ҳолати рўй бериши мумкин. Баъзи ҳолатларда ота-оналар туғруқхонадаёқ болани уйга олиб кетишдан бош тортиб, давлат карамоғида колдирадилар.

Воқелик ривожланишининг бошқа варианtlари ҳам мавжуд. Бола сенсор, хиссий ёки аклий ривожланишдан орқада қолган бўлиши мумкин, лекин унинг яқинлари бундан бехабар. Мулокот жараёни одатдагидек бошланади, лекин катталар бола томонидан жавоб олмайдилар. Бола ҳаракати суст бўлади ва онанинг табиий ҳатти-ҳаракати сўна бошлайди. Бола кўп ҳолатда тинч ўз каравотида ётади ва бу ҳатто ота-оналарни қувонтиради, чунки бола уларни кам ташвишга солади.

Аслида ота-онанинг болага бериши керак бўлган меҳр-муҳаббати янада ошиши керак! Ушбу босқичдаги муваффакиятсизлик туфайли (она завқланишининг йўклиги) ногиронликка эга бўлган болада ташки оламга нисбатан ишончсизлик, ўзи ва бошқаларга нисбатан тажовузкорлик, айбдорлик ва ўз-ўзига ёқимсиз бўлиш хислар шаклланиши мумкин.

Болалар уйида яшаш вақтида вазият янада оғирлашади, ҳатто бузилишлар илк даврда мавжуд бўлмаса-да, ривожланиш давомида улар юзага

келади, мутахассислар уни “касалхона ҳолати” деб аташади. Болалар уйида бола қиска муддат ичиде йиғлашни ва диккәт-эътибор талаб килишни унугтади, одамови бўлиб қолади. Деярли барча болалар уйи тарбияланувчилари керакли даражада овқатлантирилишига қарамай, нафакат руҳий ривожланиши балки ўсиши ҳам жуда секинлашади, жисмоний оғирлиги жиҳатдан ҳам ўз тенгдошларидан орқада қолади. Болалар уйида ҳатто илк ёш давридаёқ руҳий тушкунлик ҳолати кузатилган, албатта, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фарзандингизга нисбатан ўз муҳаббатингизни намоён қилинг, у билан завқланинг, унга мақтov сўзларини айтинг. Уни мақташ мумкин бўлган томонларини топинг ва буни тез-тез такрорлаб туринг. Бола тарбиясини илк болалик даврида муҳаббат ва мақтov билан “бузиш” мумкин эмас, лекин эътиборсизлик билан жиддий зарар етказиш эҳтимолдан холи эмас. Балки унинг жавобини эшитиш учун сизга узок вакт керак бўлар, балки сиз боланинг жавобини умуман хис қилмаслигингиз мумкин. Лекин мутлақ ишонингки, ўғлингиз ёки кизингиз сизни жуда ҳам яхши кўради ва ҳатто буни ўз сўзлари билан ифода эта олмаса-да, у сизнинг муҳаббатингизга хаммадан кўп муҳтождир. Болага унинг хисларини ифода этишда ёрдам беринг – унинг ўрнига жавоб беринг, эшитишни хоҳлаган сўзларингизни унинг кўллари билан ёнокларингизни силаб “севимли ойижоним, мен сизни жуда соғиндим”, – деб айтинг. Ҳар иккалангиз учун ҳам сўзланг ва ҳаракат қилинг.

Болани илк ёш даврида она кўкраги сути билан озиқлантириш унинг учун хакикий “интеллектуал бомба” бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғлом ва баҳтли бўлиб ўсишини хоҳлайди. Бунинг учун биз сиз билан боланинг жисмоний ва хиссий эҳтиёжларини кондирувчи шароит билан таъминланиши лозимлигини кўриб чиқдик.


Шу билан бирга, биз фарзандимизни ақлли бўлиши ҳам ҳоҳлаймиз. Ақлий ривожланишдаги муваффакият боланинг илк ёш даврида қандай ривожланишига боғлиқлигини билиш жуда муҳимдир. Боланинг бир ва

икки ёшлигига аклии бўлиб ўсиши учун нима қилмоқ керак? Она кўкраги орқали овқатлантириш бола учун ҳақиқий “интеллектуал бомба” бўлиб хисобланади.

Она болани кўкрак орқали овқатлантириб, унга нафақат яхши озик ва химоя беради (она кўкрак сути иммун танасига эга бўлиб, болани турли юқумли заарланишдан саклайди ва бола танасидаги химояланувчи кучларни янада мустаҳкамлади), балки уни аклий жиҳатдан ривожлантиради! Овқатлантириш вактида бола танаси она танасига тегиб туради ва у она ҳамда сут ҳидини хис этади, у кўплаб тактил ва тери орқали сезиш таассуротларини олади, ўзининг артикуляцион аппаратини ривожлантиради (нутк учун масъул бўлган мушаклар), онага қарайди ва уни эшигади. Қизикарли томони шундаки, бола 30-40 см масофада, яъни она юзи болани кўкрак орқали овқатлантириш вактида яхши кўра олади.

Бундан ташқари, тажрибада бола кўплаб товушлар ва кўриш таасуротларининг ичидан айнан инсон юзи ва товушини фарклай олиши тасдиқланган. Агарда онада кўкрак сути бўлмаса, шиша идиш орқали овқатлантириш вактида болани худди шундай кўкрагига куйиши керак. Болани шунчаки каравотига ётказиб, унга шиша идиш берилса, бола эҳтиёжлари қондирилмайди.

Олимлар бу ёшдаги бола ақлини “сенсомоторли”, – деб атайдилар. Бу боланинг сезги органлари орқали ривожланиши ва ўсиши демакдир. Маълумки,



боланинг асаб тизими, тери ва мушаклари битта пушт қатламидан шаклланган. Шунинг учун ҳам бола оладиган массаж, нафакат унинг харакатида, балки умумий руҳий ривожланишида ҳам мўъжизалар яратади. Шунинг учун ҳам, шифокорлар болага туғруқхонадаёқ кофта ва иштонча кийдириб, ота-оналарни болани йўргакламаслик ва бешикка солмасликка ишонтиришга харакат киладилар.

Кун давомида болага фаол харакат килишига шароит яратиб, унинг руҳий жиҳатдан яхши ривожланишига пойдевор қўясим.

Харакат орқали бола янги таассуротларни олиб нафакат соғлом ва кучли, балки ақлли бўлиб ҳам вояга етади!

Бола ўз қўли ва оёкларини ўрганиши, улар билан ўйнаши жуда мухим. Агарда бола қўллари билан ўйнамаса, бу ҳолатда бола қўлига қўлкоп кийдиринг ёки ёрқин лента боғланг, ўйинчоқ сифатида юмшоқ қўнғироқли браслет ёки шикилдокларни тақинг. Болага қўлини қўкрак атрофига келтиришга ёрдам беринг ва уларни силкитинг, бола уларга эътиборини каратсин. Ҳар иккала қўли билан бир неча марта тақрорланг. Кўришида бузилишга эга бўлган бола билан ишлашда овоз чиқарадиган, ёрқин ва ялтирок ўйинчоқлардан фойдаланинг. Предметларнинг ҳаракати ҳам бола диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Агар болада ҳаракат бузилиши бўлиб, у бошини ўрта чизик бўйича ушлай олмаса ёки қўлини қўкрак атрофига келтира олмаса, бола ёнбошлаб ётган вақтида у билан ўйнашга ҳаракат килинг.

**Болани оёкларига лента ёки қўнғироқчаларни боғланг ёки тўқима этикчаларни кийдиринг.**

Агарда бола ўз оёклари билан ўйнамаса, унинг диққатини тортиш учун оёкларини секин тебратинг. Боланинг оёкларини секин тебратиб, “кара, қанақа чиройли этикчалар, қанақа лентачалар, улар қандай товуш чиқарадилар!” деб айтинг. Агар бола қўлларини оёкларига теккиза олмаса, унинг орқасини озгина кўтаришга ҳаракат қилинг, бу вактда боланинг оёкларига етиши осон бўлиши учун улар эгилган бўлсин.

Кўришида бузилишга эга бўлган болага оёкларига қўлларини теккизишга ёрдам беринг, этикча ва қўнғироқчаларни пайпаслай ол-

син. Уларни болага тасвиirlаб беринг. Агарда ҳаракатида бузилишга эга бўлган бола ўз оёкларига етиши қийин бўлса, уни ёнбошлаб ётқизинг ёки оёкларини букишга ва кўлларига яқин келтиришга ёрдам беринг.

**Предметларни бола қўкраги атрофида ушланг ёки илиб қўйинг, бола уларга қўли билан ета олсин.** Керак бўлганда, уларни силкитинг ёки ҳаракатга келтиринг, бола уларга ўз эътиборини каратсин. Агарда бола қўллари билан предметни ушламаса, уларни яқинрок суреб қўйинг, бола уларни бир ёки иккала қўли билан ушлай олсин ва уларнинг ҳаракатига мос ўзи ҳам ҳаракат қила олсин. Ҳар сафар ўйинчоқни орқага суреб, бола ҳаракатини янада фаоллаштиришга уриниб кўринг.

**Бола қўлига ўйинчоқ ёки предметни қўйинг – агар бола уларни дархол ташлаб юборса, яна уларни бола қўлига қўйинг ёки бошқа шакл ва оғирликдаги ўйинчоқ беринг.** Агар бола ўйинчоқни ушлашга ҳаракат килмаса, бола қўлини ўз қўлингиз устига қўйинг ва унга ўйинчоқни ушлашга ёрдам беринг. Боланинг ўзи ўйинчоқларни мустақил ушлай олиш вақтини кутиб, ҳар сафар унга камрок ёрдам беринг.

**Эътибор беринг:** ўйинчоқни катта шаклда бўлиши керак, бу нафакат ушлаш рефлекторли бўлиши учун, балки бола майдаги шакллардаги ўйинчоқларни ютиб юбормаслиги учун ҳам муҳим.

Болага резина ўйинчоқлардан овоз чиқаришни ўргатинг: кўрсатинг ёки ўйинчоқни бола қўли билан секин босинг.

Бола эмаклаши учун кўпроқ шароит яратинг ва имконият беринг, кизиктиринг. Ўйинчоқни шундай масофага қўйингки, бола унга озгинна ета олмасин ва унга ўйинчоқни олишини тавсия этинг. Бола корнида ётиб, озгина олдинга интилиши ва уни олиши лозим. Агар бир неча дакиқалар ичida бола бу вазифани бажара олмаса, унинг товонига кафтларингизни қўйинг, бола унга тирадиб, предметга ётиб олади.

Бола ҳаракатидаги ҳар бир янги босқич унинг ақлий ривожланишидаги янги босқич хисобланади.

Бола ўтиришни ўрганганидан сўнг унинг қўллари бошқа предметлар билан янги ҳаракатларни амалга ошириш, уларни янада яхшироқ ўрганиш

ва билиш учун бушайди. Бундан ташкари, ўтирган бола нигохидат күпроқ предметлар ва ходисалар пайдо бўлади, атроф-мухит ҳакидаги тасаввурларининг захираси ортади.

Шунинг учун боланинг суяк-мускул тизими мустаҳкамланганидан сўнг (одатда, бу 6-7 ойликда рўй беради, сиз шифокордан маслаҳат олишингиз мумкин) уни ўтиришга кизиктириш ва ўргатиш лозим.

Болалар церебрал фалажи ёки таянч-харакатида турли бузилишларга

эга бўлган баъзи болалар ўтиришни ўрганмаганлиги сабабли доимо ётиш ҳолатида коладилар. Бунга асло йўл кўймаслик керак! Ўтириш учун маҳсус кресло сотиб олиш шарт эмас, сиз уни ўзингиз мустакил холда картон кути ёки кўл материалларидан ясашингиз ёки бола атрофига ёстикларни кўйиб, уни ўтиришга ўргатишингиз мумкин.



### **Болани қандай қилиб ўтиришга ўргатилади.**

Болани шундай ўтиргизишингиз керак-ки, оёклари тиззадан пастга осилиб турсин ва устки қисмга тегмасин. Болага унинг кўлларини ён ёмонга кўйиб, ўтирган жойида унга суюнишига ёрдам беринг. Боланинг белини ушлаб туринг ва кўлларини бир неча сонияга олиб кўйинг. Аввалига бола 3-5 дақика ўтиради, кейинчалик эса бу вақт кўпайиб боради. Бола ўтиришни ўрганганидан сўнг унга ўйинчок олишни таклиф этиб, аввал бир кўлини кейин иккинчи кўлини суюниш ххолатидан олинг. 9 ойликда бола катталарнинг ёрдамисиз 1 дақиқагача ўтириши мумкин.

### **Болани қандай қилиб суюнчиқقا таянган холда ўрнидан туриш, тик туриш ва юришга ўргатилади.**


Энг яхиси, буни бола каравотида ёки манежида бажарган маъқул. Болага каравот ушлагичига суюнган холда туришига ёрдам

бериш керак. Бола чўзилиб, тура олиши учун аввалига ўзингиз унинг қўлларини ушлаб туришига ва каравот панжарасига, иложи борича баландрок, ушлашига ёрдам беринг.

Шунингдек, сиз болани кизиктирувчи бирон бир предметни стул, диван ёки креслога қўйишингиз мумкин, унга бир қўли билан мебелни ушлаб туришига ёрдам беринг. Кичкитой олдин тиззасида сўнг оёкларида тик туради.

Ушбу кўнималарни эгаллаб бўлгач, бола мебелни ушлаб юришини ўрганади (аввалига оёкларини ён томонларга тираган ҳолда харакат килади).

Маълумки, боланинг аклий ривожланиши барча сезги органларининг қанчалик тўлиқ ишлаш даражасига боғлиқ: бу кўриш, эшитиш, хид ва таъм билишдир. Шунинг учун катталар бола ўрганиши ва оламни билиши учун унга турли предметларни беришлари лозим.



### “Бу нима?”

Материал: пат қалам, жун, пахта, ипак, чўтка қофоз, шилдирок целиофон ва б.

1) Катталар томонидан сезишга мўлжалланган предметнинг номи аталиб, предметлар боланинг қўли, оёғи ва юзига теккизилади.

2) Агарда бола предметни ушлаб, уни бошқара олса, болага предметни мустакил ҳолда ўрганиш тавсия этилади.

### “Биргаликда сурат чизимиз”

Материал: рангли бүек, ок қоғоз.

1) Катта одам бола бармогини ушлаб бүекқа ботиради ва унинг бармоклари билан қоғозга чизик туширади.

2) Катта одам бола эътиборини жалб этиб, унинг бармокларини, кафтини, шунингдек, бошка предметларни, масалан, пат қаламни бүекқа ботириб қоғозга кўяди.

### “Иссик-совук”

Материал: муз солинган контейнер, иссик, совук ва илиқ сув солинган шиша ёки пластмасса идиш.

Катта одам бола қўлини навбатма-навбат турли предметга тегизади ва ҳароратни айтади. Бунда ўрнини босувчи сўзларни ишлатган маъкул: «А-А- иссик!»



*Сиз ўзингиз бола сезгиларини ривожлантиришига қаратилган кўплаб ўйинларни ташкил этишингиз мумкин!*

*Барча халқлар болаларининг севимли уйинларидан бири – бу “ку-ку” ўйинидир. Юзингизни қўлларингиз билан беркитинг сўнгра эса уларни очиб : “ку-ку” деб айтинг. Сўнгра бола қўллари билан ҳам худди шу тарзда тақрорланг, унинг юзлари “пайдо бўлганда” хурсанд бўлганингизни кўрсатинг. Сиз ўйинни турли хилда ташкил этишингиз мумкин, масалан, қўлларни очган вақтда турли кувончли ҳолатларни қўрсатиш мумкин.*

Кўп ота-оналар бола нутки икки ёшдан кейин ривожланади деб ўйлашади. Бу хато фикрdir. Бола хаётининг биринчи йилидаёқ нутқ фаол ривожлана бошлайди. Болалар шеър ва ҳикояларни қанчалик севиб тинг-

лашларига ахамият бергансыз? Күп холатларда болаларни улар билан овутыш, тинчлантириш, тақиқланған нарасадан эътиборини олиш ва ҳатто яхши овқатлантириш мүмкін. Бола туғилған заҳотиәқ (ёки ҳатто ҳомила вактидаёқ) яхши қофияли шеър ўқиб беринг ёки құшиқ күйланг.

Илк ёшдаги кичкіншіларни ривожлантириш усулларидан бири унинг тана қисмлари билан таништиришдір. Бу болага үзини шахс сиғатида англазының ривожлантиради, унинг дикқатини шакллантиради ва мулокот килишга үргатади. Қизиқарлы томони шундаки, бола тана қисмларидан айнан юз қиёфасыға катта қизиқиши билан қарайды, у инсон қиёфасини қолған барча таассуротлар ичидан ажратиб олади.

Бажараётган ишларингиз ҳакида болага оғзаки тушунтириш бериш жуда мухимдір. “Биз ҳозир иштончани кіямыз, олдин чап оёкни, кейин ўнг оёкни. Энди ботинкачани кіямыз ва сайр килишга борамиз” каби түшунтиришларни бола доимо әшлитиши лозим.

Дүнөнінг күплаб мамлакатларыда она ва бола артикуляцион ҳаракат ва товушларни қайтариш билан үйнаши қабул килинген. Масалан, она лабларини трубка шаклида олдинга чикаради ва бола унинг орқасидан такрорлайды. Ёки бола товуш чикаради, она эса такрорлайды. Бу каби үйинлар болада мулокот күнікмаларини ривожлантириш учун жуда фойдалидір. Үйинларни бола ҳәётининг биринчи ҳафтасыдаёқ бошлаш керак, бола овоз чиқарыш ва “гу-гулаш” вактидаёқ төвшүларни бир бирига боғлай бошлайды “о-й-и-и”, “о-т-а-а”, “б-б-у-в-и”, ўз яқынларини турли товушларни ишлатған ҳолда чақиришни үрганади.



Болага ўз яқинларининг исмларини айтишни ўргатинг. Бола ўз оила аъзоларига қараган вақтда уларни “ўрганади” ёки улар мuloқотга киришади. Унга қараб “ота – бу ота”, – деб тақрорланг сўнгра, боладан: “ота қаерда?”, “Обид қаерда?” – деб сўранг.

Кичкинтой билан “сухбат вактида” уни навбат билан гапириш қоидасига ўргатинг. Бола бирон бир сўз айтиб, жавоб учун паузани ушланг ва сўнгра унинг ўрнига жавобни айтинг, шундай килиб болада мулокотдаги муҳим кўнікмалардан бирини шакллантирасиз.

Бармоқлар билан ўйин ҳам муҳим ва фойдали ҳисобланади, “загизғон-загизғон, қаерда яшадинг – узоқда”. Нутқ ва майдада моториканинг (бармоқ ва билак харакатлари) ривожланиши ўртасида бевосита боғланиш мавжуд.

### **Бола билан бармоқ ўйинларини ўйнанг.**

Бу ўйинда энг асосийси сизнинг актерлик маҳоратингиз ва хиссий ҳолатни ёркин кўрсата олишингиздадир. Шунда бу ўйин кичкинтойингиз ва сиз учун ҳақиқий қувончли ҳамда роҳатли фаолиятга айланади

### **“Оқ бикин загизғон”**

Загизғон – загизғон, қаерда яшадинг – узоқда, бўтқа пиширдинг, болаларни овқатлантиридинг (кафт бўйича доира харакатида). Унга бўтқа бердинг, бунга бўтқа бердинг (бармоқлар букилади), бунисига эса йўқ (бош бармоқ орқага тортилади) – Сен бўтқа пиширмадинг, сув олиб келмадинг, ўтин ёрмадинг – кет бу ердан! (Бармоқни “тортиб олишга” ва болани кулдиришга харакат қилинг)

### **“Қовурилган қўзиқорин”**

Бу бармоқ ўрмонга борди, бу бармоқ қўзиқорин топди, бири қўзиқоринни тозалади, буниси эса қўзиқоринни қовурди, мана буниси бўлса (бош бармоқ) қўзиқоринни еб қўйди ва семириб кетди.

### “Оила”

Бу бармоқ бувижон, бу бармоқ бобожон, бу бармоқ отажон, бу бармоқ ойижон, бу бармоқ эса ўғлимиз ёки қизимиз, унинг исми...

Шеърни ўқиб туриб, бармоқларни бирин-кетин мушт қилинг ёки аксинча боланинг бармоқларини бирин-кетин очинг.

Сўз ва гапларни белгиланган имо-ишоралар билан бошланг. Масалан, болага “бер” ёки “бу ёкка кел” деб айтиб, унга мос имо-ишораларни хам бажаринг. Иккинчи йилнинг ярмидан эса сўзларини имо-ишораларсиз талаффуз қилиб кўринг. Кичкинтой сизни тушунадими? Имо-ишораларни кўллашни давом эттиринг ва яна тақрорланг. Вакт ўтиши билан бола нафақат имо-ишораларни тушуниб олади, балки уларни сизнинг ортингиздан тақрорлайди.

Нутқ факат барча эҳтиёжлари қондирилган болада яхши ривожланишини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз. Бола ўз онасига ёки ўз яқинларига руҳан қанчалик якин бўлса, унинг нутки шунчалик яхши ривожланади. Она болага нутқнинг ривожланиши учун барча материалларни бериб, мулокотга чиқиши учун мотивларни юзага келтиради ва ривожланиши учун шароит яратади.

Бола билан тез-тез мулокотда бўлинг. Ўз ҳиссиётларингизни табиий равишда ифодалашга ва боланинг хис-туйғуларига мос равишда жавоб кайтаришга ҳаракат қилинг. Масалан, агарда бола сизни тишиласа (бola қўлига тушган барча нарсани тишлиб кўришга ҳаракат килади), қовоғингизни солиб, қатъиян “йўқ, кўлим оғрийди!” – деб айтинг. Агарда бола инжиқлик қилса, бирон бир нарсани истеъмол килишдан бош тортса, “Ў-ўў, қандай bemaza!” – деб ёқимсиз эканлигини бўрттириб кўрсатинг.



---

Ногиронликка эга бўлган болаларнинг деярли барчаси мулокот жа-раёнида кийинчиликларни ҳис киладилар. Уларга ёрдам бериш учун юз ифодасига алоҳида ургу беринг, ёркин ҳиссий ҳолатда гапиринг (кўпчилик катталар буни ўзлари билмаган ҳолда ҳам бажарадилар). Ўзингизни кузатинг, ўзингиз ойнага каранг. Агарда бола билан мулокот жараёнида етарли-ча ҳиссиётли бўлмасангиз, ўзингизда бу кўникма-сифатларни шаклланти-ришга харакат қилинг. Овоз ва юз ифодасига алоҳида эътибор беринг.

### **3.3. Алоҳида эҳтиёжи бўлган бола ҳаётининг иккинчи-учинчи йилида ривожланиши**

Бола ҳаётининг иккинчи ва учинчи йилида қандай ўзгаришлар рўй бе-ради? Агарда бола ҳаётининг биринчи йилида ўз-ўзи, атроф-мухитга нисбатан муҳаббат уйғотиш ва шакллантириш муҳим бўлса, иккинчи ва учинчи йилида бола ўзини алоҳида шахс деб англайди ва муваффакият ҳамда муваффакиятсизликлар учун кайғуришни ўрганади.

Бола ўз кечинмалари ва хоҳишлирини намоён этишни қандай ўрганса, у боланинг бутун умри давомида сакланиб қолади ва келгусида ўз максадига эришиши учун мотивлари қанчалик кучли намоён бўлишини белгилайди. Бу ёшдаги болаларнинг севимли “Мен ўзим” сўзлари тасодифий эмас. Бола ўз олдида турган қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз қобилияти ва имко-ниятларига ишонч ҳосил кила олиши ҳамда атрофдагилар томонидан тан олиниши лозим. Болани ҳар томонлама ривожлантирган ҳолда қуидаги йўналишлар бўйича болага имкониятлар беринг: нутқнинг ривожланиши, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини ривожлантириш, предметли фа-олиятни ривожлантириш. Қуида буларни қандай амалга ошириш мумкин-лиги хақида сўз юритамиз.

Бу ёшдаги бола олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири хатти-харакат меъёрлари ва коидаларини ўзлаштиришидир. Бу ёшда бола «мумкин эмас» тушунчасини ўзлаштириши лозим. Эсда тутинг: бола учун тақиқлар қанча кам бўлса, шунча яхши. Болага нима мумкин эмаслигини ўзингиз учун аниқ белгилаб олинг ва бунга қатъян амал қилинг. Тақиқлар жуда кўп ёки улар умуман йўқ. Балки сиз ўз боласига доимо танбех берадиган хоргин онани кўрган бўлсангиз керак, бола бу ҳолатда онасининг танбехларига умуман эътибор бермайди ёки карши чиқади ёки йиғлади. Бу болага нисбатан аниқ бўлмаган ва қарама-карши талаблар натижасида

рўй беради. Бола йиғлаб, талаб қилса-да, унинг диққатини бошқа нарса-га жалб қилинг ва у хоҳлаган, лекин тақиқланган нарсани олиб қўйинг. Кечак сиз чарчаганлигингиз ёки телефон орқали тинч сухбатлашишини хоҳлаганингиз учун болага соатни олишга руҳсат берганлигингизни, бугун эса “унинг тарбияси билан” шуғулланишга вакт ажратишингизни бола ту-шуниб етмайди. Энг яхиси, боланинг эътиборини тортмаслик учун барча тақиқланган нарсаларни беркитиб қўйинг.

Бу ёшда бола руҳсат берилган чегарани белгилай олади. Баъзи ота-оналар бола “уларнинг мустаҳкамлигини текшириб кўради” деб хисоблайдилар. Ўз кичконтойингизни жон-дилдан яхши кўринг, иложи борича, унга кўпроқ танлаш эркинлигини беринг. Унинг ўзига бугун у нима кийиши, қанақа ўйин ўйнаши учун танлаш имкониятини беринг. Бу унинг ўз-ўзини назорат килишини ривожлантиради, ўз шахсий хатти-харакатларини бошқаришга ўргатади. Болага ҳар доим сиз нима учун у ёки бу ишни қилганлигингизни ёки нима учун унга руҳсат бермаслигингизни тушунтириб беринг.

Кўпчилик “бала кичкина ва у тушунмайди”, деб ўйлайдилар ва у билан хисоблашмайдилар. Бу хато фикрdir. Албатта, бола мураккаб фалсафий тушунтиришларга муҳтож эмас, лекин оддий нарсалар хақидаги маълумотларни доимо олиши зарур.

Болага агар унга ниманидир ман этсангиз, демак шу нарсани бажа-риш мумкин эмас ёки унинг учун хавфли эканлигигига ишонч ҳосил қилмоғи керак.

Болага бир вактнинг ўзида иккита топшириқ берманг ёки биринчи топширикни бажариб бўлмасдан дарҳол иккинчи топшириқка ўтманг.

Бу вактда оддий, қисқа иборалардан фойдаланинг.

Бундан ташқари, бу ёшда бола ўзи мустақил фаолиятга, яъни ўз-ўзи билан мустақил ишлашни ўрганишига алоҳида эътибор қаратмок керак. Бола билан биргаликда ўйинни бошлаб, қисқа муддатда уни ёлғиз қолдиринг, бола





ўзи ўйинни давом эттирсин, қайтиб келгач эса у мустакил ўйнаганлигини мақтанд, унинг муваффақиятларидан хурсанд бўлинг. Масалан, бола ўзи мустакил ҳолда пирамидаларни тўплагани ёки суратли китобни охиригача қараб чикқанлигини мақтанд.

Бу ёшдаги баъзи болаларда уларни тушунмасликлари учун хафа бўлганлиги билан боғлиқ ёки унинг учун одатий бўлмаган вазиятда ўзини йўкотиб қўйиш ва кўркув туфайли ўзи ҳамда бошқаларга нисбатан тажавузкорлик юзага келиши мумкин. Баъзи болалар бу вазиятда ўзларига зарар етказишлари мумкин: бошини уриши,

чимчилаши, ўзини-ўзи уриши ёки ўзини тишлиши. Бу, албатта, ота-оналарни жуда хафа қиласди, улар бу вазиятда бола руҳий бузилишга эга, деб хисоблайдилар. Бола ёши катта бўлиши ҳамда мулокот учун қўникмаларни ўзлаштириши ҳамда бошқаларни тушуниш қобилияти ривожланиши билан тажовузкорлик ва ўз-ўзига тажовузкорлик муаммоси ҳал этилади.

Аслида, бола хали юзага келаётган вазиятни тушуниб этишни ўрганмади, бошқача айтганда, ўзининг кўркуви, жаҳли ёки хафалигини ифода этишни билмайди. У ўзини ёлғиз, рад этилган ва тушуниб бўлмайдиган, деб хис қиласди. Болани тушунишга ҳаракат қилинг. Қайси вазиятларда у ўзини шундай тутишини кузатишга ҳаракат қилинг. Балки бола маълум бир вазиятдан ёки бирон бир предметдан кўркиши мумкин. Бу нарсалардан қочишга ҳаракат қилинг. Боланинг сизга етказишни хоҳлаган сигналини таниш ва сизга нимани етказмоқчи эканлигини билиш учун уни дикқат билан кузатинг.

Бола ўз жаҳлини ифодалashi учун уни қабул қилиш мумкин бўлган усулларга ўргатинг, масалан, ёстикни уриш, коғоз йиртиш ва х.к. Бу усулларни боладаги тажовузкорликни енгиш кийин бўлган вақтда ишлатинг. Бола ўзи ва бошқаларга зарар етказмаслиги учун ҳамма усуллардан фойдаланинг, лекин унинг дикқатини тортмасликка ҳаракат қилинг.

Ва ниҳоят, бу ёшдаги энг муҳим вазифалардан бири – нутқнинг ривожланишидир. Бола нутқи асосан З ёшда тўлиқ шаклланган бўлиши керак. Бу нутқ ривожланиши давридаги энг муҳим сенситив даврdir. Агарда бола ҳаётининг биринчи йилида нутқ ривожланиши муваффақиятли ўтган бўлса, яъни бола ўз яқинлари билан мулокотда бўлишни яхши кўради, оддий илтимосларни тушуна олади ва бажариши мумкин, имо-ишораларни қўллай олади, оддий такрорланувчи сўз бирикмаларини талафуз кила олади, шеърларни қоникиш ҳосил қилган ҳолда тинглайди, ўйинчоқ ва суратларни қизиқиши билан томоша қиласди. Демак, кейинги босқичга ўтиш учун вакт келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бола билан мулокот, унинг нуткини ўстириш тинч ва шовқин-сурон бўлмаган вазиятда ўтиши лозим. Агарда хонада мусика баланд овозда бўлса, ёки бошқа шовқинли товушлар мавжуд ёки она бошқа киши билан сұхбатда бўлса, бу вазиятда, албатта, муваффақият қозониш кийин. Тинч хонада бевосита болага мурожат этинг, мулокот вактида унга ўз ҳиссиётларингизни етказишга харакат килинг, шу билан бир вактда, мимика ва имо-ишоралардан фойдаланинг.

1. Болани таниш предметларни кўрсатишга ўргатинг. Аввал бола ёки ўз тана қисмларингизни кўрсатинг ва уларнинг номларини айтинг, сўнgra боладан у ёки бу тана қисмини кўрсатишни сўранг. “Мана Обиднинг кўзлари. Кўрсатгин, сени кўзларинг кани?”

2. Бола талафуз этаётган сўз ва ибораларга эътиборли бўлинг. Балки бола маълум бир сўзнинг ўрнини босувчи сўзларни ишлатаётган бўлиши мумкин. Масалан, кичкинтой “тяй-тяй” – деб (чой сўзидан) сўраши мумкин. Боланинг илтимосига жавоб беринг ва уни сўз орқали кўллаб-куватланг. Бола ўзининг илтимосини сўз ёки имо-ишоралар орқали ифодалай олса, боланинг “кўзи орқали” ўқиманг.

3. Ёрқин суратли, хайвонлар, күшлар чизилган ёки предметлар кўрсатилган бир неча картон, кичик шеърлар берилган китоб сотиб олинг. Ҳар бир сахифада биттадан ортиқ сурат бўлмаслиги керак. Бу каби китобларни сиз ўзингиз мустақил ҳолда ҳам тайёрлашингиз мумкин. Шеърнинг охиридаги товушларга тақлид қилиш керак. Масалан: Арча ва қайрагочлар орасида бузоқча онасини йўқотиб қуиди.

“Онам қани, тушунмадим?”. Жавоб тариқасида сигир “МУ!” деб жа-  
воб қайтаради.

Аввал китобдаги ҳамма шеърларни бола билан биргаликда ўқинг. Товушга тақлид қилинган жойларни алоҳида хиссиёт билан ва ифодали ўқинг, бир вактда китобдаги суратни кўрсатинг, бу болада қизиқиш уйғотсин. Бир неча вақтдан сўнг тақлид товуш учун пауза қилинг, бола шеърни ўзи якунлаши учун имконият беринг. Бола товушни такрорлашга ҳаракат қилса, ҳаттоқи товуш ўхшаш чиқмасада, уни мактанг.

4. Бир хил қаҳрамонлар иштирокидаги, турли ҳаракатларни ба-  
жарган ҳикоя ёки Илкк китоб сотиб олинг ёки ўзингиз картондан  
тайёрланг. Турли предметлар кўрсатилган китобни юқорида кўрсати-  
лган тамойил асосида ўқинг. “Айик – бай-бай, айик – ням-ням. Айик  
– кўп-кўп. Айик – топ-топ”. Ўзингиз ва кичкин тойининг ҳаракатларига  
бир хил сўзлар билан изоҳ беринг. Худди шу ҳаракатларни бажариш  
ва сўзларни талаффуз килишни бошлаб, болага ҳаракат ва сўзларни  
тугатишни тавсия этган ҳолда қизиқиш уйғотинг.

5. Сайр вактида бола билан биргаликда ўйнаб, унга яхши қофияли  
шеърларни ўқинг ва унга шеърлардаги енгил талаффуз этиладиган,  
бир хил мураккабликдаги қаторларни тугатишни тавсия этинг

Бола ўрнини босувчи сўзларни ишлатишни ўрганганидан сўнг икки сўздан  
иборат бирикмаларни қура олиши мумкин, унинг луғат бойлиги ортиши ва  
боғланган нуткнинг ривожланиш жараёни бошланади. Бу жараён мулокотсиз ва  
тафаккурнинг ривожланишисиз амалга ошиши мумкин эмас ва тўғридан-тўғри  
уларнинг муваффакиятига боғликдир.

Сўзлар хиссиётли мазмунга эга бўлган вактдагина мазмун ва мохиятга  
эга бўлади. Шунинг учун ҳам болага атроф-мухитни билиши учун иложи  
борича кўпроқ имконият бериш зарур.



Одатда, ота-она бола ҳаётининг биринчи йилида уни янги нарсалар билан танишириш имкониятидан инстинктив равиша кувонадилар. “Кара, қанақа ажойиб кучукча! Кучукча вов-вов. Кучукчанинг думи, қўли ва тиши бор”. Бу хатти-харакат кейинчалик сўниб боради. Бола тарбиясида кузатувчанликни ривожлантириш учун турли предметларни, тирик ва нотирик табиатни биргаликда ўрганиш бола ривожланишидаги самарали шартларидан ҳисобланади.

*Бармоқли ўйинларнинг яна бир варианти «сояли театр» ҳисобланади. Девордаги сояда ўйнаб, бола билан биргаликда турли қизикарли шаклларни ўйлаб топиш мумкин. Масалан, қўрсатгич, ўрта ва номсиз бармоқни букиб, кичик бармоқни суриб, катта бармоқни ярим шаклда юқорига кўтариб «кучукча» шаклини яратиш мумкин.*

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини ривожлантириш: Болада ушбу кўникмалар шаклланишининг аҳамиятини қайта баҳолаш қийин. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини эгаллаш билан болада йирик ва майда моторик харакатлар, кўргазмали-харакатли тафаккур, ўз-ўзига бўлган ишонч ва мақсадга йўналганлик ривожланади.

У кийинчиликларни енгиш ва бундан қувонч олишни ўрганадилар. Ота-онанинг вазифаси болани мустакил ҳаётга тайёрлашдан иборатdir. Бу, албатта, тўлиқ ёки ҳатто катта маънода ривожланишида алоҳида хусусиятга эга бўлган болаларга ҳам тегишлидир.


Лекин, афсуски, айнан шу тоифадаги болаларнинг ота-оналари керагидан ортиқ даражада ғамхўрлик кўрсатишга мойил бўлиб, ўғли ёки қизиниг ўзи мустакил бажаришни ўрганиши мумкин бўлган вазифаларни ўзлари бажарадилар. Бу боланинг руҳий ва жисмоний ривожланишига катта зарар етказади. Бола қарам бўлиб, суст ва бефарқ бўлиб қолиши мумкин: «Менга буни бажаришни нима кераги бор, барibir ҳеч нарса чиқмайди».

Кичкинтийингиз вазифани бошқа болалардан фарқли равиша ёмонроқ ёки узок муддат бажарадиган бўлса, ҳеч қўркинчли жойи йўқ. Вақти келиб у вазифани мустакил бажаришни ўрганади. Ўз-ўзига хизмат килишнинг у ёки бу кўникмаларини шакллантирган холда боланинг диккатини охирги олинган натижага қаратиш ва у билан биргаликда кувониш лозимдир.

---

Ҳеч қачон болани ўзи хоҳламаган, ўжарлик ва қайсарлик ҳолатида бирон ишни бажаришга мажбур этманг. Унинг диққатини бошқа нарса-га тортинг, керакли ҳаракатларни ўзингиз бажаринг ва кейинги сафар яна қайтариб кўринг. Ҳеч қачон болани бирон бир ишни бажара олмаганлиги учун уялтиранг ва тергаманг, чунки бу ёшдаги бола учун факат зарар келтиради.

Ҳаракатида бузилиши бор бола учун ўзи кийиши ва еча олиши мумкин бўлган кийим сотиб олинг. Бу каби болалар учун энг яхшиси илгаклари йўқ трикотаж кийим, “ёпишқокли” оёқ кийимлар қулайдир.



Предметли фаолиятнинг ривожланиши: Предметли фаолиятнинг ривожланиши жараёнида бола уни ўраб турган атроф-мухит ва предметларнинг хусусиятлари хақида жуда кўп маълумотларни олиши зарурдир. Лекин энг асосийси билиш жараёни болага каттта қувонч баҳш этиши керак. Шунинг учун ҳам таклиф этилаётган барча ўйинчоклар бола “хоҳиш”ига мос келиши лозим.

Болага ҳеч қачон бир вактнинг ўзида бир неча ўйинни таклиф этманг. Энг яхшиси бола ўзи ўйинни мустақил ташкил эта олишга интилишидир. Ўйин тугагач ўйинчокларни жойига олиб қўйинг, бу болага ўйинчокнинг кимматини кўрсатади. Бола қизиқмаган ўйинни ўйнашга мажбур этманг. Эсда тутинг, болада у ёки бу қўнимани шакллантиришдан кўра унда билиш қизиқишлигини уйғотиш муҳимроқдир. Бу мақсадга эришишнинг усолларидан бири – олдинга қўйилган вазифани ҳал этишда ўз қувонч ва хайратланишингизни ёркин кўрсатган ҳолда бола билан биргаликда янги ўйинларни ўйнанг.

Шундай килиб, бола 2-3 ёшда предметларнинг қандай асосий хусусиятларини ўзлаштириши лозим? У амалиётда ҳажм тушунчасини (кичкина предметлар катта идишларга сигиши мумкин, тескариси эмас) ўзлаштириши керак. Бу тушунчани шакллантириш учун ўйин – турли ҳажмдаги предметлар, улардан минора куриш ёки бир-бирини устига қўйиш: кути, стакан, матрёшка, қўғирчок ва унинг каравот, машиналар ва улар учун гараж. Бу

нарсаларни дўкондан харид килиш шарт эмас: болалар, одатда, “ҳақиқий” предметларни яхши кўришади. Масалан, турли катталиқдаги кастрюллар, хажм тушунчасини шакллантириш учун жуда қулай предмет, бундан ташқари, ундан жуда яхши шовқин чикади!

Шакл тушунчасини шакллантириш учун турли қўшимча илова ва нарса ҳамда пирамидалар зарур. Бу турли кесикларга эга бўлган доска ва унга куйиладиган (доира, квадрат, учбурчак – билиш учун энг оддий шакллар) “почта қутиси” (шаклларни қутига ташлаш учун шакллар шаклидаги тешикли қути ёки шар), турли шаклдаги учбурчак, доира, квадрат стержен ва ғилдирак, яъни мос келувчи пирамидалардир.

Предметларнинг харакатланиш хусусияти билан боғлик тушунчани болаларнинг севимли ўйини бўлган “тортувчи” ва “итарувчи” – арава, машина, яъни харакатланувчи ўйинчоклар орқали шакллантириш мумкин. Уларни ип билан тортиш ёки кичкинтойнинг ўзи машинани оркасидан суриши ёки итариши билан харакатта келтиради ёки бу қўғирчоқ коляскаси ҳам бўлиши мумкин. Предметларнинг оғирлиги ва ҳаракати ўртасидаги фаркни билиши ва хис килиши учун ҳаво шари ёки коптот билан ўйнаш, резинали ёки сувга чўқадиган предметлар билан ўйнаш каби сиз ва фарзандингизнинг фантазияси айтиб турадиган кўплаб ўйинларни ташкил этиш мумкин.

“Курол”ни ишлатиш – бола тафаккури ривожланишининг яна бир босқичи ҳисобланади. Кум ёки крупалар ёки кумли на-



---

борлар билан ўйин энг яхши ўйин хисобланади (грабл билан ерни текислаш, чекакка қум солиш, белкуракча билан текислаш ёки босиш, сеткадан ўтказиш, турли шакллар билан “минорачалар” тайёрлаш). Бошка вариант – болға билан уриш, сувдан қошиқ билан турли предметларни тутиш, сувни бир идишдан иккинчи идишга солиш ва бошка меҳнат қуроллари ҳамда мосламаларини ишлатишни талаб этувчи ўйинлар. Албатта, боланинг кундалик ҳаётида ўз-ўзига хизмат килиш кўникмаларини шакллантириш ҳам кўплаб меҳнат қуроллари ва мосламалари билан боғлик.

Боланинг интеллекгуал ва мотор ҳаракатларининг ривожланишида сурат чизиш жуда фойдалидир. Бола калам ёки ручка билан ҳар хил чизикларни чизсин, нафакат мўйқалам, балки бармоклари билан ҳам бўёқдан фойдаланиб, сурат чизсин.

Бирор нарсани ясаш майдага мотор ҳаракатларни, кўргазмали-ҳаракатли тафаккур ва хаёлни ривожлантирган ҳолда бола ривожланишига катта ҳисса қўшади. Агарда сиз хамирдан бирон бир нарса тайёрламоқчи бўлсангиз, бола эътиборини бу жараёнга жалб қилинг. Бу унинг интеллектуал ривожланиши учун озиқ ҳисобланиб, бола билан муносабатларингизни янада мустахкамлайди.

Ва ниҳоят биргаликда куриб-ясанг. Бу ёшдаги болалар учун қуриш-ясашда энг яхши восита – ёғоч ғиштлар хисобланади (ғишт, кубик, конус, шар, пластинкалар ва х.к.).

Албатта, ҳар қандай қуриш-ясаш бола учун яхши машғулотдир. Лекин факат шу машғулот боланинг кўз билан чамалашини, майдага моторик ҳаракатларини, кўргазмали-ҳаракатли тафаккурини, ижодий қобилиятларини ва тасаввурини ривожлантиради. Бундан ташқари, амалиёт шуни кўрсатади-ки, болалар бу каби ўйинларни бошка қуриш-ясаш ўйинларидан кўра яхширок қурадилар ва уларни бир неча йил давомида ўйнашади. Агарда бирон бир сабаб билан ёғоч ғиштларни сотиб ололмасангиз, сиз уларни тайёрлаш учун устахонага буюргма беришингиз мумкин.

Қуриш-ясаш машғулотидаги энг қизикарли усусларидан бири – кубиклардан минора қуришдир. Болага уни қандай қуришни ўргатинг. Сиз кимнинг минораси баланд деб мусобака ташкил этишингиз мумкин, факат керагидан ортиқ машғул бўлиб қолманг, болани ютиши учун имконият беринг. Унинг муваффакиятларидан кувонишни унутманг!

### 3.4. Алоҳида эҳтиёжи бўлган бола ҳаётининг тўртинчи-олтинчи йилида ривожланиш

Ушбу ёшдаги болаларнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1. Бошқа болалар билан мулоқотга киришиш ва улар билан ўйнай олиш;
2. Ўз фаолиятида ўз-ўзини назорат қилиши ва ўз-ўзининг бошқарувини ривожланиши, унинг мақсадга йўналганлиги ва эркинлигини ривожланиши, мустакил ҳаракатларнинг янада ривожланиши ва ўйин қоидаларига риоя кила олиш.

Шундай килиб, бола ҳаётининг 3-чи йилида у ўзини хурмат ва эътибога лойик, белгиланган ҳукуқка эга бўлган шахс деб билиши, у гўзал оламда яшаётганлигини ҳис қилиши, жуда кўп қизиқарли вазифа ва қийинчиликларни енга оладиган инсон сифатида билиши зарурдир.

Лекин, шу билан бирга, агарда эътибор берган бўлсангиз, кичкин-той бошқалар ҳам худди шундай хурматга эга бўлиши, ўз ҳукуқ ва қизиқишлирига эгалиги ва бу билан ҳисоблашиш кераклигини қабул қилишга ҳали тайёр эмаслар. Айнан мана шу тушунча 6 ёшли болада шаклланиши керак. Бола бошқалар билан мулоқотдан қувона олиши, бошқаларнинг ҳисларини тушуниши ва ҳамдардлик билдира олиши жамиятда мавжуд қоида ва меъёрларни тушунишга ўрганиши ҳамда уларга риоя қилиши, ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил эта олишни ўрганиши лозим.

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Биринчидан, болани бошқа болалар ва тенгдошлари билан биргаликда ўйнаш имконияти билан таъминланг. Ўйин боланинг интеллектуал ва ҳиссий эҳтиёжларини кондиради, унинг шахсини ривожлантиради.

Ўйин жараёнида у бошқалар билан ҳисоблашишни, ўйин қоидаларига амал қилишни ўрганади. Ўйин қоидаларига амал қилишни ўрганиш – ушбу даврнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, мактаб таълимига асос солади.

Айнан ўйин жараёнида бу қобилиятларни ривожлантириш енгил кечади. Ўйин жараёнидаги қоидаларга бўйсуниш боланинг ижодий қобилияти ва мустакил ҳаракат имкониятларини чегараламайди, қийинчиликларни енгиш имкониятлари билан таъминлайди. Ўйин боланинг асосий фаолияти сифатида тасодифан таъкидланган эмас, албатта, бола ҳукуклари

---

бўйича Конвенция эса унинг ўйнаш хукуқига эга эканлигини янада мустаҳкамлайди.

Ривожланишида баъзи бир бузилишларга эга бўлган болаларнинг ўйин фаоллиги, айниқса, ментал муаммоларга эга бўлган болаларда катта кийинчлилик билан шаклланади.

У тенгдошлари билан мулокот ўрнатишга кийналади, ҳамдардлик билдириш, бошқаларнинг ҳисларни тушунишни ривожланиши оркада қолади. Агарда болага керакли ижтимоий кўнкимларни шакллантиришига кўмак берилмаса, бола ёлгизликда қолади ва унинг ривожланиши янада оркада қолади.

Ногиронликка эга бўлган ота-оналарни ўз кичкинтойларини хафа қилишлари ва уни бошқалар тушунмаслиги, болани ажратиб куйишларидан хавотирга тушишлари, табиий ҳолдир. Лекин бола айнан шу оламда яшашни ўрганиши лозим ва унинг учун бошқа йўл шунчаки мавжуд эмас.

Бошқа болаларни “алоҳида” бола билан мулокотга киришишни, уларга қандай килиб ўзларини тутишлари, агарда лозим бўлса қандай килиб унга ёрдам беришлари мумкинлигини ўргатиш лозим. Агарда болани оддий болалар мактабгача таълим муассасасига беришга ҳал қилган бўлсангиз, бу жуда ажойиб фикр.

Дефектолог-мутахассис билан маслахатлашиб кўринг, уни оддий болалар мактабгача таълим муассасасига бериш мумкинми, болага маҳсус педагогик-коррекцион ёрдам керакми?

Бу ёрдам айнан нимадан иборат бўлишини аникланг. Сиз очик маслахат олиш хукуқига эгасиз, чунки сиз учун ҳаммаси ойдин бўлиши керак. Кўплаб мутахассислар болани фақат бошқа болаларга ўхшамаганлиги туфайли беихтиёр маҳсус мактабгача таълим муассасасига йўлладилар.

Болани яширманг – бу билан унинг ривожланишини оркага сурасиз ва келажакда бахтли бўлиш имкониятидан маҳрум этасиз.

Бола билан қанака ўйин ва қандай ўйнаш керак?

Ролли-сюжетли ўйинлар –хаётнинг ўзи болага ўйнаш имкониятини беради. “Дўкон”, “Мактаб”, “Доктор” ўйинлари ва бошқалар боланинг ижтимоий мослашувини янада орттиради.

“Она-қиз” ўйини ҳаммага маълум. Ногиронликнинг оғир шаклига эга бўлган бола ҳам бу ўйинда катнашиши мумкин. Ривожланишида бузилишга эга бўлган болани ўйинга қўшиш билан нафакат унга, балки бузилишга эга бўлмаган болаларга ҳам ёрдам бераётганлигинизни ёдда тутинг.

Сиз уларга ўзаро ёрдам ва ўзаро тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берасиз, инсон шахсига унинг бошқаларга ўхшаш ёки ўхшамаслигидан қатъи назар хурматда бўлишни, дунёни турли томонларини идрок этишга ўргатасиз. Маълумки, болалар мактабгача таълим муассасасида ривожланишда орқада колган ва ривожланиши меъёрда бўлган болалар биргаликда трабияланадилар ҳамда бу хар икки тоифадаги болаларнинг ҳам жуда яхши ривожланишларига имкон беради.

Куриш-ясаш – бу ёшдаги боланинг интеллектуал ривожланишини тъминловчи асосий усуслардан бири ҳисобланади. Куриш-ясаш машғулотининг бир неча турлари ажратилади. Булар тақлид килиш, намуна бўйича, сурат ва модел буйича турлари дидир. Машғулотни ҳар доим 2-3 предметли оддий курилмалардан бошланг.

Тақлид килиб куриш-ясаш қуидагича ташкил этилади. Ёғочли қуриш-ясаш шаклларини teng кисмга ажратинг, керакли деталларни ажратиб олинг ва боладан худди шунака деталларни топишини сўранг.

Агарда бола вазифани бажара олса уни мақтанг, агарда бажара олмаса унга ёрдам беринг. Қадам ва қадам ўйланган қурилмани қуринг. Натижада сизлар иккита бир хил курилишга эга бўласизлар. Биргаликда кувонинг.

Намуна буйича қуриш – кейинги қадам. Энди сиз болага ўз қурилмангизни тайёр ҳолда кўрсатинг ва ундан ҳам худди шунака қурилмани қуришни сўранг. Керак бўлса унга ёрдам беринг.

Сурат буйича қуриш – бола учун янада мураккаб вазифадир. Болага қурилиш керак бўлган предметнинг тасвири берилади, суратда барча деталлар кўриниши керак ва бола худди шундай қурилмани қуради.

Куриш-ясаннинг янада мураккаб тури – модел буйича қуришdir. Лекин айнан шу тип бола тафаккурининг ривожланиши учун алоҳида қимматга эгадир. Ушбу усулда болага тайёр модел берилади, лекин бунда алоҳида кисмлар кўринмаслиги керак, бола эса унга қараб керакли қурилмани ясади.



Агарда инсон ва ҳайвонларнинг кичкина шаклларидан фойдаланилса қуриш-ясаш машғулоти янада қизиқарли бўлади. Уларни қурилиш жараёнига киритиш ва мақсадга қаратилган ҳолда керакли объектни қуриш мумкин. Бу боланинг мотивациясини янада оширади. “Кел айикчага стулча курамиз, у жуда чарчади ва у ўтиришни хоҳлайди”.

### **Ривожлантирувчи ўйинлар.**

Ривожлантирувчи ўйинлар сифатида юкоридаги бўлимларда тавсифланган ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, “Сехрли қопча”, – деб аталувчи (бошқа предметларнинг ичидан пайпаслаб ушлаган предметнинг номини айтиш керак), “кимга нима тўғри келади” (турли ҳайвонлар учун ўйчалар турли касб эгалари учун меҳнат куроллари, она ва болалар), “намунага кўра накшларни теринг”, “жуфт суратлар” (худди шунақасини топ) ўйинларини ташкил этиш мумкин.

### **Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўнималарини ривожлантириш**

Бу ёшдаги болалар ўз фаолиятларини мустакил ташкил эта олмайдилар. Унга ўз фаолиятини мустакил ташкил этишини ўргатиш учун янги вазифаларни тушунтириш ва изоҳ бериш ҳамда биргаликда бажаришдан бошланг. Масалан, болага ўз хонасини йиғиштиришни ўргатишдан бошланг:

- Мақсад қўйинг: “Кел, биргаликда сенинг хонангни тартибга со-ламиз. Хона тоза-озода бўлса, қандай ёкимли”.
- Режа тузинг: “Аввал ўйинчокларни қутига жойлаштирамиз. Сўнгра китобларингни китоб жавонига тахтаймиз. Кейин эса кийимларингни жавонинг жойлаштриб, чангларни артамиз ва полни ювамиз”.
- Режанинг ҳар бир кисми амалга ошиши билан уларга изоҳ беринг ва уларни баҳоланг. “Мана, ўйинчокларни йиғиштиридик, хона тартибга келди”. “Китоблар китоб жавонига жойлашмаяпти, демак китобларни тартиблироқ жойлаштириш керак. Яна бир марта жойлаштиришга харакат қилиб кўр”.
- Натижаларни баҳоланг ва вазифани амалга оширишнинг бошланишида унинг ёрдами атиги битта ўйинчокни қутига жойлаштиришдан иборат бўлган бўлса-да, болани, албатта, мақтанг.


Албатта, вазифаларни амалга оширишнинг бошланишида барча топширикларни ўзингиз бажарасиз, лекин вақти билан бола бажариши керак бўлган вазифалрни унга кўпроқ юкланд. 6 ёшли бола ўз хонасини мустақил ҳолда тартибга сола олади.

Кичкинтой белгиланган тартибга мослашганидан сўнг унга савол беринг ва ундан жавоб беришни сўранг: “Биз ўйинчокларни ийғиштирдик. Энди нима киламиш?”

6 ёшда бола ўз хатти-харакатини бошкариши учун нутқдан фойдалана олиши, ўз харакатларига мустақил изоҳ бера олиши керак. Ушбу кўникма унга мактаб таълими учун зарур бўлади.

Худди шу тарзда боланинг уйкудан уйғониши, кийиниши, ювениши ва ноңушта қилишлари ва бошқа кундалик ишлари, ўйинларини ташкил этишга ёрдам берасиз.

Ментал муаммоси бор болаларни ўз-ўзига хизмат килиш кўникмаларининг оддий турларини шакллантириш учун кўргазмали айтиб туришдан фойдаланишингиз мумкин. Масалан,



---

бала билан биргаликда суратли “кийиниш учун қўлланма”. Қўлланмада суратлар навбатма-навбат келади: труси-майка-колготки-кўйлак-шим-свитер-ботинка.

### **Нутқининг ривожланиши**

Уч ёшда боланинг нутқи асосан шаклланиб бўлади. Бола нутқининг грамматик қўрилишини ривожлантириш, сўз бойлигини орттириш давом этади ҳамда ўкиш ва ёзиш таълимига тайёргарлик жараёни боради. Буни қандай амалга ошириш керак?

**Биринчидан**, ўз нутқингизга эътибор беринг. Сўзларни қисқартирманг, эркаловчи, лекин тўлиқ талаффуз этилмайдиган сўзларни ишлатманг, сўзларни доимо тўғри талаффуз этинг.

**Иккинчидан**, харакатларни вактда ифодаловчи феъллар билан танишиш учун суратлардан фойдаланинг (ўғил бола ўйинчоқларини йиғишиди). Ўғил бола ўйинчоқларини йиғиширмоқда. Ўғил бола ўйинчоқларини йиғишириди), сон-микдор (контакт-контаклар, қўғирчок-қўғирчоклар), йўналиш бўйича кўрсатгичлари (айик столнинг устида, айик столнинг остида, айик столнинг ёнида). Олдин ўзингиз ҳамма сўзларни талаффуз килинг, сўнгра боладан сурат асосида саволларга жавоб беришни сўранг.

**Учинчидан**, болани сўзлардаги товушлар билан танишириш. Бу болани ўқиши ва ёзишга тайёргарлик кўриши учун муҳимдир.

1. Кўчада кетаётib ким кўп товушларга сўз топа олиш ўйинини ўйнанг. Масалан, “м” товуши: машина, мотор, магазин, материал.
2. “З” товуши бор сўзларни эшитган вақтда қарсак чал
3. Товушлардан сўз биримларини туз “агарда “м” ва “и” товушларини кўшсак нима ҳосил бўлади?”
4. ОЛ ва МА бўғинларини кўш, ҳарфларни эмас, балки айнан товушларни талаффуз қил. “МЭ сўзини топ. КА ва ТЭ ларни кўш”, — деб айтиш нотўғри.
5. Талаффуз қилиниши бўйича яқин сўзларни топ, “тол-сол”, “туз-куз”.
6. Балиқ, денгиз, том, девор сўзларида қандай товушлар борлигини айт.
7. Контакт сўзидағи охирги товушга сўзларни топ.
8. “Пар” сўзидағи охирги товуш иштирокидаги ҳайвонлар номини эсга ол (Шер, йўлбарс...)

9. Биринчи ва охирги товуши “к” бўлган сўзларни топ (кўлмак, копток...)  
ёки биринчи товуш “т” охиргиси “ғ” бўлган сўзларни топ (тоғ, боғ...)
10. Агарда “ҳо”товушларига бошқа товушларни кўшсак нима бўлади?  
(хор, хом...)
11. Шундай гап тузгинки, ҳамма сўзлар “о” товушидан бошлансин. (Олим  
олмани олди)

Бола товушлар учун сўзларни топиш, товушларни бўғинларга қўшишни,  
бўғинларни эса сўзларга қўшишни ўрганганидан сўнг орқага қайting,  
яъни сўзларни бўғинларга, бўғинларни эса товушларга ажратинг. Сўнгра  
гаплар тузишни ва гапларни қисмларга ажратиш буйича ишланг.

Яна бир марта эслатиб ўтамиз, энгасосийси, тўғри нутқ эмас, балки бола  
бошқалар билан мулокотда бўлишни ўрганиши ва мулокот эҳтиёжларини  
қондира олишидир.

Агарда интеллектуал орқада колиш ёки харакат аппаратининг оғир  
шаклдаги бузилиши бўлса, бола нутқка эга бўлмаса, унинг ривожланиши  
учун саъй-харакат қилиш  
керак эмас. Махсус пе-  
дагог ёки логопед билан  
маслаҳатлашинг, ком-  
муникациянинг қайси  
туридан фойдаланган  
маъкул: имо-ишора, ми-  
мика нутқи, пиктограм-  
ма, блисс-рамзлар ёки  
сўз бирикмалари ёзилган  
маҳсус мослама ускуна-  
дан, қайсики бола ке-  
ракли тугмага босиб, ўз  
фикрини баён эта олади.

Эшишида муаммоси бор болани имо-ишора-мимика нутқига иложи бо-  
рича вактлирок ўргатинг (буни нафақат бола, балки ота-она хам ўрганиши  
керак бўлади).



---

Эсда тутинг, йиллар давомида бузилишларни түғрилаш, нуткни шакллантириш учун саýй-харакат килиб, бола ривожланиши учун қулай бўлган сензитив даврни ўтказиб юборасиз. Уннинг ривожланишида иккиламчи бузилиш – руҳий ривожланишдан оркада қолиш, шахсий-хиссий бузилиш шаклланади.

Ва ниҳоят, ривожланишида алоҳида хусусиятга эга бўлган болаларнинг ота-оналари уннинг тарбияси ва ривожланиши буйича эксперт бўлиб шаклланадилар. Ахир, хеч бир мутахассис болани ўз ота-онаси каби тушуна олмайди, она болани тартиб-интизомга, ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини ривожлантиришга ўргатиш жараёнининг муҳим томонлари ва бошка жиҳатларини яхши билади.

Шунинг учун муаммолари ўхшаш бўлган оналарнинг бир-бирлари билан мулокотда бўлишлари ва ўз тажрибалари билан бўлишишлари, бир-бирларини қўллаб-куватлашлари жуда муҳимдир. Ота-оналарнинг ўзаро ёрдам гурухи асносида жуда кўп ишларни амалга оширишлари мумкин: уйда кичик-мактабгача таълим муассасаси шаклида болага қараб туриш учун навбатчиликни ташкил этиш, болалар бир-бирлари билан дўстлашишлари ва мулокотда бўлишлари учун биргаликдаги байрамларни ташкил этиш.

Ота-она ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги зарур, мутахассислар, кариндош ва яқинлари ҳамда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг ота-оналари орасидан ўз иттифокчиларини фаол қидириши лозим. Дунёда кичкинтояга баҳтли ва муваффақиятли бўлиб вояга етишига ёрдам беришдан кўра муҳимрок нарса йўқ, сиз эса бу йўлда ёлғиз эмассиз!

## ГЛОССАРИЙ

**АУТИЗМ.** Сүнгги тадқикотларга мувофик бу касаллик кўпроқ атроф-мухитдаги муаммолар туфайли юзага келадиган касалликлар туркумiga киради (environment). Атроф-мухит тушунчаси остида озука, дори-дармон, хаво, сув, организмга керакли тўйимли микроэлементларнинг кириши, атрофдаги борлиқда токсинларнинг мавжудлиги, умуман олганда, бизни ўраб турган барча нарса ўзида инсон учун потенциал хавфни олиб юриши ва муаммо манбаи бўлиши мумкин. Авваллари аутизм фақат психиатрик ёки психологик муаммо ҳисобланарди, уни ҳатто шизофрения касаллиги билан етарлича адаштирадилар. Кейин ҳаммасида болага етарлича эътибор ажратмаган ота-оналарни айблардилар. Ҳозир ҳам оналарни уларнинг айбдор эканликларига ишонтиришга уринадиган психотерапевтлар бор. Болаларнинг эрта аутизми (Autism Spectrum Disorder, ASD) – бу нутк малакаларининг шаклланишида ортда колиши, мулокотдаги муаммолар ва катор стереотипли одамларнинг мавжудлиги билан характерланадиган касалликлар гурухи. *10 иллар олдин аутизм даволаб бўлмас касаллик ҳисобланарди, ҳозир ҳам “муваффақият тарихи” вақти вақти билан юзага чиқиб туради. Бироқ айни дамгача бундай галаба – сенсация, ва ҳар гал бу галаба жуда ва жуда қийинчилек билан қўлга киритилади. Отa-оналар ва мутахассисларнинг қанча кўп кучни ишга солсалар, муаммо қанча тез пайқалса, шунчалик натижаси яхши бўлади. Барча тадқиқотлар бу ҳақда гувоҳлик беради.*

Аутизмнинг симптомлари қўйидагилардир: алоқа қобилиятининг яққол ифодаланган бузилиши; тана алоқаларидан қўрқиши; мулокот қобилиятининг бузилиши; стереотипли машғулотлар; ўзгаришдан кўркув; овқатланиш ва уйку билан муаммолар, хавфни олдиндан кўра билишга лаёқатсизлик; ҳақиқатни бошқача қабул қилиш (аутизми бўлган болалар ҳар доим ҳам бошқалар каби эшитмайдилар, ҳидни сезмайдлар, кўрмайдилар ва хис килмайдилар).

Аутизми бўлган болалар билан ишлаш ва ўқитишда уларга ёрдам бериш ҳамда муваффақиятларини рағбатлантирганча уларни кўпгина фойдали ва ёқимли машғулотларга ўргатишингиз мумкин. Ривожланишида муаммоси бўлган болаларга хос эгилувчанлик ва хиссиётлилик муаммолари вужудга

---

келиши мумкин. Уларга таъсирчанлик етишмайди, шунга ўргатиш керак. Аутизми бўлган кўпчилик одамлар агар уларга баробар талаблар кўйсангиз ва уларни тушунишга харакат қиласангиз етарлича омадли бўлишлари мумкин. Болага барвактрок атрофдагиларни тўғри танлаш ва уларга кундалик тартиб ҳамда жадвалга риоя қилишларида ёрдамлашиш жуда муҳим. Аутизми бўлган фарзанд тарбияланаётган оиласга ҳам ёрдам зарур. Аутизми бўлган кўпгина болалар атрофдагиларни изохлаш ва тушунишлари ҳамда мактабгача таълим муассасаси, мактаб, кундузги марказга қатнаш ҳолатида бўлишлари учун шахсий ассистент ёрдамига муҳтожлик сезадилар.

Кўплаб болаларга турар жойнинг ажратилган муҳити, турғун кичкина гурух ва катъий кундалик тартиб талаб этилади. Аутизми бўлган болага уларнинг ўзига хос бузилишлари табиатини тушунадиган ва қай тарзда янги малакаларни эгаллашга ёрдамлашиш мумкинлиги тўғрисида маслаҳат бера оладиган мактабгача маслаҳатчи, мутахассис билан учрашиш имконияти бўлиши зарур. Таълим индивидуал йўналишга эга бўлиши лозим.

**ГИПОТИРЕОЗ** – бу боланинг жисмоний ва психик ривожланишини бошқарувчи модда – тиреоид гормонини етарлича ишлаб чикара олмайдиган бола организмида пайдо бўладиган аклий ва жисмоний ўсишда кечикишdir. Бу гормонни ишлаб чиқариш учун йод талаб этилади. Тупрок, сув ва озука таркибида жуда кам йод бўлган аҳоли пунктлари, масалан, тоғли худудларда бу нуқсон етарли даражада кўп учрайди. Тиреоид препаратлари билан илк ва узок муддатли даволаш ўсиш ва жисмоний кўринишнинг яхшиланишига кўмаклашади, баъзида аклий заифликни камайтириш ёки олдини олиш имконини беради. Энг яхши натижаларга эришиш учун даволашни бола хаётининг биринчи ойиданоқ бошлаш керак. Шу сабабга кўра сизда бола гипотиреоз бўлиши мумкинлиги ҳақидаги шубҳа уйғониши билан дарҳол мутахассис билан маслаҳатлашинг. Барвақт даволаш ва муносиб ривожланишда аклий ривожланишнинг шу хислатига эга бўлган кўпчилик болалар ўзларини парвариш қилишга ва оддий муҳим ишларни бажаришга ўрганишлари мумкин.

**ОРҚА МИЯ ГРИЖАСИ.** Орқа мия қорин ичидаги ривожланишнинг эрта боскичида пайдо бўлади ва кейин қобик ҳамда умуртқа суяги билан қопланади. Агар бу жараён бузилса, унда орқа мия грижаси— терининг юзасига чикувчи бош мия ва асаб толаларининг дўппайиши бўлган бола туғилиши мумкин. Кўпчилик болаларда грижа бош миянинг тутгаланиш соҳасида бўлади ва шунинг учун уларда таъсирчанликни йўқотиш билан бирга борадиган умрбод оёқ фалажи кузатилади. Бош мия суюклиги оқишининг ёмонлашиши туфайли уларнинг барчасида тезлик билан аралашувни талаб қиласиган гидроцефалия ривожланади. Оёқ фалажи турли болаларда кучли фарқланади ва оёқ деформациясига олиб келади. Кўпчилик болалар ёрдамчи воситалар ёрдамида юришга ёки ногиронлар аравачасида харакатланишга ўрганишлари мумкин.

Орқа мия грижаси бўлган болалар ва ўсмирларда оёқнинг харакатчан функцияси секин ва етарли бўлмаган даражада ривожланади. Кўпинча уларда фалаж ва тана пастки қисмининг сезувчанлигини йўқотиш туфайли ўз танасини гайритабиий идрок килиш пайдо бўлади.

Гидроцефалия (бош мия истискоси) эмувчи болаларда ютиниш ва нафас олишда кийинчиликка, шунингдек, қўл панжаларининг харакат функциясини бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Бироқ кўпинча тананинг юкори қисми буткул меъёрда ривожланади.

Болаларга ҳатто уларнинг қўллари ва оёклари бошқача ишласа ҳам мустакил харакатланиш ва турли ёрдамчи воситалар ёрдамида ўтириш ва туриш ҳолатини қабул қилишни ўрганишларига ёрдам бериш зарур. Бу кўникмалар тажриба ҳамда таассурот олиш учун асосий ҳисобланади ва у, биринчи навбатда, мулоқотни, нутқ ривожланиши ва ҳ.к. ни рағбатлантиради. Отаоналар ва болалар муассасаларининг ходимларида болани қай тарзда қўллабқувватлаш, тутиб туриш, кўтариш ва рағбатлантириш ҳамда ёрдамчи воситалардан кандай фойдаланиш бўйича маҳсус малакалар зарур. Реабилитациянинг яна бир глобал мақсади ўзўзини баҳолашни мустахкамлаш ҳисобланади. Бу интилиш болалар ва ўсмирлар билан ўзаро муносабатнинг барча боскичларида иштирок этиши даркор.

---

**ДАУН СИНДРОМИ** – бола ривожланиши она қорнида бошқа йўл бўйича кетаётганлигини кўрсатувчи турлича симптомлар уйғунлиги. Даун синдромида тананинг ҳар бир хужайрасида 46 ўрнига 47 та хромосома бўлади. Даун синдроми бўлган болалар ривожланишида кечикиши бўлган болалар гурухи сони бўйича энг кўп қисмни ташкил этади. Уларни, одатда, ривожланиши ўртамиёна даражада ортда қолган шахслар қаторига, баъзиларини – ривожланиши салгина ортда қолган гурухга қиритиш мумкин, фарки нисбатан катта. Бу бошқа психик ва ижтимоий функционал қобилияtlарга хам тааллукли. Улар хам бошқа болалар каби ўз индивидуал хусусиятларини ота-оналаридан мерос килиб оладилар. Қачонки Дауна синдроми бўлган болалар уларгагина хос бўлган муайян, типик хислатларга эга деб таъкидланса, бу уларнинг ўзларидан кўра бизнинг уларга караш усулимизга боғлик. Даун синдроми бўлган болаларда турли хилдаги патология бошқа болаларга караганда кўпроқ учрайди, бу, масалан, юрак касаллиги (тахминан 40 фоизида), ошқозон-ичак тракти бузилишлари, эшитиш ва кўриш бузилишларига дахлдор. Шунингдек, уларга бўғимлардаги кучли ҳаракатчанлик хосдир. Умумий мушаклар заифлиги бошқалар орасида таянчҳаракат аппаратининг ривожланишида секинлашувга олиб келади. Даун синдроми бўлган болаларнинг асосий тиббий муаммоларидан бири иммунитетнинг пастилиги хисобланади. Даун синдроми бўлган болаларнинг ривожланиши кучли равишда илк ёшида кучайтиришга ва систематик тарзда машқ килиш ҳамда тайёргарликка боғлик. Коммуникация ва ҳаракат малакаларини ривожлантириш учун машқ килувчи маҳсус дастурлар бор. Даун синдроми бўлган кўпчилик болалар юриш, гапириш, ўқиш, ёзиш ва умуман, бошқа болалар қила оладиган кўргина нарсаларни қилишга ўрганишлари мумкин, факат уларга адекват ҳаёт мухити ва таълимнинг мувофиқ дастурлари билан таъминлаш зарур. Бундай болаларнинг муайян қисми оддий мактабларда таҳсил оладилар.

**БОЛАЛАР МИЯ ФАЛАЖИ** – одатда, илк болалик ёшида намоён бўлувчи ва ҳаракат бузилишлари: фалажлик, мускулларнинг заифлиги, координациянинг бузилиши, ихтиёrsиз ҳаракатлар билан характерланадиган, бош мия шикастланиши натижасида пайдо бўладиган касаллик. Болада миянинг қайси соҳаси шикастланганлигига қараб, таянч-ҳаракат аппарати-

нинг турлича ишдан чиқиши намоён бўлади. Шикастланиш ва унинг локализацияси бошқа симптомларнинг ҳам бор ёки йўклиги билан аниқланади. Таянчхарақат аппаратининг бузилиши турлари бўйича мия фалажи учта гурухга бўлинади: 1) спастик бузилиш; 2) дискинезия; 3) атаксия.

**Спастик бузилиш** бирмунча типик ҳисобланади ва мия фалажи ходисасининг тахминан 2/3 қисмини ташкил этади. Инсон ҳаракатланади, бироқ унинг ҳаракатлари секин, ланж ва зўриқкан. Унга ёмон чидамлилик ва координация хос. Бундан ташқари, бўғимларнинг қийшайиши, айниқса, кўл ва оёқларда осон юзага келади, бу эса ҳаракат кобилиятини янада чеклайди. Спастик фалажда ҳаракат функцияларининг бузилиш даражаси турли одамларда кучли фарқланади. Баъзи бола тўшакка михланиб колса, бошқаси юриши, югуриши ва ҳатто чанғида учиши ҳам мумкин.

Фарқланади:

**спастик гемиплегия** (бир томонлама фалаж), қачонки тананинг бир бўлаги шикастланса;

**спастик диплегия** (икки томонлама фалаж) – симптомлар тананинг ҳар икки томонида намоён бўлади;

**спастик тетраплегия** (яққол ифодаланган ҳаракат функциялари билан кўлнинг ҳам, оёқнинг ҳам оғир фалажи). Бу турдаги мия фалажи бўлган барча болалар ривожланишнинг яққол ифодаланган секинлашувига эга. Уларнинг кўпчилиги эпилепсия ва кўришнинг сусайиши билан азобланадилар.

**Дискинезия** (ҳаракат актларининг бузилиши) – турли хилдаги ихтиёрсиз, кўллар, оёқ, гавда мускуллари, тил ва томоқнинг доимий бир бирига мувофиқ тушмаган ҳаракатлари. Болалар жуда секин ривожланадилар, улар ҳатто эмаклаш ёки ўтиришга ўрганишга ҳам камрок муюссар бўладилар. Кўпчилиги эса сўзлашга ўргана олмайдилар, овқатланишда қийналадилар ва улар атрофдагилар ёрдамига бутунлай мутождирлар. Шикаст ўчоги мия стволи билан яқин жойлашган. Мия шикастланиши ҳар доим ҳам ақлий заифликка олиб келавермайди. Бундай болаларга тўғри ривожланиши учун мухит ва таълимнинг бой стимулини таъминлаш зарур.

**Атаксия** – бу ихтиёрий ҳаракатлар координациясининг бузилиши. Мувозанатнинг бузилиши, юрганда оёқлар орасини кенг очиш, бесўнақай ҳаракатлар, шунингдек, титровчи ва қалтировчи кўллар каби омилларда

---

намоён бўлади. Атаксияда шикаст доираси – мияча. Шикаст мерос бўлиши ва кўпинча таянчхаракат аппаратининг бошқа бузилишлари билан уйғунлашиши мумкин. Симптомлар кўпинча аҳамиятсиз ёки ўртамиёна оғирликда.

**Перцептив бузилиши.** Кўпинча мия фалажи туйғу органларининг бузилиши (перцептив бузилиш) билан уйғунлашади. Агар ҳатто кўриш, эшитиш ва англаш ёрдамида олинадиган туйғулар меъёрда бўлсада, бу тасаввурларни изохлаш қобилияти бузилган бўлиши мумкин. Шунда болаларда маконда ўз танасини, товушлар, тасвиirlар ва реаллик кетмакетлигини, хонада предметларнинг жойлашуви ва оралиғини нотўғри идрок қилиш пайдо бўлади.

Мия фалажи бўлган болаларнинг тўғри ривожланишини таъминлаш учун харакат фаоллиги (ЛФК, массаж, мускулларнинг чўзилиши ва чиникиши), таъсиранчалик, моторика, нутқ, мулокот малакаси ва ўзўзига хизмат қилишнинг ривожланишини киритган ҳолда комплекс ёндошув талаб қилинади.

*Агар Сиз фақатгина болани даволаши билан шугулланиб қолмай, балки уни ҳаракатланишига, ўзига хизмат қилишига ва бошқа болалар билан мулокотга киришишига ўргатсангиз болага кўпроқ фойда келтирасиз. Баъзida болани зарурий кўнукмаларга ўргатиб, касаллик оқибатларини қисман бартараф этишига эришилади. Биз қанчалик барвақт бошласак, шунча катта муваффақиятга эришамиз.*

**КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ** – наслий омиллар ёки қорин ичидағи ривожланиш даврида, туғиш вактида ва туғилганидан кейин дарҳол бўлиши мумкин бўлган касаллик ва жароҳат таъсирида юзага келган бузилиш. Катаракта, глаукома ва тўр парда касаллклари кўриш қобилиятининг типик бузилиши хисобланади. Миянинг жароҳатли ёки токсик шикастланиши (захарланиши) натижасида кўриш асаблари ёки кўз косаси шикастланган бўлиши мумкин. Кўриш қобилиятида бузилиши бўлган одамлар икки гурухга ажратилади: кўриш қобилиятида оғир бузилиши бўлган (кўрмайдиганлар) ва заиф кўрадиган одамлар.

Кўриш қобилиятида оғир бузилиши бўлган одамлар 0,05 гача (кўришнинг меъёрий ўткирлиги – 1,0) кўриш ўткирлиги ёки 10 градусдан (дурбин

диапазони) кам кўриш бурчагига эга. Уларнинг кўпчилиги CCTV – тасвирларни кўп маротаба катталашибадиган, қайта алоқаси бўлган телевизион тизим ёки нуқтали ҳарф (Брайл ҳарфлари) каби ёрдамчи воситалардан фойдаланишга муҳтож. Кўпинча борликда ориентир олиш мураккаб, айниқса, агар кўриш бурчаги ўта чекланган бўлса. Бу гурухга кўриш қобилиятининг қолдиги сақланмаганлар ҳам киради ва улар компенсатор сифатида бошқа туйғу органларидан фойдаланишга мажбурдирлар. Аудиокитоблар, радио ва плёнкага ёзилган газеталар, шунингдек, ёзилган ахборотни ўкувчи маҳсус компьютер дастурлари – кўриш қобилияти оғир бузилган одамлар учун ахборотнинг муҳим манбаларидир.

Агар одамнинг кўриш ўткирлиги 0,3 ва 0,05 орасида бўлса заиф кўрувчи хисобланади. Яхши ҳолатда кўриш қобилиятини текшириш учун бир типдаги жадвалда 5 м масофадан туриб тепадан Зқаторни ўқиши мумкин. Заиф кўрувчилар, одатда, кора ҳарфни мослаштирилган ёруғликда маҳсус кўзойнак ёки катталашибурувчи ойна ёрдамида ўқийдилар. Йириклаштирилган ҳарфлар ёки сунъий нутқ билан мослаштирилган компьютерлар мактабларда, касбий фаолиятда кўпроқ фойдаланилади. Заиф кўрувчилар йўлни топиш учун етарлича кўриш қобилиятига эга, бироқ улар кўчадаги вивескалар, уй ва автобусларнинг ракамларини ўқишига қийналадилар. Бундай ҳолларда энг яхши ёрдамчи восита бўлиб кичкина кўл дурбинлари хизмат килиши мумкин.

Агар боланинг кўриш қобилиятини жуда эрта кучайтиришни бошласак, унга оптимал ривожланишда ёрдам бериш мумкин. Модомики, кўриш қобилияти аҳамиятли даражада моториканинг ривожланишини ҳам бошқарар ва атрофдагилар билан мулоқотни таъминлар экан унда бир вақтнинг ўзида турли органлар туйғуларининг функционал ривожланишини рағбатлантириш зарур. Кўриш қобилиятида оғир бузилиши бўлган болаларнинг катталарга қарам бўлиб қолмасликлари ва тенгдошлари билан меъёрий ижтимоий алоқага киришишлари учун ҳамма эҳтимолдаги нарсани қилиш керак.

**ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ.** Одатда эшитишнинг қуийдаги бузилишлари фарқланади:

---

*Эшитиш қобилиятынинг аҳамиятсиз бузилиши – фақат ўз-ўзидан юз берадиган нуткий ва тил ривожланишини енгил секинлаштиради, бироқ бошқалар нимани гапираётгандарини идрок қилишни секинлаштиради.*

*Эшитиш қобилиятынинг ўртача оғир бузилиши – ўз-ўзидан юз берадиган тил ва нуткий ривожланишларни секинлаштиради, бироқ уни буткул йўқ килмайди.*

Эшитиш қобилиятынинг оғир бузилиши ва гаранглик ўз-ўзидан юз берадиган тил ва нуткий ривожланишни кучли секинлаштиради ёки мутлақо йўқ қилишга олиб келади. Бошқа шундай одам билан мулокот килиш учун имо-ишоралар тилини билиш талаб этилади.

Эшитиш қобилиятынинг бузилиши сабаблари қўйидагилар бўлиши мумкин: ирсий мойиллик, хомиладорлик пайтидаги қизилча, эшитиш йўли ёки эшитиш суяқчаларининг деформацияси, туғищдаги жароҳатлар, сарик касаллиги, кислород етишмаслиги, менингит, сурункали отит, паротит (тепки), бош мияга оид жароҳатлар, шовқинли шикастлар ва бошқалар. Бола учун одатий товуш нуткни эгаллаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Шунга қарамай, қолган эшитиш қобилиятидан фойдаланиш ва жадал машқ килиш, шунингдек, болада вибрацияни идрок қилишни шакллантириш, кўриш органлари билан ҳисоблаш ҳамда ундан фойдаланиш қобилияти, ритм туйғусини сингдириш зарур. Бироқ асосийси, бола илк ёшидан бошлаб имо-ишоралар тилини ўрганиши лозим.

Эшитиш қобилиятынинг бузилиши бўлган боланинг илк ёшидан бошлаб эшигадиган болалар билан бўлганидек, имо-ишоралар тилини эгалланган болалар билан ҳам бирга бўлиши муҳим эканини ёдда тутинг.

Имоишоралар тили уч турда бўлади:

1) кўпчилик эшитиш қобилиятида бузилиши бўлган одамлар ўзаро мулокотда фойдаланадиган оддий имоишоралар тили;

2) сўзлашув нутки билан бир вақтнинг ўзида фойдаланиладиган расмлар тили ва у сўзлашув тилидан кейин келади;

3) бармоқлар тили, қачонки сўзлар бармоқлар ёрдамида тушунтирилади.

Имоишоралар тили ривожланишида ортда колиши бўлган эшигадиган одамлар билан ишлашда, тушуниш аппаратини шакллантиришни тезлатиш учун ҳам фойдаланилади.

Эшитиш қобилиятида бузилиши бўлган болаларнинг кундалик кўнижмаларини ишлаб чиқиша маҳсус машғулотларни ўюштириш зарур. Уларни турли вазиятларда ўзларини қандай тутишга ўргатмоқ даркор. Эшитиш қобилиятида оғир бузилиши бўлган бола атрофдагиларга ўзининг шовқини билан ҳалакит қилаётганини ҳар доим ҳам аниқлай олмаслиги мумкин.

Мулоқотда кийинчилиги бўлган ўқувчилар учун мактаб ёки интернат осонгина “Ёпик олам” бўлади. Шунинг учун қизиқишилари бўйича гурухлар, тўгараклар, умумий тадбирларда иштирок этиш воситасида эшитадиган болалар билан мулоқотнинг барча имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Мактаб отаоналарга болаларнинг ривожланишини кузатиш, улар уйда бўлганларида машқ қилишга ўргатиш имконини бериши лозим. Мактабда ота-оналар учун маҳсус машғулотлар, курслар, ота-оналар ҳафталиклари ўюштирилиши мумкин.

**Ривожлантиришда иштирок этувчи мутахассис ва катталар:** маҳсус маслаҳатчилар, педагог, психолог, мұхандис (мактабгача таълим мұасасалари, мактаблар ва ҳ.к. ларда ёрдамчи эшитиш воситаларини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича)

**ПСИХИК БУЗИЛИШ** – кенг маънода олганда психиканинг меъёрий/соғломдан фарқ қилувчи ҳолати. Психик соғликнинг аниқ таърифи йўклиги ва меъёр чегарасининг ноаниклиги туфайли психик бузилишнинг бир маъноли, умумлашган таърифи мавжуд эмас. Психик бузилишларга миядаги жиддий органик издан чиқишилар сабаб бўлган бузилишларнига киритадилар – улар етарлича оддий қайд қилинади ва уларнинг сабаблари таҳлил қилиниши мумкин. Психик бузилишни қўйидагича ажратиш мумкин: органик психик бузилишлар (яъни органик бузилишлар билан шартланган), шахснинг касалланиши, ахлоқ бузилиши, ҳиссий (аффектив) бузилишлар, психофаол моддаларни истеъмол қилиш оқибатида кўзғаладиган касалликлар, жароҳатдан кейинги стресссли бузилишлар ва бошқалар. Бу гурухларнинг маълум қисмлари ўзаро кесишиши мумкин.

Психик бузилиш билан азобланаётган одам юқори интеллектга эга бўлиши ва олий маълумотли бўлиши мумкин, бироқ кўпинча ўз ахлоқини назорат қила олмайди. Унинг ёнидаги одамлар уларга танбех бермасликлари

---

ва жазоламасликлари, аксинча меҳр, ғамхўрлик ва тушуниш билан муносабатда бўлишлари керак (Карант: “Шизофрения”, “Психопатия”).

**ПСИХОПАТИЯ** – устунлик қилувчи белги – хиссий-иродавий мухитдаги бузилишлар бўйича бирлашадиган ҳолат гурухи. Психопатияда ақл деярли ўзгармаган, шунинг учун психопатияни соддалаштиришнинг маълум улуши билан феъл-атвор ўзгариши сифатида кўриб чикиш мумкин.

Феъл-атворнинг патологик хусусиятларини мустаҳкамланиши атрофда-гиларнинг бола ёки ўсмирнинг нотенг ахлоқини рағбатлантиришдаги психопатик ахлоқига (эътиroz, норозилик реакциясининг, реакция қилишнинг салбий шакллари мустаҳкамланиши) тақлид қилиш билан таъминланиши мумкин. Масалан, бола кўзгалувчанлигининг ривожланишида ўзини тута олмаслик фонидаги тормозланиш каби асабий жараёнларнинг ишлаб чиқилишига етарлича эътибор қилмаслик кам бўлмаган аҳамиятга эга. Бунда ижтимоий мухит ва феъл-атвордаги кўплаб ижобий бўлмаган хусусиятларнинг нотўғри таъсирига тўғридан-тўғри боғлиқликнинг мавжудлиги ҳам аникланди. Демак, патологик кўзгалувчанлик болага эътиборнинг етарли бўлмаслиги ёки унинг буткул йўклиги окибатида осон юзага чиқади. Тормозли психопатиянинг шаклланишига ҳам масидан кўра кўпроқ боланинг меҳр кўрмаслиги, камситиш ва хўрлашга дучор килиниши (бола – “золушка”), шунингдек, болани ўта қаттиқ назорат остида ушлаш шароитлари, яъни атрофдагиларнинг қаҳри қаттиқлиги ёки шафқатсизлиги қулайлик туғдиради. Истерик психопатия бирмунча кўпроқ доимий меҳрмуҳаббат бериш ва таҳсин ўқиши, яъни бола билдирган барча истаклар, инжиқликларнинг бажо келтирилиши (бола – оиланинг жону-дили) шароитида шаклланади. Психопатик ривожланиш ҳар доим ҳам психопатиянинг тўлик шаклланиши билан тугамайди. Ёкимли шароитларда патологик характернинг шаклланиши, қачонки патологик хусусиятлар ҳали турғун бўлмаган ва уни осон енгиш мумкин бўлган пайтда “психопатик босқич” билан чекланиши мумкин. Мухитнинг ўзгаришида барча психопатик хусусиятлар буткул йўқ бўлиши мумкин.

Психопатия белгиларига эга бўлган болалар билан ишлашда, биринчи наебатда, ноxуш шароитни ўзгартириш, машғулотларни тўғри уюштириш ва х.к. зарур.

**Ривожлантиришда иштирок этувчи мутахассис ва катталар:** ота-оналар, шифокор-психиатр, ижтимоий ишчи, психолог, дефектолог, педагог.

**НУТҚ ВА ТИЛ БУЗИЛИШЛАРИ.** *Тил тушунчаси остида қайси сўзларни қўллаш, сўзларни нимани англатади, сўзлардан қандай қилиб гап тузиш мумкинлигини кўрсатувчи турли қоидалар кўзда тутилади.*

*Нутқ* тушунчаси остида биз тилимиз қоидаларига мувофиқ талаффуз қилинган товушлар сўз ҳосил қилиши учун лаб, тил, танглай ва х.к. ёрдамида амалга оширадиган турлича ҳаракатлар кўзда тутилади. Буни уддалаш учун биз нутқ органлари билан нима қилишни билмоғимиз даркор, нутқ органлари эса етарлича ҳаракатчан бўлиши зарур.

*Мулоқот* – бу камида иккита одамнинг гаплашиши дегани.

Мулоқот ва тил бола дунёга келиши билан ривожланишни бошлайди. Бундай ривожланишнинг асосини бола ва катталар ўртасида диалог ташкил этади. Барча болаларда түғилган заҳотиёқ уларни мулоқот қилишга, атрофдагилар эътиборини тортишга ундейдиган ички куч мавжуд бўлади. Ягона истисно аутизми бўлган болалар ташкил этади (қаранг: “Аутизм”). Бироқ болага гапиришни ўрганиши учун сухбатдош керак. Нутқ малакасини қучайтиришга бола туғилиши билан қиришиш мумкин, аммо буни бошлашга ҳеч қачон кеч бўлмайди. Қучайтириш шарофати билан мия ривожланишини таъминлайдиган асаб ҳужайраларининг ўлчами ва микдори, улар орасидаги алоқалар сони ошади. Ҳаракат қобилияти – тил ва нутқ ривожланиши учун асос солувчи омилдир. Ривожланишида ортда қолган боланинг қобилиятига товушга таклид қилиш ва товушларни бир биридан фарқлаш билан алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Товушли машкларни кун давомида бошқа майший ишлар билан уйғунликда олиб бориш зарур, масалан, тагликни алмаштириш, кийинтириш ва ечинтириш вактида ва х.к. Улар кундалик ҳаётнинг табиий таркиби бўлмоғи лозим.

Турли сабабларга кўра кимки ўз нутқини ривожлантирмаган ёки ёмон гапирадиганлар учун коммуникациянинг муқобил воситалари деб номланувчи сўзлашишнинг бошқа усуллари мавжуд. Ривожланишда ортда қолган кўпгина одамлар мулоқот қилиш учун таклид қилиб ўрганадилар ёки ўзларининг шахсий имо-ишораларини ўйлаб чиқарадилар. Эшлишида нуқсони

---

бўлган одамлар тили – имо-ишоралар тилининг бирмунча мукаммал вариянтидир. Коммуникациянинг муқобил усулига мисол – мулоқотнинг шу воситасидан фойдаланувчи одамлар кўрсатадиган фигуранлар расми туширилган рамзлар тизимини акс эттирувчи Блис-рамзлар жадвали. Ҳийла оғир даражаси бўлган ақли заиф ўқувчилар учун пиктограмма (суратлар) тизими ишлаб чиқилган. Нутқ мазмуни доимо уларнинг ўзиники бўлишини унумаслик лозим. Нутқий хусусияти бўлган одамдан қайта сўрашдан уялманг, чунки улар учун уни тўғри тушунишлари жуда мухим. Биз эшигувчи ва жавоб берувчилар ўта эътиборли бўлишимиз даркор, бизнинг муносабатимиз қуидаги ишонч билан йўғрилган бўлмоғи керак: “Сен тинглашлари учун муносибсан, сенда менга айтадиган гаплар бор”.

**Ривожлантиришда иштирок этувчи мутахассис ва катталар:** отоналар, психолог, педагог, дефектолог, иштимоий ишчи, психиатр.

**АҚЛИЙ ЗАИФЛИК** – бу боланинг ақлий (психик) ривожланишда кечикиши ёки ортда қолиши. Бола ўзининг тенгдошларига караганда кўникмаларни секинроқ ўзлаштиради. У харакат килишни, жилмайишни, атрофдагиларга қизикишни намоён қилишни, кўллари билан эмаклашни, ўтириш, юриш, гапириш ва тушунишни кечронк бошлайди. У баъзи кўникмаларни тезроқ, бошқаларини эса секинроқ ўзлаштиради.

Кечикишнинг енгил, ўртамиёна ёки оғир даражасига мансублиги функционал қобилиятларнинг ўртача ва тахминий белгиси демакдир. Батафсил таксимлаш воситасида биз качон амалий характердаги чораларни кўллаш, масалан, яшаш жойи билан таъминлаш, ишга жойлаштириш ва ҳ.к. кераклигини тушунамиз. Мактабларда ҳам олдиндан аникланувчи шундай аломатлардан фойдаланилади, яъни бола қандай – бошланғич маҳсус ёки тайёрлов мактабига катнаши аникланади.

Ақли заифликнинг енгил даражаси аникланганда бола оддий умумтальим мактабида ўқиши мумкин. Бундай болага баъзи малакаларни ўзлаштириш учун кўпро вақт талаб этилади. Бироқ агар унга ёрдам берилса, улгайга ўз ўзига хизмат қилиши ва фаол бўлиши мумкин. Барвакт ривожлантириш ва таълим жараёнини тўғри уюштириш бошқа тенгдошлари билан солиштирганда ривожланишдаги фарқ ёхуд кескин пасаяди, ёхуд буткул йўқ бўлиб кетади.

Ақлий заифликнинг ўртамиёна даражасида бола оддий умумтаълим мактабларига қатнаши ва унинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда маҳсус ишлаб чиқилган индивидуал дастур бўйича таълим олиши мумкин.

Касалликнинг оғир ва чуқур даражаси бўлгандан ёрдамчи мактабларда индивидуал дастур бўйича ўқитиши такозо этилади. Оғир ақлий заифлиги бўлган бола улғая боргач ҳам гўдак ёки кичик бола даражасида қолиши мумкин. Унга доимий равишда муайян парвариш ва назорат зарур.

Ривожланишида кечикиши бўлган бола доимо ёнида у ишониши мумкин бўлган кимдир бўлишига муҳтождир.

Ақлий ривожланишида ўзига хослик бўлган барча болаларга тезроқ ривожланилашларида ёрдамлашиш мумкин. Махсус ёрдам ёки “рағбатлантириш”ни канча эрта бошласангиз бола шунча кўпроқ қобилиятни эгаллайди. Ҳатто олдингизда ривожланишида кечикишнинг оғир шакли билан азобланаётган одам бўлса-да, ниманидир қўллашдан олдин, вакт топиб, унга тушунтириш ва қандай килишни кўрсатиш нихоятда зарур. Болаларни нимагадир ўргатишда иложи борича мажбурлашдан кочиш керак.

Ривожланишдаги кечикиш интеллектуал функцияларнинг пасайиши демақдир, бу эса даражаси ва муҳитга боғлиқ равишда ногиронликни келтириб чиқаради. У боланинг шаклланиш даврида кечирган ногиронлги, маҳрумли ёки шикаст билан боғлиқ равишда кўп ҳолларда шу даражада муҳимки, унга кўмаква ёрдам талаб этилади. Ёрдам – бу ногиронлиги бўлган болага жамият хаётида иштирок этиши учун йўналтирилган турли хилдаги ишдан иборат. Интеллектуал қобилиятларни баҳолашда психологик, ижтимоий ва педагогик омиллар комплекс тарзда инобатга олинмоғи даркор.

Ривожланишдаги кечикиш аксар ҳолларда қобилият ривожланишини тормозловчи мия шикастланишининг оқибати ҳисобланади.

**Ақлий заифликни психик бузилиши билан адаштирмаслик зарур!**  
**(Қаранг: “психик бузилиш”)**

**ШИЗОФРЕНИЯ** – шахснинг ўзгаришлари (фаолликнинг пасайиши, одамлар билан мулоқотга эхтиёж, атрофдаги борликка кизиқишининг

---

йўқолиги, психик жараёнлар бирлигининг йўқотилиши, тафаккурнинг бузилиши ва бошқалар) ни характерловчи ва турли-туман кўринишлар (босинкираш, галлюцинация ва х.к.) га эга бўлган, узлуксиз ёки хуружли тарзда ўтадиган психик касаллик.

Шизофренияси бўлган одамнинг жорий ҳолати ёхуд ёши билан, ёхуд касалликка олиб келган сабаб билан белгиланади. Болалар шизофрени-ясининг аниқ таснифи мавжуд эмас. Мактабгача ёшдаги болалар учун кандайдир ташки сабаблар билан боғлик бўлмаган, сабабсиз кўркув жуда характерли. Баъзида бунда кўпинча эртакдаги персонажлар (кўркинчли кора айик, ялмоғиз кампир ва х.к.) ни эслатувчи, одатда, кўрkituvchi характеристда кўринадиган галлюцинациялар бўлади. Кичик ёшдаги шизофренилар учун нутқ бузилиши ҳам хосдир. Бунгача нутки яхши ривожланган бола эса гапиришни тўхтатиши, баъзида ўйлаб топилган сўзларни (неологизм) кўллашни бошлиши ёки саволга тааллукли бўлмаган жавоб кайтариши мумкин. Нуткнинг узук-юлуклиги кузатилади, эхолалия –бошқалар сўзи ёки жумласини такрорлаш бўлиши мумкин. Бундай болаларда нутқ ўзининг асосий – мулокот воситаси бўлиш функциясини йўқотади. Болалар бегоналашиб коладилар, атрофдагиларга ҳеч кандай реакция килмайдилар, кўпинча ўйинда ҳеч бир маҳсулдорликни намоён этмаганча ёлғиз ўйнашни афзал кўрадилар, масалан, соатлаб бир кўлда биттагина ўйинчоқни стереотип тарзда айлантиришлари мумкин. Қуйидаги кўринишлар кузатилиши мумкин: бола битта ҳолатда қотиб қолади, сочини бармокларига ўраб айлантиради, бир хил тарзда бошини силкитади, сакрайди ва х.к.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда хийла маҳсулдор психик симптоматика кўзга ташланади. Уларга патологик хаёлпастликка берилиш (“алаҳсирашга ўхшаш фантазиялар”) характерли ҳисобланади. Бундай болалар ўйлаб топилган оламда яшашлари, предметларни жонли нарсалар ҳусусияти билан аташлари, ҳайвонларни тасвирлашлари ва ўзларини мувоғик тарзда тутишлари, яъни бола ўзини от деб тасаввур қилганча, тўрт оёклаб туриб, пичан билан бокишиларини сўраши мумкин ва х.к. Турлича ипохондрик ҳолат ва импулсив ҳаракат, ҳаракатдаги тормозланиш ва бошқа шу каби ҳаракат бузилишлари кузатилиши мумкин. Уларга хаёлига ўрнашиб қолган ҳолат ва у билан боғлик ҳаракатлар ҳам хосдир.

Ўсмир ёшидаги шизофрения асосан катталар шизофренияси каби хусусиятлар билан характерланади, гарчи бузилишнинг баъзи турлари айнан шу ёшда учрайди (масалан, дисморфофобия – дисморформания синдроми). Ўсмир одамовий, бегоналашган бўлиб қолади, ўзлаштириши пасаяди, у авалги қизиқишлири ва яхши кўрган нарсаларига интилишни йўқотади, ўзига қарамай кўяди, пала-партиш бўлиб қолади. Кўпинча ёлғонга, ўғрилик, шафкатсизликка мойиллик пайдо бўлади.

*гебефреник шакл:* эътиборни тортадиган жиддий бўлмаган, жимжимадор, ғайритабиий ахлоқ хос; ўсмир атрофдагилар учун тушунарсиз бўлган сабабсиз вактихушликка мойил;

*кататоник шакл* тўлиқ харакатсизлик кўринишидаги (бола кўпинча эмбрионал ҳолатда харакатсиз ётади) харакат бузилишларида, мутизм (сукут саклаш) да, атрофдагиларга буткул бефарқликда намоён бўлади. Кататоник қўзгалиш бир хилдаги мазмунсиз харакат хавотири билан характерланади. Бола сакраши, кўлларини силкитиши, баъзида стереотип тарзда кичкириши, ғайритабиий харакатлар ва ҳ.к. содир этиши мумкин.

*параноид шакли* кўпинча галлюцинация ва турли-туман бемаъни ғояларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ўсмирлардаги параноидли шизофренияда жисмоний етишмовчилик алаҳсираши, невротик анорексиянинг шизофреник вариант (овқат ҳазм қилишнинг бузилиши), қариндошларига, айниқча, онасига нисбатан “бегона ота-она” деган босинкирашгача борадиган салбий муносабат хосдир.

Беморни касалхонага ётқизиш шизофрениянинг оғир эпизодларидағина талаф этилиши мумкин. У ихтиёрий ёки (агар бунга психик саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида маҳаллий қонунчилик рухсат берса) ихтиёрсиз (фуқаролик тартибида жўнатиш) бўлиши мумкин. Қатор давлатларда *деинституционализация* ўтказилган, бу эса гарчи бу ҳолат ҳали учраб турса-да, касалхонада узок қолиб кетишнинг олдини олади. Касалхонага ётқизилгач ёхуд касалхонага жойлаш ўрнига мадад бериш, жумладан, очик кўришга бориш мумкин бўлган марказлар, маънавий саломатлик бўйича туман гурухлари ёки пациентларнинг ўзлари бошқарадиган меҳнат билан бандлик ва қўллаб-кувватлаш гурухлари қўмаклашадиган *ассертив терапия* командасининг ташрифи ишга киришади.

---

Шуни ёдда тутиш лозимки, дои воситаларини қабул килиш психик бузилишда асосий даволаш ҳисобланмайды. Психик бузилиши бўлган болаларнинг эҳтиёжларини инобатга оловчи ёқимли ижтимоий мухитни яратиш, шунингдек, ота-оналар ва болалар муассасаларининг ходимлари ни бундай болалар билан тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш мухимроқ. Дорилар ёрдамида босишга уринилаётган хавотир қандайдир ўзгаришлар талаб этилаётганидан дарак беради. Баъзи ҳолатларда психик бузилиши бўлган болалар атрофдагиларга қарам бўлиб, ўзлари тушган вазиятни уларнинг ёрдамисиз ўзгартиришга қодир бўлмайдилар. Болаларнинг ички оламини идрок қилишга қизиқувчанлик ва очиқлик бизга болага ёрдам бериш имкониятини беради. Болалар анча кичик ёшда уларнинг ривожланишини қийинлаштирадиган ёки халақит қиласидаги катта ички ресурсларга эгадирлар. Ўйинларнинг турлича шакллари – бу болалар билан ишлашдаги энг ишончли воситадир.

**Ривожлантиришда иштирок этувчи мутахассис ва катталар:** оила, шифокор-психиатр, ижтимоий ишчи, психолог, педагог.

**ЭПИЛЕПСИЯ.** Эпилептик тутқаноқ мияда назоратсиз электрик фоллик тарқалганида юзага келади. Эпилептик хуружларни уйғотувчи кўзғатиш сабаблари, масалан, нормонал тизимдаги бузилишлар ёки тезда кўтарилган иссиқлик даражаси бўлиши мумкин. Эпилепсия хуружларининг деярли ярми стресс, ишсизлик ёки кўрқув ва хаяжонланганлик билан чакирилиши мумкин. Ривожланишида жиддий кечикиши бўлган одамларда ҳатто тўсатдан чиқадиган ва кескин товушлар таъсирида, айниқса, агар уларнинг юзага келишини олдиндан кўриб бўлмаган ҳолатларда тутқаноқ тутиши мумкин. Эпилептик тутқаноқлар турли оғирлик даражаси ва давомлилиги билан фарқланади.

Шуни унутмаслик лозимки, қачонки одам уларни етарлича сокин қабул килиш ва вазиятга бўйсунишга интилса хуружлар камроқ ва анча сустрок шаклда содир бўлади. Масъулиятдан қочишига уриниш ҳатто хуружларнинг тез-тез содир бўлиши мумкин. Кўпгина хуружлар – бу шунчаки мия функционал фаолиятининг вактинчалик бузилишидир.

Эпилепсияси бўлган болалар учун энг мухими ота-оналари уларга ёшларига мос бўлган талабларни қўйганча ва уларнинг ўзлари нимадир

қилишлари учун имконият беришга кўркмай оддий болалар каби муносабатда бўлишлари хисобланади. Ривожланишида аҳамиятсиз кечикиши бўлган кўпгина одамлар, болалар ва ўсмирларни ҳам киритган ҳолда ўзларидаги эпилепсия шакли ҳақида кўпроқ билганча ўzlари дори истеъмол қилишга ўрганишлари мумкин.

Эпилепсияси бўлган одам касбий фаолиятнинг жуда кўплаб турларини, шу жумладан, устахонада, турли хилдаги станоклар билан боғлиқ ишларни улдалашга қодир.

---

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Анн Бакк, Карл Грюневальд. Забота и уход: книга о людях с задержкой умственного развития. – Санкт - Петербургский Институт раннего вмешательства, 2001.
2. Винарская Е.Н. Раннее речевое развитие ребенка и проблемы дефектологии. Периодика раннего развития: Эмоциональные предпосылки освоения языка: Кн. для логопеда. - М.:Просвещение,1987.
3. Возрастные особенности психического развития детей: Сб. науч. тр. - М.: АПН СССР, 1982.
4. Грюневальд К. Как учить и развивать детей с нарушениями развития. СПб ИРВ 2000.
5. Дети с ограниченными возможностями: Проблемы и инновационные тенденции в обучении и воспитании. Хрестоматия по курсу «Коррекционная педагогика и специальная психология» /Сост. Н.Д.Соколова, Л.В. Калинникова. – М.:Изд-во ГНОМ и Д.,2001
6. Жукова О.С. Как вырастить умного ребенка. Что должен уметь новорожденный. – СПб.: Издательский дом «Нева», 2003
7. Мещерякова С.Б., Авдеева Н.Н. Особенности психической активности ребенка первого года жизни /Под ред. О.С. Андрианова. М., 1993
8. Муминова Л.Р., Чичерина Я.Е., Нуркельдиева Д.А., Назарова Э.Н., Хисамутдинова В.И., Сахиева Л.Э. Диагностика психофизического развития детей первых трех лет жизни / Методическое пособие. Ташкент, 2008
9. Нормализация жизни в закрытых учреждениях для людей с интеллектуальными и другими функциональными нарушениями. СПб. 2003.
10. Смирнова О.Е. Формирование представлений о себе и о другом в общении дошкольников. // Общение и диалог в практике обучения, воспитания и психологической консультации. М.: АПН СССР, 1987
11. Сорокина А.И. Развитие эмоций в общении со взрослыми у детей первого года жизни. Автореф. дис. ... канд. психол.наук. - М.: НИИ общ. и пед. психологии, 1987
12. Финни Н.Р.. Ребенок с церебральным параличом. М. «Теревинф» 2001.

- 
13. Kirk/Gallagher. Educating exceptional children. USA 1989.
  14. T.M. Shea, A.M. Bauer. Learners with disabilities. USA 1994.
  15. I. G. Stanley, S. Wieder The Child with special needs. USA 1998.



**Эрта ташхис ва илк аралашув:  
Мутахассислар ва ота-оналар учун қўлланма**

Ўзбек тилига таржимонлар

Н.Арипджанова,  
Р.Исмайлова,  
М.Яхняева

Ўзбек тилидаги нусхаси редактори

М.Яхняева

Рус тилидаги нусхаси редактори

Д.Микляев

Бадийй безаш

Т. Ли, М. Ли-Сафи